

ИШҚ - КАМОЛОТ КАЛИТИ

Тасаввуф таълимотига кўра Олам ҳам, Одам ҳам ишқ туфайли яралган, ишқ туфайли барқарор ва бир куни адам сари юз тутса - бунга ҳам ишқ сабаб. Зеро, улар Оллоҳдан вужудга келган - ажралган эди ва яна бориб Оллоҳга қўшилади, унга сингиб, бир бутун бўлиб-кетди. Банданинг Оллоҳ сари сайри ишқ туфайли амалга ошганлигидан тасаввуфда ишқ - камолот калити ҳисобланади. Чунки ишқ бу - илоҳий ўт, у қайси кўнгилга тушса, уни поклайди, нафс хархашалари, жисм ташвишларидан халос этади. Зохирий боғлиқликлардан қутулган кўнгил эса Оллоҳ жамоли живланадиган шаффоф, кўзуга, илоҳий маҳбуба ташриф буларидан аршга айланади. Шунинг учун ҳам Саҳл Тустарий: "Дил - арш, кўкрак курсидир", - деган эди. Шунинг учун ҳам Машраб:

*Куйса муҳаббат ўтига фисқу фуҷур гуноҳларинг,
Хилват этиб келур ўзи кўнгилнинг хонақосига, -*

деб ёзди. Шунинг учун ҳам мутасаввуф шоирлар нуқтаи назарига кўра камолот истаган киши ишқ йўлига кириши керак. Чунки камолот йўли бу - ишқ йўли. Ошиқлик - комилликка интилиш. "Ишқсиз камол бўлмас оламда", - дейди бу ҳақда Пахлавон Махмуд. Бас, ишқсиз одамдан комиллик излаб ўтирманг, бу таълимотга кўра у хатто одам эмас. Нодира таъбири билан айтганда:

*Муҳаббатсиз киши одам эмастур,
Гар одамсан - муҳаббат ихтиёр эт.*

Мумтоз адабиётда ошиқлик ва комиллик тушунчалари кўпинча ёнма-ён келади. Ёки бирининг ўрнига иккинчиси қўлланади ҳамда инсоний камолот деган ягона маънони ифодалайди. Инсон комил бўлиш учун аввал ошиқ бўлиш керак, деб таълим беради мутасаввуф шоирлар. Уларнинг ишонч-эътиқодига кўра ишқда юксак мақомга эришган ошиқ айна комил инсоннинг ўзидир! Зеро, ўзни покламай, гўзал ахлоқ соҳиби бўлмай, маънавий-руҳий баркамолликка эришмай туриб илоҳий ишқда бирор-бир даражага етишиш мумкин эмас. Чунончи, Мажлиддин Бағдодий: "Оллоҳ буюрган барча амалларни адо этмаган ошиқнинг ишқда тайинли бир рутбаси бўлмайди", дейди:

*Ишқ йўлида ким бошни фидо деб билмас,
Мот этмаса ушшоқни - ўша комилмас.
Кўйингда аниқ рутбаси бўлмас кишининг
То бошдан-оёқ амалларингни қилмас.*

Оллоҳ ошиқлари борки, у ёки бу даражада камолот касб этган бўладилар. Зеро, мисли олтинга айлантиришга қодир бўлган бу ишқ ўз изловчисини, истовчисини Оллоҳга суюкли бўлиш даражасига кўтара олади. Буюк Жалолиддин Румий ўз рубоийларидан бирида: "Мени она эмас, ишқ туккан!" - деган эди.

*Ишқ ул - токи халқ учун саодат бўлсин!
Ишқ ул - бу саодат то қиёмат бўлсин!
Ул ишқ мени тугди аслида - она эмас,
Ул онага минг таҳсини раҳмат бўлсин!*

Алишер Навоийнинг сеvimли қахрамони Фарҳодни эса ишқ дояси эмизди:

*Не қатра сунг ичургач дояи ишқ,
Бўлуб бир гавҳари сармои ишқ.*

Мажнуннинг вужуди лойи ишқ ўтида пишган:

*Ғам туфроғи суйидин сиритти,
Ишқ ўти-ю ели сарнавишти.*

Шу тарика, ишқ инсоннинг бутун ҳаётини камраб олади. Албатта, тасаввуфий жихатдан ишқнинг мундарижа-миқёси кенг,

таърифу таснифлари кўп. Лекин унинг уч муҳим хусусиятини ажратиб кўрсатиш мумкин: ишқ - яратувчи, ишқ - тарбия воситаси, ишқ - раҳнамо. Яъни, ишқ инсонни яратади, тарбиялайди, юксак мақсад сари етаклайди. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, ишқнинг яратувчилик вазифаси инсонни яратиш билан ниҳоясига етиб қолмайди. У энди инсоннинг руҳида, кўнглида яшаб, уни яратиш, ижод қилишга ундайверади. Дунёда инсон ақли, кўнгли ва қўли билан яратилган нимаики мавжуд, уларнинг барчаси ишқнинг маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Фузулий ёзди:

*Сарманзили ҳар мурода раҳбардир ишқ,
Кайфияти ҳар камола маърабдир ишқ,
Ғажнаи коинота гавҳардир ишқ,
Ҳар зоҳир ўлан нашъа масдардир ишқ.*

Ишқнинг тимсоли сифатида ўтнинг олиниши бежиз эмас. Зеро, ўт юқорига ўрлагани каби юрагида ишқи бор одам ҳам мудом парвозга, юксакликка интилади. У дунёвий ташвишларга ўралашиб, заминда қолиб кетолмайди. Ишқ бунга йўл қўймайди, уни мудом олдга чорлайди, безовта қилади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан: "Бу даражага қандай эришингиз?" - деб сўраганларида: "Тангри жазбасидан бир жазба инсон ва жин амали учун баробардир ҳукми била саодатка мушарраф бўлдук", - деб жавоб берган эканлар. Шунинг учун ҳам ошиқлар Оллоҳдан қалбларига ишқ учкунини солишни сўрашган, бу оташни янада сарбаланд этишини тилашган, ишқ ўтининг кимёлиги туфайли ҳокий вужудлари олтинга айланиб, Парвардигори оламнинг хос муқарраблари жумласидан бўлишни орзу қилишган. Шунинг учун ҳам Каъба зиёратига борган Мажнун Оллоҳдан гуноҳларини мағфират қилишни эмас, қалбадаги ишқ алангасини янада кучайтиришни сўрайди:

*Дерменки, манга бу ўтни ҳар дам
Афзун қил-у, қилма зарраи кам!
Чек айнима ишқ тўтиёсин,
Ур қалбима ишқ кимийёсин!..
Кўнглум ғам ила тўқ айла, ё Раб!
Ишқ ичра мени йўқ айла, ё Раб!*

"Тасаввуфни лўнда қилиб, илоҳий муҳаббат ҳақидаги илм, дейиш мумкин", - деб ёзган эди Шарқ адабиёти ва фалсафасининг билимдонларидан Н. Комилов. Шунга мувофиқ сўфиёна адабиёт илоҳий ишқ, унинг оддий инсоний севгидан афзалликлари, инсоннинг камолот йўлига кириши, тариқат босқичларини босиб ўтиши, бу жараёндаги ранжу машаққатлари, қувончу ташвишлари, мақом ва ҳолнинг турли мартабаларидаги ўй-кечинмалари, ҳис-туйғулари, муҳаббати, айрилиқ азоблари ва висол умиди, ҳулласи калом, комил инсоннинг маънавий-ахлоқий ҳаётидан баҳс этади. Шунинг учун ҳам мутасаввуф шоирлар ўз шеърларида комил инсоннинг тимсоли сифатида ишқни қисмат деб билган, ўз севгисига содиқ ва фидоий, маъшуканинг барча нозу карашмалари, ранжу фироқларини кўтаришга тайёр турган. Оллоҳ ризосини муҳаббат қийноқлари ва ҳижрон балоларига сабр этишда кўрган мард ва олижаноб, ҳиммат ва ҳикмат соҳиби бўлган ОШИҚ образини яратадилар. Бу ошиқ чиндан ҳам ўзининг гўзал ахлоқи, бой маънавияти, ҳар қандай таъма ва манфаатдан холи пок муҳаббати ҳамда унга етишиш йўлидаги тоғдай сабр-бардоши, ишқдан беҳабар халқнинг таъна-маломатидан чўчимаслиги, ўз аҳдида қатъий ва собитлиги, шижоат ва саховати билан комил инсон деб аталишга муносибдир.

Хазрати Шайх Саммундан: “Муҳаббатни нечун балога кўшилар?” - деб сўраганларида: “Шунинг учунки, ҳар ким муҳаббат даъвосини қилмасин! Балони кўрибок ортига қайтсин”, - деб жавоб берган экан. Зеро, Умар Хайём табири билан айтганда:

**Бу ишқ шаробидир мардларга дори,
Номардларга насиб бўлмас бу роҳат.**

Бу ерда мардлар дейилганда ишқ учун бошини тиккан, жонидан кечган буюк Ҳақ ошиқлари - валийлар, орифлар, сўфийлар, дарвешлар, мухтасар қилиб айтганда, комил инсонлар кўзда тутилади. Бу улуг зотлар илоҳий ишқни ҳамма нарсадан устун қўйган, уни ҳаётининг мазмун-моҳияти деб билган, бу йўлда ҳар қандай бало-қазога тайёр турганлар. Бу ишқ учун Мансур Халлож ва Машрабни дорга осдилар, Насимийнинг тириклайин терисини шилдилар, Боязид Бистомийни етти марта туғилган шаҳри Бистомдан бадарға қилдилар, лекин улар тугпан йўлидан, эътиқодидан қайтмади.

Фаридиддин Ағторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарида келтирилишича, Мансурнинг дор остига олиб келганларида бир дарвеш келиб, ундан сўради:

- Ишқ недур?

- Уч кунда ниманики кўрсанг, ишқ шудир, - деб жавоб берди у. Биринчи кун қатл этганларини, иккинчи кун ўтга ёққақларини, учинчи кун қулини кўкка совурганларини кўрди.

Мумтоз адабиётда ошиқ ўз маъшуқаси учун ҳамиша жонини беришга тайёр туради, ҳар лаҳза ўлимни орзу қилади, жонини ол-да, васлингга етказ, деб нола-муножотлар айлайди. Бунинг сабаби - ўлмай туриб васлга эришиб бўлмаслигида. Чунки илоҳий ишқда жисмлар эмас, рухлар қовушади.

Алишер Навоий “Маҷолис ун-нафоис” тазкирасида Мавлоно Садр Котиб деган шоирнинг қуйидаги байтини келтиради:

**Ҳаргиз дили моро ба гаме шод накарди,
Кушти дигаронроғу маро ёд накарди.**

Мазмуни: Менинг кўнглимни сира гаминг билан шод этмадинг, ўзгаларни ўлдирдинг, мени эса ёд этмадинг.

Маълум бўладики, Худонинг жон олиши - унинг ўз ошиғини ёд этиши экан! Шунинг учун ҳам Машраб: “Ошиқ кишига ўлмоқ аини муддао келди!” - дейди. Висолнинг бундан бўлак йўли бўлмагач, на илож, ошиқ ўлимга ҳам кўнади-да! Қолаверса, мақсад дийдор экан, қанча тез унга етишса, шунча яхши. Убайдий бу ҳақда ёзади:

**Маҳбуб муҳаббати билан тўлса киши,
Ўзгани қўюб, анинг била бўлса киши.
Хуш давлат эмасмуқим, муҳаббат юзидин
Ёдини анинг қила-қила ўлса киши.**

Ҳа, ошиқлик энг шарафли, шунинг баробарида, энг оғир мартаба. Ҳақиқий ошиқ учун ишқнинг азоблари - роҳат, қайғулари - шодлик ўрнидади. Зеро, инсон ҳаёти муҳаббат туфайли мазмун-моҳият касб этади. Муҳаббатсиз ҳаётда маъни йўқ. Шунинг учун ҳам ишқ ҳарчанд дарду изтироб, ошиқлик ранжу машаққат келтирмасин, чин инсон барибир ошиқликни орзу қилади. Бобур бу ҳақда шундай дейди:

**Юз шукр қилайки, ёна ошиқ бўлдум,
Оламга бўлб фасона ошиқ бўлдум.
Яхши сўзунгга васфи жамолинг эшитиб,
Кўрмай сени гойибона ошиқ бўлдум.**

Сўфийлар нуқтаи назарига кўра эса оламнинг уйғунлиги, коинотнинг мунтазамлиги ишқ туфайли. Улар “тошнинг ерга тушишини ҳам, сайёранинг қуёш атрофидан айланишини ҳам ишқ билан изоҳлашади” (Р. Фиш). Шунинг учун ҳам Румий: “Олам бир вужуд бўлса, ишқ - унинг жони”, - деган эди. Зеро, ишқ бўлмаса, одамнинг ўликдан, оламнинг қабристондан фарқи йўқ. Ишқнинг дунё, ҳаёт ва инсоннинг бутун мазмун-моҳиятини бел-

гилашини назарда тутиб, Умар Хайём ёзган эди:

**Ишқ - боши жаҳон дафтариининг, маъноси,
Ёшлиқ газалин матлаъси - муддаоиси.
Эй, англа, хабарсиз юрган ишқ оламидан,
Ишқ бирла яралган бу башар дунёси!**

“Маҳбуб ул-қулуб”да Навоий ишқнинг уч даражасини ажратиб кўрсатади: биринчиси - ниҳояси шаръий никоҳ бўлган авом ишқи; иккинчиси - алоҳида фазилат эгаларига хос бўлган пок ишқ; учинчиси - Илоҳга бағишланган сиддиклар ишқи. Оддий муҳаббат эгаси дунёвий бир кизга кўнгли қўйиб, у билан турмуш қуришигина ўйлаб, илоҳий ишқни ҳаёлига ҳам келтирмаса, сиддиклар, аксинча, бутун фикру ёдларини ёлғиз Оллоҳга қаратиб, унинг жамолини кўриш умидида ёнадилар ва дунёвий севгига мутлақо майл-рағбат кўрсатмайдилар. Пок ишқ соҳиблари эса дунёвий муҳаббатни ҳам Оллоҳнинг буюк неъматларидан бири ҳисоблаб, уни эътироф этсалар-да, уларнинг ҳаёт гўзалига ишқи, Навоий табири билан айтганда, пок кўзни пок назар билан пок юзга солиш ва бу пок мазҳар воситаси билан маҳбуби ҳақиқий жамолдан баҳра олишдан нарига ўтмайди. Бу тоифа мазҳарни севиш орқали илоҳий ишққа етишишдан умидворлик қилиши жиҳатидан пок ишқ мазҳарсиз содир бўлмайди. Мазҳар - ўзида илоҳий жамол ва камолни мужассам этган инсон. У маъшуқа ҳам, пир ҳам, комил инсон ҳам, илму ахлоқда етук дўст ҳам бўлиши мумкин. Чунончи, Жалолиддин Румий ва Шамсиддин Табризий ўртасидаги муҳаббат оддий дўстлик чегараларидан ўтиб, илоҳий муҳаббат даражасига кўтарилган эди. Улар бир-бирларидан илоҳий тажаллини ўзда акс эттирган мазҳар, комил инсон сифатида севиб ардоқлаганлар. Айнан Шамсиддин Табризийга бўлган ҳассос муҳаббат дунёга Жалолиддин Румийдек буюк шоирни бердики, бунинг учун инсоният ишқдан миннатдор бўлиши керак.

Мутасаввуф шоирларнинг аксарияти пок ишққа мансуб бўлиб, пок мазҳарни севиш ва пок ишқни қўйлаш орқали илоҳий ишққа орзумандлик қилганлар. Шунинг учун ҳам сўфиёна адабиётда мазҳар - маъшуқа ҳамиша ҳусну жамолда тенгсиз, ифбат ва ҳаёда замонасининг ягонаси, илму ҳунарда баркамол, ахлоқда етук, мухтасар қилиб айтганда, жамики инсоний фазилатларнинг соҳибаси сифатида тасвирланади. Шунинг учун ҳам қайсидир даражада унинг илоҳийлигига далолат қилади. Чунончи, Бобур ёзади:

**Кўрдунг, доғи кўзунгга гирифторм эттинг,
Сўрдунг, доғи сўзунгга гирифторм эттинг,
Бу таъбу камолинг била ўз бошинг учун
Боштин мени ўзунгга гирифторм эттинг.**

Мана шундай барча инсоний ва илоҳий фазилатларни ўзида мужассам этган маъшуқага муносиб бўлиш учун ошиқ риёзатлар чекиб, машаққатлар тортиб бор дунёвий ва илоҳий илмларни ўзлаштиради, ўзида ношойиста одатлардан қутулиш, эзгу ҳислатлар касб этиш орқали ахлоқини гўзаллаштиради. Унинг турли синовлардан ўтиб, камолга етган кизгин ва пок ишқини кўриб энди маъшуқа ҳам унга ошиқ бўлади. “Ишқ агар комилдурур ошиқ қилур маъшукни”, - дейди бу ҳақда Навоий.

Шу тариха, Шарқ шоирлари ошиқни комиллик рамзи сифатида тасвирлаш билан кифояланиб қолмай, маъшуқа тимсолида ҳам жисмонан гўзал, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ҳам ахлоқда баркамол, ҳам илму ҳунарда тенгсиз идеал бир инсон образини яратганларки, у гоҳ мажоз, гоҳ ҳақиқат суратида намоён бўлиб, баъзан Ҳақнинг жамолини камолни ўзида мужассам этган мазҳар, баъзан эса илоҳий маҳбубанинг ўзини билдириб келади.

Маълум бўладики, Шарқ шеърлятида ишқнинг бунчалик “қўб ва хўб” қуйланишининг сабаби - унинг камолот воситаси деб ҳисобланганида экан. “Мумтоз шоирлар нега фақат ишқни қуйлаган?” - деган саволга жавоб ҳам - шу.

ТУНЛАР ОЙДИНЛИГИНИ ИСБОТ ЭТАМАН



Менинг туйгуларим тоза,
Ишонинг!
Самога сапчиди хаёл-дудуллар.
Менми маст бўлдим-ей,
Девона бўлдим.
Мушканбар сочади мукамбар гуллар.
Эй, ишкни кўмсаган кўнгли жоним-эй,
Дунё хаёлидан ўйи саришга.
Заминни кучоклаб кўкка кўтарган, -
Кўзинида яшагим келди,
Фаришга!



Тарошлаб ташла энди,
Қароғим ёшларини,
Кипритимга осилган
Кўзимнинг тошларини.
Хазонни англамаган
Йўк, кўнгли ҳеч ярамас.
Дунёга дуомидир,
Қарғишга ҳам ярамас.
Одамлик нима ўзи,
Қасларга айтсанг-чи дил,
Ўзини Худо билган,
Қасларга айтсанг-чи, дил.
Покиза оҳ хурмати,
Қорилиб кетар дунё.
Айтман, хали бир сўз,
Ёрилиб кетар дунё.
Ёндириб, ёниб гул-гул,
Бир гулга кетадирмиз,
Хумонинг қанотида,
Кўнглига кетадирмиз.



Агар алиқачон ўлмаган бўлсанг,
Агар тирик бўлсанг, ростдан ҳам тирик.
Агар муҳаббатдан яралган бўлсанг,
Агар дилинг бўлса, бир гулга шерик.
Агар ҳизри бўлса, шафқат дегани.
Агар яшай олсанг, мана, дея жон.
Агар садокатнинг тиллари бўлса,
Агар юрагидан тошса хаяжон.
Агар куйдиролса оламни фирок,
Агар ёндирилса хазонлар буткул.
Агар қадахларинг лиммо-лим бўлса,
Агар қулуларинг сочса атиргул.
Куймагин, шунчаки дунёни туртиб,
Юзлари ол гулим, бўйлари ҳаёт.

Кўшиқ айт,
Кўшиқ айт,
Шу қадар айтки,
Селдай оқиб кетсин бутун коинот.

Шундай ҳам юрагим кетмоқда тошиб,
Шундай ҳам борялман ютиб андуҳим.
Шундай ҳам бағримми, қонли шафқадир,
Шундай ҳам йўлларда раҳматим раҳим.

Бокқил, бу кўнглима, эмасдир мулким,
Сендан не тилайин эй, дайри фано.
Ҳамон йўлларинида илҳаман буткул,
Қайларда ўсасан, айт, гули раъно.

Мен - зангор саслардан девона ошиқ,
Қанчалар Мажнунман, шунчалар одми.
Ўлик дунёларга ҳаёт бағишла
Сенсиз яшамокнинг оти ҳаётми?

Сени қароғимда асрадим, олам,
Яшадим дилимни кўзимдан сочиб,
Кетмагил, мен сени ўзим атадим,
Мен қайга бораман ўзимдан қочиб.

BAVA

Ёлғонлардан безган юрагим,
Атиргулдир қонаган ҳайраг.
Қачон одам бўламан, гулим,
Қачон одам бўласан, Файрат.

Айтма...
Дарахт... энг сўнги япроқ,
Қалбимдаги ҳилвиреган дард.
Мен сен учун келганман атай,
Мен сен учун яшамоғим шарт.

Йўк, ўзимга ўхшамайман гоҳ,
Бундай яшаш...
Ахир, не маъни,
Қачонгача алдайман ўзни,
Қачонгача алдайман сани.

Етади, бас, исбот этаман,
Тунларнинг ҳам ойдинлигини.
Бир ҳис борки, бир туйғу ҳаёт
Муҳаббатдан устулигини.

Гулларнинг шиври энг гўзал кўшиқ,
Энг шаффоф оҳанглар тергим келади.
Бу мулки кўнглимда умидим қулғу,
Фақат сизни бахтли кўргим келади.

Бошим кўргуликка бардошти дунё,
Ёшим дил қаърига оқувчи дарё.
Ҳазонлар мениндир хазонлар мен ё,
Фақат сизни бахтли кўргим келади.

Менинг ҳам билмайсан қанча қамим бор,
Гўдак ҳолимда ҳам мингта ғаним бор.
Нарғис бўйларида таралган ифор,
Фақат сизни бахтли кўргим келади.

Кўкка бошламаса қадамлар шахдми,
Қувончлар қаҳатми, аламлар нақдми.
Ўзим беролсайдим, сизга шу бахтни,
Фақат сизни бахтли кўргим келади.

Гулларнинг шиври энг гўзал кўшиқ,
Энг шаффоф оҳанглар тергим келади.
Бу мулки кўнглимда умидим қулғу,
Фақат сизни бахтли кўргим келади.

Хурлик осмонида хурдан хурли гул,
Кўзлари нурли гул, юзи нурли гул.
Ҳеч ким тушунмаган дунёларини,
Гул битта ва лекин гуллар турли гул.

Хулқар кўкда дейсан, ёнимиздадир.
Юракда, юғурик қонимиздадир.
Жонимиз гуллаган онимиздадир,
Гул битта ва лекин гуллар турли гул.

Кўёш ҳам кичкина, улкан бўлолмас,
Само денгизда елкан бўлолмас.
Бир кам бўлолмайдми, бекам бўлолмас,
Гул битта ва лекин гуллар турли гул.

Нур бўлмоқ армондир, гул бўлмоқ орзу,
Ҳар мавжи кўк ўпар, нил бўлмоқ орзу.
Гуллар умид эмас, дил бўлмоқ орзу,
Гул битта ва лекин гуллар турли гул.

Дарахтсиз, қўлларим етмас мевасиз,
Англамоқ истайман қандай шевасиз,
Сизнинг ишқингизга тўйиб бўлмайдми,
“Бунча оз севасиз, ёмон севасиз”!

Изингизни излаб излар нигорон,
Сизни сўрайверар сўзлар нигорон
Қутиб-кутавериб кўзлар нигорон,
“Бунча оз севасиз, ёмон севасиз”.

Кўкда зуҳромиди, ерга тушибдир,
Юғуриб, сел-селлаб терга тушибдир.
Ошқорга тушибдир, сирга тушибдир,
“Бунча оз севасиз, ёмон севасиз”.

Ёлғон, деб боқолмам куйганингизга,
Рухим ранларини туйганингизга,
Ишонгим келади суйганингизга,
“Бунча оз севасиз, ёмон севасиз”.

1. М.Цветаева сатри

Жамила ЭРГАШЕВА



Т А Н А З З У Л



қисса

Аввалига, сархуш сезгилари баданида нималарнингдир ўрмалаётганини ҳис этдию қашланмоқчи бўлди, бироқ кўллари амрига бўйсунмади, сўнг аста кўзларини очиб, оёқ-кўллари темир каравотнинг тўрт томонига маҳкам боғлаб ташлаганини кўрди. Зиёдулло бу шифохонанинг каравотларига банди бўлавериб ўрганиб қолган. Минг бор бўкириб-ўқирса-да, белгиланган фурсат етмагунча, бўшатишмайди. Шуларни ўйлаб, у индамай кўзларини юмди. Қолаверса, неча кунлардан бери узлуксиз давом этган ичкиликбозликдан батамом силласи қуриган. Боши тарс ёрилгудек оғриётир, додламоққа ҳоли йўқ.

Зиёдулло кўзларини юмганча, кейинги кунларда кўрсатган “қаҳрамонлик”ларини бир-бир эсга оларкан, баданида ўрмалаб юрган жониворлар ҳаракати тобора фаллашиб, улар солаётган ёқимсиз оғриқ бошидаги оғриқдан-да ошиб бораётганини ҳис этиб турарди. У беихтиёр ўзини улкан бир аждаҳонинг оғзида тасаввур қилди. Аждаҳо ўлгудай инжиқ эди. Унинг пажмурда гавдасини гоҳ ўнг, гоҳ чап жағига олиб чайнар, ора-орада жонини бўғзига келтириб, тиканли тиллари билан танглайи орасига қўйиб, шимиб-шимиб ҳам оларди.

У кўзларини қаттикроқ юмди. Чуқур-чуқур нафас олди. Тишларини тишларига босди. Барибир бўлмади. Оғриқ кучайгандан кучайиб кета берди. Кўзлари ёшга тўлиб кетди. Ётган жойида тўлғаниб, инграб, елкаларини тўшакка ташлади. Аммо бу ҳаракат билан “аждаҳо” солаётган азобни енгиб бўлармиди?

Зиёдулло илтижо қилди:

- Ҳой, ким бор? Ким бё-орр?! Илтимос, мени бўшатишлар!..

Ёнбошдаги каравотда ётган одам унга бир қараб қўйди-да, девор томонга ўгрилиб олди.

Зиёдулло ташқаридан нажот тилаб, эшикка қараб бақира бошлади. Бироз ўтиб эшикдан бўй кўрсатган йигитнинг кўлларида қамчи ўйнаб турган бўлса-да, дардманд унинг кўзларига умид билан бокди:

- Жон ука, мени бўшатишлар. Сира мазам бўлмапти.

- Нима бўлаяпти мазангизга?

- Кўрпанинг қатида бургалар бор-ов, дакиб еб қўйди. Бир қашланиб олмасам бўлмайди.

Йигитнинг кенг юзларига истехзо ёйилди.

- Манави қамчи билан қашлаб қўйсам-чи?

- Жон ука!..


- Жим ёт! - йигит қамчисини ҳавода бир сермаб олиб, эшикка йўналди.

Илтижолари инобатга олинмаган Зиёдулло яна бақира бошлаган эди, шаҳд билан ортига қайтиб, увода тушакнинг устида иложсиз тўлғаниб ётган гавдани қамчи зарбига кўмиб ташлади.

Қамчи теккан жойларда жонивор ҳаракати бироз тўхтагандай бўлди. Аммо сал ўтмай яна бошланди: вижж, вижж...

У энди бўкира бошлади:

- Во-о!.. Еб қўйди-ку мени! Еб қўйди! Ҳамма жойимни чақиб, илма-гешик қилиб ташлади. Ўлдим! Ўлдим-ей! - унинг товушини эшитиб, дарғазаб ҳолатда хонага учиб кирган қамчинли йигитга ялина бошлади. - Ҳой,



мусулмонмисан, ҳеч бўлмаса битта кўлимни бўшатинглар, қашланиб олайин!

Йигит унинг ёқасини, почаларини кўтариб кўрди. Сўнг болаҳонадор қилиб сўқинди:

- Бу сафар шуни ўйлаб топдингми?

- Ҳой мусулмон, нимани ўйлаб топибман? Во-о, ўламан, юрагимга тушди, юрагим ёмон бўлиб бораяпти. Во-оя!..

Анчадан сўнг ёши улугроқ бир дўхтир кириб, ёрдамчисининг ҳаракатларини такрорлади-да:

- Вос-вос! Алахсираяпти. Тинчлантирувчи бирон нарса қилинглар, товуши ўчади, - деб хонадан чиқиб кетди.

Зиёдуллонинг тинчиши кўп қийин бўлди. Тинчлантирувчи дори ҳам аъзойи баданини чақиб, илма-тешик қилиб ётган бургаларни тинчита олмади. Бўкиравериб, овози бўғилиб кетди.

... Эртаси куни ҳушига келганда увишиб, қарахт бўлиб қолган вужуди ҳеч қандай оғриқни ҳис этмас эди. Оғзидаги бемаза таъмдан кўнгли айниб, атрофга разм солар экан, ўнг қўлида ўрмалаб юрган оппоқ қуртларга кўзи тушди. Юраги "шув" этиб кетди. Бўкиришининг бефойда эканлигини ўйлаб, қўшни қаравотда ётган кишидан дўхтирни чақириб келишни илтимоҳ қилди.

Дўхтир унинг баданини синчиклаб кўздан кечирди-да, тирсагидаги ярани кўрсатди. Оппоқ йиринг қоплаган яранинг юзида майда-майда қуртлар гужғон ўйнаб ётар эди.

- Ичиб, дуч келган жойга юмалаб ётгач, бундан ҳам баттар бўлиши мумкин.

Изидан кирган ҳамширага кўрсатма берди:

- Оёқ-қўлини ечинглар. Бир ювиниб олсин. Сўнг яраларини ювиб, дори қўйинглар. Бир камимиз яра-чақаларни даволаш эди ўзи.

Маст-аласт юравериб, эътибор қилмаган экан, бундай яралар баданининг бир неча жойида бор эди. Яралар тозалангунча, жаҳаннамнинг оғзига бориб келган бўлса-да, малҳам қўйишгач, жони бироз ором топди. Аммо бош оғриғи қолмади.

Ҳамхонасидан бир отим носвой олиб, ҳовлига чиқди. Ҳовли куёвни илҳақ бўлиб қутаётган келинчакнинг уйидек саришта ва зийнатли эди. Фақат бу ҳовлининг келинли уйдан фарқи, оҳорли ашё-ю кашталар билан эмас, ям-яшил дов-дарахтлар, ранг-баранг гул-у гулзорлар билан безатилганида эди.

Носвой ўткиргина экан. Бўғинлари бўшашиб, боши айланди. Бутун вужудида жуда таниш ва ёқимли бир титроқ таралди. У мана шу сархушликни имкон қадар узоқроқ чўзиш учун йўлак четигаги ёғоч ўриндиқларнинг бирига ўтириб, бутун ихтиёрини тилининг тагидаги бир отим носвойга топширди.

* * *

...Бу дунёда нимадан кўркиб нимадан қочиб юрсанг, ўша нарса сени бир умр таъқиб этади, имкон топилган фурсатда эса унга қандай маҳв этилганингни билмай қоласан. Зиёдуллонинг оти ароқхўрга чиққан бўлса-да, у ароқни жуда ёмон кўради, ароқдан ажалдан кўрққандай кўрқади. Бир вақтлар кишлоқ кўчалари бўйлаб ган-

дираклаб, йиқилиб-суриниб юрадиган отасини масҳара қилиб қочадиган болаларнигина эмас, ароқ сотадиган барча дўкондорларни ҳам бир бошдан чопиб, дўконларига ўт қўйиб юборишни орзу қилар эди.

Аслида у отасини жуда яхши кўрар эди. Уни болалар масҳара қилиб қочса ҳам, катталар у ҳақда "озроқ ичади" демасангиз, ўзи бинойи одам. Қишлоқда унинг олдида тушадиган муаллим йўқ. Бир вақтлари унинг отини эшитганда фақат ўқувчилар эмас, ўқитувчилар ҳам "зир" титрашар эди. Ароққа берилди-да... "Ҳа-а, ичса нима, бировнинг яхши-ёмонига аралашмаса, ҳеч кимга зиёни тегаётган бўлмаса... Бир далли-девоғ одам-да" дейишарди.

Аммо онаси ҳеч кўника олмас эди. Отасининг ичиб келмаган куни, онасининг "Одамларнинг эри ундай, одамларнинг эри бундай... Сиз бўлсангиз!.." деб жаврамаган куни йўқ эди. Отаси кўпинча онасининг жаврашларига эътибор қилмас, аммо онаси жуда қуюшқондан чиқиб кетса, ўзича дағдаға қилиб кўярди: "Э-э, ўчир-е товушингни! Индамасам, юзинг-райинг демасдан, бировнинг эрини мақтаганинг мақтаган. Билсанг, сен мақтаётган ўша эркаклар мен учун бир тийин. Мулла Намознинг ўглини айтаяпсанми, бир сўм учун раиснинг кетини ялайди. Кўча-куйда гўддайиб юрганига қарама, унинг куни курсин. Керак бўлса хотинига қўшмачилик қилиб, қўш-қўш машина миниб юрган эркакларни биламан. Йў-ўқ, хотин, менинг қўлимдан ундай муттаҳамликлар келмайди. Сен шунга суюн".

"Бу дунёда ҳамма муттаҳам, битта сиз доно, покдомон. Ҳе-ей, ойнага бир қаранг, кимга ўхшайсиз. Болаларингизнинг уст-бошига қаранг. Ҳамма муттаҳам эмиш!"

Отаси эр бўлиб, ичиб келганда бирон марта онасига қўл кўтармаган, урмаган-сўкмаган, лекин рўзғордаги етишмовчиликлар онасини жуда чарчатиб қўйганиданми, отасини жуда ёмон кўрар эди. Баъзан отаси Зиёдуллони бағрига босиб, ўзича арз-ҳол қиларди: "Онани анча қийнаб қўйдим-да. Уфф, нетай, ичмайман дейман-у, лекин қандай ичиб қўйганимни билмай қоламан. Аммо, сен ичма ўғлим, ҳеч қачон бу заҳарни оғзинга олма..."

"Ҳеч қачон!.. Сиз тайинламасангиз ҳам ичмайман. Сиз ҳаммамизнинг ҳаққимизни ичиб бўлдингиз. Ўғри, йўлтўсар ҳам бўлмайман. Лекин албатта катта одам бўламан. Муттаҳамлик қилмасдан ҳам катта бой одам бўлиш мумкин. Мен ана шундай катта одам бўламан".

Зиёдулло бу гапларни бирон марта ҳам овоз чиқариб айтмаган. Бу унинг дунёга сиғмай қолган дамлари ўзига ўзи берадиган ваъдалари эди. Тўғриси, ҳаётининг бошқача бўлишини тасаввур ҳам қила олмас эди. "Нима зўр одам бўлиш учун кўп нарса керакми? Мана, мактабда ҳаммадан яхши ўқияпти, эрта-индин институтга қиради. Институтни битиргач, ҳаммага намуна кўрсатиб ишлайди. Ҳеч кимдан ёрдамни аямайди. Кейин, Қизларгул муаллим айтгандек, ҳамманинг эътиборига тушади, катта раҳбар бўлиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Ана шундай катта одам бўлгач, отаси ҳам ўзининг юриштиришидан уялади, ичмай қўяди. Олдин ичмас экан-ку. Онаси "бунинг бошига ошналари етди, кўтарилиб кетмасин деб кўрққанидан, ҳар кун ароқ ичиравериб, пиёниста қилиб ташлашди" дейди доим. Жуда бўлмаса, ота-

сини ўзи ёнига олиб гаплашади: “Ота, сизга нима керак? Айтинг, ҳаммасини муҳайё қилай. Фақат ичманг. Мени уялтираяпсиз” дейди. Афсуски...

Отаси у тўққизинчи синфда ўқиётганида ўлиб қолди.

Эрталаб кўшни кўчада яшовчи Саломат хола ҳовликиб кириб келди:

- Хой, тез бўлинг, уйингиз куйиб қолди.

- Ҳа, тинчликми, - ҳозиргина соғиб келган сутини докадан сиздириб, қозонга ағдараётган онаси унинг авзойига қараб кўрқиб кетди. - Нима гап?

- Эрингиз... Кўчада музлаб қопти. Ўлиб ётибди.

- А-а? - онасининг кўлидаги сутли сатил тарақлаб ерга тушиб кетди...

Ўша кунлар онаси тентак бўлиб қолаёзди. Таъзияга келганларнинг олдида тош тишлаб ўтирар эди-ю, ёлғиз қолишгач, аламдан ёрилиб кетадигандай бўлаверарди: “Охири ўлар экансан, ҳаммани шарманда қилмасдан, уйгинада ўлсанг бўлмасмиди?”

“Энди бу кишлоқдан кўчиб кетмасак бўлмайди” дер эди акаси.

Биргина онаси отасининг ёнини олар эди: “Отам ароқдан ўлгани йўқ. Маст одам бир бурчакда кунишиб ўтирадими? Чўзилиб ётади. Тўғри, отам ҳаммиша маст бўлиб юрарди, лекин ҳаммиша уйни топиб келарди. Отамнинг чап кўкрагини чангаллаб, йиғлаб ўтирганини ўзим неча марта кўрганман. “Ота, юрагингиз оғриятими, дори олиб келайми?” десам, “Кўявер, ўзи ўтиб кетади” дерди доим. Ўша кеча ҳам отамнинг юраги оғриган, оғриқдан юролмай, шу бурчакка бориб ўтирган”.

Зиёдулло ҳеч кимга ҳеч нарса демас, на онасига кўшилиб, отасини ёзгирар, на онасига кўшилиб, ёнини олар эди. Мактабдан қайтгач, токнинг тагидаги чорпояда дарвозага қараб ўтириб-ўтириб. беихтиёр онасини кутаётганини, уни жуда соғинганини ҳис этар, шу заҳоти одамлар орасида юрган гап-сўзларни эслаб, ўзича орланар, орланиб туриб, яна соғина бошлар эди. Хаёлида отаси ўлмаган, кўчада гандирақлаб юргандай, дарвозасидан ташқарига чиқса, кўриб қоладигандай бўлаверарди. Аммо дарвозадан ташқарига чиқса, кўни-кўшнилари унинг отасини кутаётганини сезиб қолиб, таъна қиладигандай, чорпоядан кўзғолмай ўтира берарди.

Бирок, “кўчада музлаб ўлиб қолган пиёнистанинг боласи” деган тавқи ланат уни бир умр таъқиб этиб ўтди. Зиёдулло бу шармандачиликнинг “мўл ҳосили”ни илк бор совчилари Орзигулларникидан қайтарилган оқшом юраклари ёниб-ёниб ҳмч этди.

Йўқса, Зиёдулло Тошкентда ўқийди. Қайси даврага борса, “бўлажак прокурор” деб тўрга ўтказишади. Орзигул билан мактабда бирга ўқишган. Тошкентга кетгандан буён хат ёзишиб туришади. Орзигулнинг отаси бўлса, “Мен пиёнистанинг ўлига қиз бермайман. Э-э... Прокурор бўлганда нима бўларди. Қазисан, картасан, ўз аслингга тортасан. Сиз, Шукурбой, хапа бўлманг. Сизнинг ўлингизга бўлса, берардим. Лекин, бу оилага қиз бермайман” депти.

Бу маломатларни Зиёдулло даҳлиздаги эшик ортида туриб эшитди. Дарвозадан дуд қўйилган тандирнинг юзидай қоп-қора бўлиб кирган тоғаси сўкиниб-сўкиниб сўзлар, онаси тилини ютиб юборгандай бир оғиз жавоб

қайтармас эди. Зиёдулло ошхонадан нон ўраб кирган дастурхонини маҳкам ушлаб туриб-туриб изига қайтди...

Эртаси куни Орзигул ишлайдиган касалхонага борди: “Юр, кочиб кетайлик. Тошкентга олиб кетаман. Ўқишга кирасан”, деди.

Орзигул ерга бокди: “Йўқ!..”

У ялинди: “Илтмос... Бир умр бошимга кўтариб юрман”.

Орзигул атрофга хавотирланиб назар солди: “Иложим йўқ. Кета қолинг. Биров-ярим кўриб қолмасин”.

Орзигул у билан гаплашиб турганидан орланди!..

Ота кизидан алағда бўлдим, икки ҳафта ичида имижимида, тоғдаги укасининг ўлига узатиб юборди.

Тўйдан сўнг Зиёдулло кишлоққа сиғмай қолди. Жамодонини кўтариб Тошкентга жўнаб кетди. Назарида кўрган-кечирган хўрликлари шу кишлоқда қолиб кетиши лозим эди. Хато қилган экан. Бор дарду алами юрагига жойланиб, ўзи билан бирга азим шаҳарга эсон-омон етиб келди.

Ўтган йили акасининг навбатдаги фарзанди вафот этиб, оиласи бузулганда ҳам бунчалик хўрланмаган эди. Йўқса, ўшанда қудж хола “қазисан-қартасан...” демаган бўлса-да, етарлича қилган эди.

Ёзги таътилга келиб юрган кезлар эди. Янгаси эсон-омон кўзи ёриган бўлсада, бутун оила хавотир билан яшар эди. Дунёга келган гўдак акасининг учинчи фарзанди, олдинчилари уч-тўрт кун туриб, вафот этган. Дўхтирлар ота ичкиликни ташламаса, бола соғлом туғилмайди, ё ичкиликни ташласин, ё хотинининг жавобини берсин, дейишган эди. Акаси эса на ичкиликни ташлай олди, на аёлидан кеча олди. Мана яна худо фарзанд берди. Агар яна олдинги фожеа такрорланса, қула-лар келинни туғруқхонадан ўз уйларига олиб кетишларини айтиб қўйишган.

Онаси шаҳар марказидаги касалхонага кунига икки маҳал бориб келади, яна эрта тонгда чиқиб кетган акаси шомдан сўнг кириб келса, оғзидан тинчлантирувчи бир гап чиққунча, юраги ёрилгудай бўлаверади.

Гўё бутун оила жарнинг лабида тургандек, “ғир” этган шабада жар тубига улоқтириб юборадигандек чуқурроқ нафас олишга журъат эта олмайдиган бир ҳолатда эди.

Ўнинчи кун хотини туғруқхонага тушгандан буён умуман ичкиликни оғзига олмаган акаси ғирт маст ҳолда келди. У ҳали оғиз жуфтламасдан туриб, ҳамма ҳамма нарсани англаб олди. Онаси қарғаб-қарғаб оғилхона томонга кетди, акаси сўкиниб-сўкиниб ухлаб қолди. Бири боласини ичкиликдан қайтара олмади. Иккинчиси нафсини тия олмади. Аммо ҳар иккаласи илохий бир мўъжиза илнжида, ўша муқаррар фожеага тўқнаш келиш ваҳмидан кўрқиб яшар эдилар. Мана ўша фожеа рўй берди. Она қарадики, ўғли маст бўлсада, эшигидан соғомон кириб келди. Ўғил кўрдикки аёли ундан қочиб кетган бўлса-да, дунё ундан кечгани йўқ, омон бўлса ҳали кўп лаззатлардан баҳраманд бўлиши мумкин. Ичолмай қийналиб юрган эди, тўйиб ичди, дунё кўз ўнгида яна минг хил рангда жилва қилди...

Лекин, бир ҳафта-ўн кун ўтгач, Зиёдуллонинг елка-

сига юк тушди:

- Укалик меҳри йўқ сенда. Шу акам ҳам боласи, ҳам аёлидан ажралиб қийналиб юрган экан, демайсан. Сен бориб янганнинг онасига бир оғиз айтсанг, ҳеч қачон йўқ демайди.

Онаси ҳам акасининг гинасига кўшилди:

- Хўп десанг, бирга борардим. Охирги марта олдидан бир ўтайлик. Йўқ деса, сўнг ўзлари билади.

Зиёдулло иккиланиб қолди. Борай деса, қудағайлари кўп чўрткесар аёл, бормай деса, онаси билан акаси мўлтирагани мўлтираган.

Зиёдулло бора-боргунча айтадиган гапларини ипга маржон тизгандек тизиб борган эди.

Қудағайларининг ушлаб олгани ичкилик “Шу пиёниста ўғлингиз билан яшаб қизим овора бўлди. Бунинг уруғини арок куйдириб кетган. Бундан дуруст бола туғилиши қийин. Қизим бечора бекордан бекорга бир пиёнистанинг шалтоғини ювиб, хўрагини тайёрлаб, йил оша ҳомиладор бўлиб, тўққиз ой қорнида кўтарган боласини қўлига ололмай азобланиб юрмайди энди”.

Майли, қизини бермаса бермасин, аммо номаъқул фикрда кетмасин. Ичкилик ҳам яхши нарса эмас, лекин болаларнинг нобуд бўлишига фақат ичкилик эмас, бошқа нарсалар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Масалан, еяётган хўрақларимиз, нафас олаётган ҳавомиз билан вужудимизга қанча захар сингиб кетаяпти?

Ёзги таътилга чиқишларидан олдин бир домла атрофмухит, экологиянинг тобора бузилиб кетаётганлиги ҳақида жуда қизиқ маъруза ўқиди: “Пахтазорда юриб ютадиган дориларимизни қўя туринг, сабзавот, полиз маҳсулотларига сепиладиган дориларнинг ўзи инсон наслининг ожиз, нотавон жонзотлар наслига айлангириб юбориш қудратига эга. Насл бузилаяпти, насл! Фожеамиз ана шунда!” Бу, энди инсоният таназулининг энг олий нуқтаси бўлса керак. Эҳтимол, жиянларининг ярим жон бўлиб туғилганлиги ҳам ана шу экологик бузилишларнинг бир кўринишидир.

Умуман, Зиёдуллонинг айтмоқчи бўлган гаплари кўп эди. Онасининг бир оғиз гапи ҳамма режаларини бузиб юборди:

- Қудағай, биз яна бош эгиб келдик. Оёқ тираб ётманг. Ичмаган одам борми? Ҳозир эркаклар қолиб, аёллар ҳам ичадиган бўлиб кетган. Ичкиликдан бола шундай туғилса, ҳамманинг боласи ярим жон бўлар эди.

Қудағай қизиб турган ёғдек бир чакмоққа зор бўлиб турган экан, “лов” этиб ёнди-кетди:

- Э-э гапирманг-э, ичган билан ичганнинг фарқи борда. Ичган ҳам бир тўй-хашамда ичса, меҳмондорчиликда ичса, хўп десанг. Тўғри, ҳозир ичмаган одам йўқ ҳисоби, лекин ҳеч ким сизнинг болангизга ўхшаб, тайинли бир иш қилмай, топганини ароққа сарфлаб юрмайди-да. Ўзингиз бир ичувчи эрнинг шалтоғини ювиб, нимага эришингиз? Ароққа кўшиб, кўзингизнинг ёшини, қонингизни, бутун саломатлигингизни ичди. Кайфни суриб-суриб, ўлди-кетди. Бир сурув боланинг ўртасида яримжон бўлиб қолиб кетдингиз. Мен қизимга ундай тақдирни раво кўрмайман. Бошданам бермоқчи эмас эдим, момо ўлгурнинг юзидан ўтолмай, боламини овора қилдим. Боринг, келган йўлингиздан кетаверинг.

Зиёдулло ҳар не бўлса-да, ўлиб кетган отасини шунча йилдан сўнг бундай маломат қилишларини кутмаган эди. Ўзини йўқотиб қўйди. Сўнг бир ютиниб, ўйлаб келган гапларининг бир учини чиқарган эди, қудағай бир оғиз гап билан уни силтаб отди:

- Э-э бола, сенсиз ҳам ташвишим бошимдан ошиб ётибди. Докладингни бориб, институтингда ўқи.

Буёғи энди бўлмади. Зиёдуллонинг аччиғи келди. Аламини бир бурдагина бўлиб турган онасидан олди:

- Туринг-е, аввал-охир сизни чопғулик. Шу келиннингиз осмондаги ой бўлса ҳам бормайлик, шунча бепишанд қилиб кетган бўлса, йўлидан қолмасин, бизнинг ҳам тенгимиз топилар, дедим. Кўнмадингиз. Мана, ҳақингизни олдингиз. Энди туринг.

Уйга келиб акасини сўқди:

“Нафсингни тия олмасанг, хотинни нима қиласан? Оилали бўлишни истаган одам, оилани удалай билиши керак”.

Осмоннинг еттинчи қаватида юрган кезлари экан. Акасининг икки букилиб қолган қадди қомати ҳам, “шу сафар олиб келиб берсаларинг, ароқни бошқа оғзимга олмас эдим” деб эмранишлари ҳам кўнглида заррача раҳм-шафқат уйғотмади, аксинча қаҳрини келтирди:

- Сабабсиз оқибат йўқ. Ҳаммасига ўзингиз, мана шундай ичиб юришингиз сабаб. Энди жазосини ҳам ўзингиз тортасиз.

Акаси гангиб юриб-юриб, сўнг бирдан ғойиб бўлиб қолди.

Орадан анча ўтиб, туман марказидаги кўп қаватли уйларнинг бирида ёши ўтиб қолган бир ўрис аёл билан яшаётганини эшитишди.

* * *

Зиёдулло онаси ҳаётлигида пойтахтдан қишлоғига тез-тез келиб турарди. Кейин буткул исиз йўқолди. Қон торгар экан-да, онаси ўлгач, Зиёдулло дунёга сиғмай қолди. Ичкиликбозлик қилиб, ўқишдан ҳайдалган. Иш йўқ. Энди онаси ҳам йўқ. Назарида бутунлай ёлғиз қолгандай бўлаверди. Кўнгли ўша ичувчи акасини қумсади. Аммо Зиёдулло уйга излаб бориб ҳам тополмади. Қўни-қўшнилари хотинининг юртига кўчиб кетган, дейишди.

- Овқатга-а! - ошхона томондан эшитилган овоз унинг хаёлини бўлди. Тилининг тагидан носни туфлаб, сувга томон юрди. Оғзини чайиб, юз-қўлини ювди. Дармонсизлик, очликдан оёқ-қўли қалтираб турган бўлса-да, умуман иштаҳаси йўқ эди. Ошпазнинг “тўқ” эткизиб идишга ташлаган бўтқаси иштаҳасини баттар бўғди. Кўнгли айниди. Ташқарига чиқиб, навбатчи ҳамшира ўтирадиган хонага борди. Оромкурсида чайқалганча, газета ўқиб ўтирган навбатчидан изн сўраб, шаҳар мактабларидан бирида ишлайдиган жиянининг уйига кўнги-роқ қилди.

- Да!.. Эшитаман, - жиянининг овози ниҳоятда бўғик чиқди.

У бир зум иккиланиб қолди: “Ўзи... кайфияти йўққа ўхшайди...”

- Эшитаман, - гўшакдан янада бўғикроқ, таҳдили овоз эшитилди.

Зиёдуллонинг бир нима дейишга журъати етмади.

Индамай гўшакни ўрнига қўйди. Бурилиб кетаётиб, яна гўшакни кўтарди: “Йўк, гаплашмаса бўлмайди”.

- Эшитаман! - назарида жияни ўшқирди бу сафар.

- Ирода!..

Вазиятни тўлиқ англаб олиши учун Иродага афтидан бир дақиқагина керак бўлди, ҳо'лос.

- Нима?! - у бу сўзни гингиллайвериб жонига тегиб кетган боланинг юзига шапалоқ тортиб юборган отанинг важоҳати билан айтди.

Зиёдулло ҳар қандай захар-заққум писандага тайёр ҳолда кўнгирак қилган бўлса-да, жиянининг унга ҳатто саломини раво кўрмаганидан ўзини йўқотиб қўйди.

- Ирода! - беихтиёр чайналиб қолди у.

- Гапиринг, гапираверинг. Кулоғим қар эмас, эшитиб турибман. Яна ўша ёққа тушдингизми?

- Ҳа-а, шундай бўлиб қолди.

- Ўлай агар, жонимга тегдингиз. Сиз ўлмадингиз, мен қутилмадим. Ҳар сафар иккинчи оғзимга олмайман деб ваъда берасиз. Чикқандан кейин ваъдангизни ҳам, Иродани ҳам унутасиз.

- Ирода, сен тушунгин. Бу сафар жуда мазам йўк. Аҳволим жуда ёмон. Даҳшатга тушиб кетаяпман. Ароқ ҳақида ўйлашга ҳолим йўк. Ўлигим шу ерларда қолиб кетмасин деяпман. Илтимос...

- Тоға! - Ирода шартга гапини бўлди. - Бу гапларни кўп айтгансиз. Сизнинг ичишингиз ҳам, ўша касалхонанинг катталарига ялиниш ҳам жонимга тегди. Мени тинч қўйинг.

Зиёдулло қаттироқ қўллари билан тутиб турган гўшакдан олдин “шарак” этган, сўнг-алоқа узилганини англа-тувчи “бип-бип, бип-бип...” деган овоз эшитилди. Унинг пешонасидан муздай тер чикиб кетди. Турган жойида бир нафас ҳаракатсиз қотиб қолди. Анчадан сўнг умидсиз судралиб, ҳовлига чикди.

* * *

Ирода тоғасини ердан топгандай қилиб тупроққа қорнштириб ташлади-ю, сўнг ўша қамокхонага ўхшаш касалхонага тоғаси эмас, ўзи тушиб қолгандек бўғила бошлади. Яқиндагина “шу охиргиси” деб тавалло қилгани учун чиқариб олган эди. Орадан икки ой ўтмай, яна қасамхўрлик қилапти. Гўё Ироданинг тоғасидан бўлак ташвиши йўқдек.

Қишлоқда онаси ҳиқиллаб туради: “Тоғангдан хабар олаяпсанми? Ичгани билан ёмон одам эмас. Касал у. Қандай ичганини ўзи ҳам билмай қолади”.

Онасиям тоғасидай уни ҳамма иш қўлидан келадиган уздабуро деб тушунади. Ирода шўрлик бўлса, на рўзғорда, на жамоада ўз ўрнини топа олмайди. Тўғри, рўзғорида ҳамма нарса бадастир, етарли, қозони гўштсиз қайнамайди, нонини қуруқ емайди. Кўчада ҳамма унга ҳавас билан қарайди: жуда келишган аёл. Касбини яхши кўради, болалар ҳам уни яхши кўришади. Аммо минг билимдон бўл, минг елиб-югуриб ишла, раҳбарга ўзинг маъқул бўлмасанг, ишинг ҳам маъқул бўлмас экан.

Ишдан эзилиб қайтган пайтлари уйнинг меҳрга тўлиб турса ҳам бўлак гап. Аммо унинг ярақлаган уйи “ютаман” деб туради доим. Тўғри, ўғли билан қизчаси қўлла-

ридан келганча онасининг кўнглини овлашга ҳаракат қилишади. Лекин унинг ўзи бир парча гўдакларнинг дилини жароҳатлаб, дардини айтишни лозим топмайди: “Менинг ожиз, бечора эканлигимни улар билмаслиги керак!..”

Ирода болаларини ҳам, таниш-билишларини ҳам кўнглининг остонасига киритади ҳолос. Бу остонада ўйнаб-қулиш, завқланиш мумкин. Аммо неча йиллардан буён аламли тутунлар бурқиб ётган кўнглининг ичкари хонасига кирсангиз, кўзингиз ёшланмай чикмайсиз. Ирода одатда бу хос хонага ҳеч кимни киритмайди. Кўчадан эзилиб қайтган дамлар ётоқхона эшигини ичкаридан илгақлаб олиб, ўзини тўшакка отади. Шу куйи ташки оламини буткул унутади. Хаёлан нафас олиб турган ушбу дақиқаларидан бошлаб, илк бор севги мактубига жавоб ёзган қунигача тафтиш қилади: “Нега? Нега бунчалар бахтиқаро, омадсизман? Қаерда, қачон хатога йўл қўйдим? Э-э худо, нега менга нисбатан бунча бешафқат бўлдинг? Қайси гуноҳим учун бу жабр-ситамлар?!”

Бир вақт эшик тақиллайди:

- Онажон, эшикни очинг, момом келди.

У бир амаллаб хаёлларини бир жойга жамлаб, онасининг ҳузурига чиқади. Шундай пайтлари унга оқ сут берган онаси ҳам малол келиб кетади. Сени тушунмаса, дардингга малҳам бўлиш ўрнига, сенга жоним ачияпти деб, танбех бераверса, юрак безиллайдиган бўлиб қолар экан.

У кўнглидаги безгакни юрагининг туб-тубига берки-тиб, бисотидаги бор мулозаматни тилларига жойлаб, онаси билан сўрашади.

Болаларнинг бири қуйиб, бири момосига ёпишади:

- Момо, Бахтиёрнинг велосипеди юраяптими?

- Момо, пишакчаларнинг кўзи очилдими?

Момо йўл юриб чарчаган, бунинг устига болаларни ёқтирмайди. Ўғли - отасининг қуйиб қўйган ўзи. Унга қараса, шундай қизини бебахт қилиб кетган ношукр, аҳмоқ куёв эсига тушиб кетаверар эмиш. Ўғил онасига ҳам ҳамиша отасини эслатиб туради, айниқса кулаётган пайтлари Ирода ўзини йўқотиб қўйгудай бўлади. Аммо у бунинг учун боласини кўкрагидан итара олмайди. Чунки у она! Болада нима гуноҳ?!


Қизчасини-ку аввал бошдан жини суймайди. “Момо” деб суйкаланса, касалманд мушукдан ижирғангандай, афтини буруштиради.

- Бор, бор, нарироқ бориб ўйна. Ўзи нафасим сиқилиб, зўрға ўтирибман.

Бу ҳолатни кўриб Ироданинг болу-пари тўкилиб кетади. Бўғзида пайдо бўлган аччиқ зардобни “култ” этиб ютади. Нима қилсин? Нима десин онасига?

Онаси шу қизча кимнингдир ташландиқ боласи бўлса ҳам, саккиз йилдан буён Ироданинг жони-жаҳонига айланиб қолганини сира тушунишни истамайди. Эри хиёнат қилиб, бор орзу-умидлари чилпарчин бўлган дамлар шу қизчанинг ташвиши билан андармон бўлди, йўқса, тентак бўлиб қолиши аниқ эди.

Ҳеч қаерга сиғмай юрган кезлари эди. Бир қуни болаликда бирга ўсган сергапрок дугонаси келди. Ўзича унинг эрига қўшиб, дунёдаги барча эркакларнинг шаънига лаънатлар ўқиди:



- Нима қиласан уша эрни? Беваалигим беклигим дейишган. Умр бўйи бир аҳмоқ эркакнинг қовоғига қараб, ёт-тур, юр-кийин, пишир-куйдир, юв-чай. Шу юмушларни ўзинг учун ҳам қиласан, лекин ўз хоҳишингча қилганинг бошқача-да. Фақат бир нарса, боланг икков бўлганда, зўр бўлар эди. Битта қизинг бўлганда-а? Кейин умуман эр қилмасанг ҳам бўлаверарди. Эй, менга қара, у кунни бизнинг касалхонага бир ўриснинг боласини олиб келишди. Отаси йўқ экан, онаси ичувчи экан. Болаларини уйга қамаб, ароқ излаб, ичиб юрар экан. Катталари йиғлаб-овуниб ўтираверар экан-у, кичкинаси йиғлайвериб, қўшнилари безор қилибди, уни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилдириб, иккита катта қизини болалар уйига, кичкинасини бизнинг касалхонага олиб келишди. Тўққиз ойлик бола уч ойлик чақалоқдай, териси шалвираб суюқларига ёпишиб ётибди. Яхшилаб қарасанг, одам қилиб оласан. Ортида изловчиси йўқ, пиёниста онаси бугун бор, эртага йўқ. Бўлгандай унга боланинг ташвиши керак эмас. Шуни ол.

Рост. Эр деганлари шундай бўлса, у бундан кейин умуман эр қилмайди. Аммо ёлғиз ўғлининг қўлига қараб қолмаслик учун албатта бир қиз керак. Ирода лозим ҳужжатларни расмийлаштириб, қизчани уйга олиб келди-да, онасини чақиртирди. Бўлган воқеани эшитиб, онасининг эҳсониси чиқиб кетди:

- Гулдай умрингни бир пиёнистанинг ҳароми боласига сарфламоқчимисан? Шу чирқилловуқ бола бўлганда нима бўларди? Қиз керак бўлса, эрга тег, туғасан. Бунингни олиб келган жойингга йўқот.

Ирода бола боғчага топширишга ярайдиган бўлгунча онасига қаратмоқчи эди. Онаси қарашиш нари турсин, ўзининг қарашига ҳам қарши турди:

- Йўқот! Шуни йўқотмасанг остонангни босмайман.

У йўқотолмади. Онасининг ҳалол-ҳаром, зинодан бўлган боланинг Аллоҳ олдидаги ўрни ҳақидаги куйиб-пишиб тушунтиришларидан оппоққина йўрғакда ётган химоясиз гўдакка бўлган раҳм-шафқат устун келди.

- Йўқ, онажон, Аллоҳ чумолига ҳам озор бермаслик керак, дейди. Бу-ку, инсон. Агар сиз айтгандай у кўчага чиқариб ташланиши керак бўлса, худо уни нега яратди? Азоблаш учунми? Азобласа, уни қайси гуноҳлари учун азоблайди?

- Э-э, бошимни оғритма. Худо бунни шайтоннинг измида ярадиган бандаларига ибрат қилиб яратган.

Бири у деди, бири бу деди, охири Ирода ўз ҳисобидан таътил олиб, болага ўзи қаради. Онаси аввалига араз уриб юрди-юрди, сўнг тумтайиб бўлса-да, келиб кетадиган бўлди. Аммо қизи оёққа, тилга кириб, момосига гирдикапалак бўладиган бўлса ҳамки, онаси уни бирон марта меҳрли назар билан эркалаб қўйишни лозим топмас эди. Қиз бола эмасми, нима қилса ярашар, ширин тили, қилиқлари билан қимматини яна оширар, унга қараб момо бироз идиш ўрнига баттар жиғибийрон бўлар, иложи бўлса, унинг устидаги ўша чиройли кийим-бошларни юлқиб-юлқиб олиб, ўзининг эғнига илгиси келаётгани сезилиб турар эди.

- Бировнинг ҳароми боласига пул сарфлаб кийим олиб, овқат сарфлаб парвариш қилгунча, ўзингга қара, ўғлинигга қара, чиниминан пулинг, вақтинг ошиқча бўлса,

менга қара, оғайнилариңгга қара!

- Онажон, бу бола онаси учун ҳаром, мен учун ҳалол. Қаровсиз, муҳтож одамга қарашиш савоб!..

Она-бола қайсарликда бир-биридан қолишмас эди. Аммо тортишиш авжига чиққан дамда онасининг ёшини, меҳмонлигини ўйлаб, Ирода бирдан ўзини пастга олар, худди айбдордай хушомадга ўтар, шундай қилиб она-болалик муносабатлари сакланиб қолаверарди.

Она ўйлаган ўйининг ҳаммасини айтавермайди. Иродага қанча қуймасин, ҳеч қачон сен учун қуйиб адо бўлдим демайди, ўзича унинг мушкулларига ечим, дардларига малҳам излайди. Мусофир шаҳарда икки боланинг ташвишига қўмилиб, умри ўтиб кетмасин, дейди. Бу бўлса...

- Ҳа, қандай, яхшигина ўтирибсанми? Болаларнинг яхшими? Ишларинг қандай?

- Раҳмат, ўзингиз яхшими? Отам, акам, укаларим яхши юришибдимми?

- Худога шукр.

- Тоғангданам хабар олаяпсанми?.. - бир вақт сўраб қоладми онаси.

- Жонимга тегди ўша тоғаям. Момом бир кун келиб Ирода деган бекорчи неварам дунёга келса, изидан юғриб, эрмак қилиб юради деб, мен учун туғиб кетган экан шу укангизни. Ўша касалхонанинг каттасига яли-навериб ҳеч юзим қолмади. Бундан кейин мендан сўраманг уни. Аҳволини билгингиз келса, уйига боринг.

Сарвар хола бир нафас нима деб ўзини, укасини оқлашни билмай, жим бўлиб қолади. Йўқ, у унча-мунча гапга таслим бўладиган хотин эмас, бир оғиз гап билан Ироданинг ўзини бир пул қилиб ташлайди:

- Вой - бу!.. Қўлингдан катта иш келди-ю, одамлар ялиниб, сен ноз қилдинг! Қарашмасанг қарашма, бандасининг қарашгани нима бўлар эди? Худо қарашсин.

Кейин туриб-туриб насихатга ўтади:

- А-а... Сен билмайсанда, қандайлар йигит эди у. Зиёдулло деса Зиёдулло, ҳаммадан зиёд, ақлиям, кўркиям, шу ичкиликни деб ҳаммага зиёда бўлиб қолди. Ичмаганда авлодимизнинг энг бообрў одами шу бўлар эди. Мана энди ҳеч қаерга сиғмайди, - мижжаларига ёш қалқиди Сарвар холанинг.

Ирода онасининг бу хил обидийдаларини кўп эшитган. Тўғри, баъзан тоғасига ичи ачийди. Ичмаган пайтлари жуда бамаъни йигит. Бир пайтлар Тошкентда дир-рилфунда ўқиган эркак бўла туриб, Иродани ташвишга солганидан ҳижолат тортади.

Афсуски, ичкиликбозлик касаллигига йўлиққан.

Лекин, Ирода нима қилсин? Эри солган кўргуликлар ҳам Иродадек таъсирчан бир жувоннинг юрагига бир умрга еттулик юк. Бу ёғи болалар. Иш!.. Бир бечора жонни неча бўлакка бўлиш мумкин?

Кейинги пайтларда 'севимли иши унинг учун бало-қазога айланди.

Бир қарашда ҳаммаси яхши.

Мактабга қандай текширувчи келса, унинг дарсига олиб киришади.

Илмий ишлар бўйича директорга ўринбосар қилиб қўйишди.

"Олий тонфа" беришди.

Бу марҳаматларнинг ҳаммаси директор оркали ҳал этилди. Шунча марҳаматларни қилган директор эса негацир уни ёмон кўради.

Аслида оқ кўйлақларни ҳаминша сарғимтил бўлиб юрадиган бу нусханинг яхши кўриши Иродага умуман керак эмас. У ўзидан бўлак ҳеч кимни яхши кўрмайди.

Аммо у кимгацир ортида турган одамнинг юз-хотири учун бир қадар эҳтиётлик билан муомала қилади. Кимларнинг бор-йўқлигига умуман эътибор бермайди. Ироданинг эса ҳар қадамини кузатади, хато қилишини кузатади.

Ирода бошда муносабатларни яхшилаш учун кўп уринди: янада ғайрат билан ишлади, ҳар йиғилишда ўртага янги-янги таклифлар ташлади, бу таклифларни биринчи бўлиб ўзи ишга тадбиқ этди.

Авваллари директор биров-яримга нисбатан адолатсизлик қилса, бефарқ бўла олмас эди. Дарҳол ўрнидан туриб, фикрини айтар, ҳақиқат тикланишини талаб қилиб туриб олар эди. Директор бўлган-бўлмаган нарсалар учун “бурчак”ка олавергач, юраги куйиб турса ҳам индамай ўтираверадиган бўлди.

Бугун адабиёт муаллими дарс вақтида шахсий иши билан бир ўқувчини уйига жўнатган экан. Бола катта йўлдан ўтаётди, тез келаётган машинанинг тагига кириб кетишига сал қолибди. Хайдовчи абжирлик қилганми, бола чакқонлик қилганми, харқалай бир юрак ўйноғи демаса, ҳеч қандай фалокат рўй бермаган. Бола соғомон, машина бус-бутун. Аммо бир тасодиф билан шу нохуш вазият устига боланинг онаси келиб қолади: “Вой болагинам! Сенга нима бўлди? Мактабга бормаи бу кўчаларда нима қилиб юрибсан? Бу кимнинг тўрва халтаси? Мен сени ўқитувчиларнинг бозорлигини уйига олиб бор деб мактабга юборибмидим?”

Жанжал директоргача келди.

Директор адабиёт муаллиминини эмас, Иродани хузурига чақириб, роса “тузлади”.

Ирода аввалига индамай тинглаб тураверди. Аммо директор ҳаддидан ошиб кетавергач, “тўғри йўл”ни кўрсатиб кўймоқчи бўлди:

- Домла, биринчидан бола менинг юкимни эмас, адабиёт муаллимининг юкини олиб кетган, иккинчидан, бола ўз ихтиёри билан кетган. Бормаиан деса, ҳеч ким мажбурламас эди, - деди-ю, баттар балога қолди.

- Болани ота-онаси ҳам, мактаб ҳам сизга ишониб топширган. Мен ҳеч қандай адабиёт муаллиминини билмайман, сизга топширганмиз, сиздан сўраймиз. Эртанга масалангизни педагогика кенгашига кўямиз.

Хуллас, Ирода ўзини оқлайдиган бирон оғиз гап айта олмади. Оғзидан қандай сўз чиқса, тошга айланиб, ўз бошига ёғилаверди.

Ўша тошбўрондан шўрлик юраги мўматалок бўлиб, бир аҳволда уйига етиб келган дам телефон жиринглади.

Мулозаматга ҳоли йўқ эди:

- Эшитаман, - деди совуққина қилиб.

Иккинчи томондан ҳеч қандай жавоб бўлмади, телефон қилган одам бир муддат боғланиб турди-да, сўнг алоқани узиб қўйди. Бошқа пайт бўлганда Ироданинг кўнгли бир энтикар эди? Менинг овозимни эшитиб,

гапиришга журъат қилаолмаган одам ким бўлдийкан?

Аммо бу сафар лоқайд қўл силтаб, ичкарига йўналди: “Гапирмасанг, гапирма!”

Кийимини алмаштираётган пайт яна телефон жиринглади. “Ие, ким экан уни қайта-қайта йўқлаётган?” - кўнгилда ёруғ бир илинж билан гўшакка қўл узатди:

- Эшитаман!..

Иккинчи томондан тоғасининг бўғиқ овозини эшитиб, яна асабчари қакшаб кетди.

Қандай қилиб гўшакни илиб отганини билмай қолди.

Тоғасини бир пайтлар жуда яхши кўрарди. Ҳар йили 9-май қуни мактабга костюмларига ялтир-юлтур медаллар таққан боболар таклиф қилиниб, катта йиғилиш ўтказилар эди. Ўша қуни бобоси орден тақиб мактабга келган болалар учун ҳақиқий байрам эди. Бобоси келмаганлари ҳам ўзларича байрам уюштиришга ҳаракат қилар эди: “Менинг бобом йиғирмата немисни отган”, “Менинг бобом...”

Ирода бу куннинг нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини англаб етгунча, ҳаминша бу кундан кўрқиб, нафратланиб яшади. Ҳамма ўз бобоси билан мақтаниб бошласа, у индамайгина даврдан сугурилиб чиқиб кетар, бир хилват бурчакни топиб, шу мақтанчоқ тенгқурларининг ҳасади келади даражада машҳур бўлишнинг режасини тузар эди. Мактабни битиргач, албатта Тошкентга, тоғасининг олдига ўқишга боради. У боргунча тоғаси институтни битириб, катта одам бўлади. Шунда буларнинг нечови ялиниб борар: “тоғанга айт, бизгаям ёрдам берсин” деб. Ирода ана ўшанда ўчини олади: “Тоғамнинг бундай майда-чуйда ишларга вақти йўқ. Бобонга айт, орденларини тақиб-иб бир келсин, ҳамма ишинг битиб кетади”.

Аслида бу болаларнинг кўнгида Иродага нисбатан ҳеч қандай ғараз йўқ эди. Улар ўз боболари билан мақтанаётганларида Ироданинг кўчада ўлиб қолган бобосини умуман хаёлларига ҳам келтиришмайди. Ҳамма бало Ироданинг кўнгида. Ўзидан-ўзи намкаш деволдек нам тортиб, увалиб кетаверади.

Кейинроқ билди, ҳамма қариндош-уруғлари бобосидан орланган, худди Иродадек бор умидларини шу Зиёдулло тоғасига боғлаган эди. Улар бир кун келиб “кимлардансиз?” дегич сўровларга “Зиёдуллобой деган прокурорни биласизми, шу киши бизга жиян ё... тоға ёхуд амаки бўлади” дея ғурур тўла жавоб айтиладиган кун орзуси билан яшар эди. Бир уруғдан бир зўр чиқса бўлди, кейин шу уруғ ўз-ўзидан зўр бўлиб кетаверади.

Аммо, тоғаси бир қиз учун ўқишини ташлаб, ичкиликка берилиб кетди.

Онаси, Зиёдуллонинг келажакига умид боғлаган барча қариндош-уруғлар энди ер муштлаб, ўша қиз - Орзигулнинг отасини қаргайди. Шу қокбош чол қизини унга берганида бу фалокатлар бўлмас эди.

Тоғаси ўқишни ташлаб келгач, отаси Иродани пойтахтга юбормади.

Ирода вилоят марказидаги ўқитувчилар тайёрлайдиган институтда ўқиб, шаҳарда қолиб кетди.

Бобоси, тоғаларини танийдиган ўша қишлоқда яшагиси келмади.

Аммо тоғасининг ўзи унинг изидан келди.

Гарчи тоғаси ичкиликка берилиб, ўқишдан ҳайдалган бўлса-да, далага чиқиб, кетмон чопишга ҳеч бўйин ёр бермас эди. Ичкиликдан ўзи ҳам безор бўлган, жон деб ўқишни давом эттиргиси келар, аммо ичкиликбозлик вужудига жойлашиб олган бир юҳо эдики, оғзига бир ароқ тегиб, ўша юҳо бош кўтаргудек бўлса, ўқиш нари турсин, инсон деган номдан ҳам воз кечиб юбораверар эди. Ўн-ўн беш кунлаб муттасил ичиб буткул ҳолдан тойгач, ҳаста вужуди “зирк-зирк” оғриб ётиб, надомат қилар эди: “Нега ичдим?! Нимага керак эди ўша захар-заққум?!”.

Шу билан икки ойлар ичмай кетади. Яна нима сабаб бўлади-ю, кимнингдир бахти ёки соғлиги учун қадах кўтаришга тўғри қелади. Шу билан... яна ҳаммаси янгидан бошланади.

Ироданинг онаси Зиёдулло ўзига келган дамлар йиғлаб насиҳат қила-қила, савдогарликка қойим қилди:

- Тошкентни яхши биласан. Ҳар ҳафта тижоратчилар билан бориб, майда-чуйда келтириб берсанг бўлди. Ўзим жианларинг билан сотаман, сени уринтирмаймиз. Фойдасини тенг бўламиз.

Бекорчилик жонидан ўтган, ёлғиз қўл онасидан қолган бор нарсани сотиб ичиб бўлган, рўзғорда маишат эмас, тирикчиликка таянч бўладиган бирон нарса қолмаган эди. Опасининг таклифи унга ҳам жўяли кўринди.

Ора-орада ичиб, опанинг бор топган-тутганини сувга окизиб юборса-да, бир-икки йил Тошкентга қатнаб юрди. Сўнг бир тадбиркор аёл билан опа-ука тутиниб, шаҳарга кўчиб келди. Кутилмаганда бойиб, унча-мунча одам билан гаплашмайдиган бўлиб қолди. Ирода ҳам мусофир шаҳарда шундай топарман-тутарман тоғаси борлигидан хурсанд бўлиб юрган эди. Нима бўлди-ю, яна ичкиликка берилди...

... Онаси унинг кўзларига хавотир билан тикилди:

- Ҳа, тинчликми?

Ирода тоғасининг кўнғироғи ҳақида гапирмайман, деган эди.

Шундай эзилиб ётган пайт безовта қилгани етмагандай, бечора кизчасини жеркигани уни ўз ихтиёридан чиқариб юборди:

- Тинчлик борми менга!!! Ишдан йиқилгудай бўлиб, зўрға уйга етиб келсам, телефон жиринглайди, олсам жим. Кийим алмаштираётсам яна кўнғироқ. Ким бу десам, анави пиёнистангиз! Диспансердан кўнғироқ қилаяпти. “Илтимос, охири марта ёрдам қил. Олиб кетмасанг, ўлиб қоламан”, дейди. Ўлсанг ўл, фақат мендан узокроқка бориб ўл, дедим.

Сарвар холанинг кўзларидан дувуллаб ёш тўкила бошлади.

- Ў-ў, шўрпешона оғам-а! Ўзи келган йўл бўлса экан, ўзи кетаверса!.. У бечора касал-да, нима қилсин? Шу ароқ ўлгурни ҳеч ким Зиёдуллочалик ёмон кўрмаса керак. Ичмайман ҳам деб кўрди. Қанча вақт ичмай ҳам юрди. У касал-да. Шусиз туролмайдди. О, онагинам-а, гўрида типпа-тик тургандир. Боласи-да! Мен бир ожиза лаънатининг қўлидан ёрдам бериш келмаса!..

Ироданинг баттар қаҳри келди:

- Шу пиёниста шунча азиз бўлса, боринг, уйига бо-

риб йўқланг. Менинг уйим азахона эмас.

Сарвар хола кўзларини арта-арта кийиғини қайта ўради. Ўрнидан тураёттиб, этаги оёқларига ўралашиб, мункиб кетди. Ирода караса, онаси ростдан ҳам кетаяпти!

- Қаёққа?

Қаёққалигини сўраб нима қиласан? Сенинг қўлингдан катта иш келди-ю, сениз бошқаларнинг куни ўтмай қолди. Ўша дўхтирларни ҳам аёл тукқандир, бориб айтсам, тушунар.

Ирода онасининг елкасидан олиб, жойига ўтиргизди:

- Бўлди-да энди, жимгина ўтиринг, бориб ўзим олиб чиқаман. Шу укангизга ёрдам қилмай юрибманми? Бақирсам ҳам, чинқирсам ҳам, қачон тушса, ўзим чиқариб оламан-ку. Бирон марта “менга десанг, ўлмайсанми?!” деб кетганимда, қайтиб кўнғироқ қилмаган бўлса экан.

Сарвар хола энди овоз чиқармай йиғлай бошлади.

Ироданинг юраги ачишади:

“Жигар-да!”

* * *

Зиёдулло кўп ўтмай изига қайтди. Унинг бўшашган қиёфасини кўриб, қабулхонадаги қизнинг энсаси қотди:

- Ҳа, яна нима керак сизга?

- Биласизми, - Зиёдулло қизнинг чимирилган қошларига қараб, айтмоқчи бўлган гапини эсидан чиқариб юборди. Бир зум кафтини ишқалаб туриб-туриб, хона тўридаги китоблар турган жавонга кўзи тушгач, эслади:

- Менга Ибн Синонинг китоблари керак эди.

Қизнинг бир парча юзига истехзо ёйилди:

- Ҳа, китоб мутолаа қиладиларми?

Зиёдулло баттар каловланди:

“Бу ерда даволанувчилар буларнинг кўзига бир чувалчангча кўринмайди. Мендан ҳеч бўлмаганда йигирма ёш кичик. Масхара қилишини қара”.

“Қулг” этиб ютиниб, бош ирғади:

- Ҳа, бир кўрмоқчи эдим. Олдин ҳам ўқиган эдим, бир муҳим нарса эсимга тушиб қолди. Шуни бир кўрай.

Қиз лабларининг бир чети билан кулиб, ўрнидан турди. Жавондан Ибн Синонинг китобларини ола туриб, яна унга истехзоли бокди:

- Бир жилди бўладими? Ё учовини ҳам бирдан ўқийсизми?

- Илтимос, шу уччала жилдни ҳам берсангиз. Бир кўриб, дарров қайтариб бераман.

- Майли. Мана, марҳамат. Агар Сиз ўқийман десангиз, Тошкентдаги Навоий кутубхонасини ҳам кўчириб келтириб беришимиз мумкин.

“Мунча?! Отангни ўлдирганманми? Бор-йўқ қилган гуноҳим-китоб ўқимоқчи бўлганим. Шунга шунчами?”, алам билан кўнглидан ўтказди у, аммо тиш ёриб бир нарса демади.

Ховлида дуч келиши мумкин бўлган шишадошларига ҳам масхара бўлмаслик учун китобларни камзул тагидан қўлтиғига қистириб, хонаси томон йўл олди.

Иккита темир каравотдан бўлак жиҳози бўлмаган

хона уни совук ўршайиб қарши олди. Ҳамхонасининг аллақерга чиқиб кетгани аини муддао бўлди. Энди истаганча қашланиши, бемалол варақлаши мумкин!...

У китобларни каравот устига ташлаб, эшикни қайтадан, янада зичроқ ёпди, деразанинг пардаларини туширди. Сўнг икки оёғини ҳам каравот устига чиқариб, чордона қуриб ўтирганча китоб варақлай бошлади. Аввал мундарижаларни бир-бир кўздан кечириб чикди. Сўнг учта китобни ҳам бир бошдан варақлаб чикди. Излаган битикларни топишдан умиди узилган сари баданидаги кичимсиқ ҳолат тобора авж олиб борарди. У бир қўли билан китоб варақлар, иккинчи қўли билан ўсиқ тирноқларини баданига ботириб-ботириб қашланар, аммо эти тирноққа қўшилиб юлинса-юлинар эдики, бутун вужудини тишлаб узаётган ваҳший қичитмалар ҳеч инсофга келмас эди.

Зиёдулло ниҳоят ҳолдан тойди. Китобни умидсиз оёқ учига улоқтириб юборди-да, каравотига чўзилди. Кафтларини боши остига қўйиб, ўзича баданида ўрмалаб юрган жониворларнинг ҳаракатига қулоқ тутмоқчи бўлди. Ва унга шундай туюлдимиди ёки бутун вужуди қулоққа айлангани учун фавқулодда эшитиш қобилиятига эга бўлдимиди, ҳарқалай аниқ-тиник эшитди: “Вижж!..”

Шу чоқ дераза тақиллади.

Пардани кўтариб, Ироданинг чимирилган қиёфасига кўзи тушди. Агар қулоқ солса, ҳаммасини Иродага тушунтирмоқчи эди ва иложини топса, Гавҳарнинг уйдан Ибн Синонинг ўша китобини олиб келиб беришини илтимос қилмоқчи эди.

Ирода гаплашиш нари турсин, ҳатто сўрашмади ҳам:

- Бош дўхтир кетиб қолибди. Эртагача чидаб турунг, эртага келиб олиб чиқаман.

Сўнг қўлидаги мева-чева солинган қоғоз халгани узатди-ю, хайр-маъзурни ҳам насиё қилиб кетиб қолди.

Зиёдулло Ироданинг бугун бўлмаса эртага албатта келишини, уни ташлаб қўймаслигини яхши билар эди. Аммо у келиб кетгач, шундай кўнгилсиз ҳолат дунёга келади деб ўйламаган эди. Гаплашмаса ҳам майли, Гавҳардан ўша китобчани олиб келиб берса эди!..

Гавҳар!..

Зиёдуллонинг ўзи бу аёлга юзма-юз бўлиш нари турсин, исмини кўнглида такрор айтишдан қўрқади.

Гавҳар!..

У ҳақиқатан ҳам гавҳардек бебаҳо, гавҳардек азиз эди.

Бошқалар эмас, Зиёдуллонинг ўзи ҳам бу аёлни ўзига раво кўрмас эди.

Шунча ақли, шунча ҳусни билан кўз очиб юмгунча Зиёдуллонинг хасмидаги заифага айланди-қўйди.

Ў-ў, Назира опанинг устакорлиги!.. Бу аёл шайтонга дарс беради.

Мақсадсиз бир қадам босмайди. Кўзлаган бирон манфаати бўлмаса, ҳатто сўрашмайди.

Зиёдулло ўшанда купедаги сермулозамат суҳбатларни йўлда зерикмасликнинг бир чораси деб тушунган эди. Назира эса унинг имконларини билиб олиб ишга таклиф қилди:

- Тошкентдан сақич билан шиппак ташиб, булар қачон

пул бўлади-ю, менга беш-тўрт сўм тегади деб юрасизми? Йигит киши катта-катта иш қилиши, катта-катта пул топиши керак. Қишлоғингизда шахсий томорқаларда етиштирилган маҳсулотларни арзонроқ нархда олиб, менга етказиб беринг. Мен қўлингизга ҳам дехқоннинг, ҳам ўзингизнинг пулингизни нақд санаб бераман. Улар шу икки қоп нарсани шаҳарга олиб келгани билан шундан кўп фойда кўра олмайди. Йўл қира, чек пули тўлаб, етиштирилган маҳсулотни сув текин ташлаб кетишади. Шуни уларга тушунтириш керак. Тушунган дехқон сизга жон деб маҳсулотни беради. Биз устига кўп эмас, бир сўмдан қўйиб, дўконларга топширсак ҳам, бир тоннадан минг сўм қолади.

Опанинг маслаҳати билан шаҳарга тўрт-беш арава маҳсулот олиб келди. Қўли мўмайгина пул кўрди.

Қишлоқдошлари ҳам хурсанд.

Назира ҳам ўтирган жойида яхшигина даромад кўрапти шекилли, Зиёдуллодан минг айланиб ўргилгани ўргилган. Назира меҳрибон опа, Зиёдулло оёқ-қўли чакқон, саховатли укага айланди.

У бир кун Зиёдуллога шаҳар четдаги бир хонали уйини таклиф этди:

- Ҳар қуни қишлоққа қатнаб юрасизми? Шу уйни олинг. Икки савдонгизнинг пулини берсангиз, қутиласиз.

Зиёдулло унинг ишва билан сузилган кўзларига қараб, бу ғамхўрликнинг замирида пулдан бошқа ният борлигини сезди.

Яна иккиланди:

“Йўғ-е, эри бор-ку. Нахотки?.. Бунинг устига мен боласи тенги бўлсам... Йўқ! Бу хотинга эркак эмас, пул керак! Менинг қўйнимда ялтоқланиб, фойданинг менда қолаётган қисмидан ҳам юлмоқчи у!”

Ёлғиз қийналиб юрган эркак эмасми, Назира опанинг ёқасиз қўйлақларидан кўриниб турган бўлиқ кўкракларига қараб, кўнгли сует кетди:

- Бўпти, Сиз учун икки савдонинг пули нима, уч савдони бағишлаб юбораман.

- Уйга қўшиб эгасини ҳам сотиб оламан, демоқчимисиз? Ҳа, мўғомбир, мен сизни бир анойи қишлоқи деб юрсам... - шарақлаб кулди Назира.

Зиёдулло тахмини тўғри чиққанидан юраги хапқириб кетган бўлса-да, юзлари “дув” этиб қизарди.


Назира опа унга қараб яна кулди:

- Ҳа, йигит? Нега қизарасиз? - кулгудан кўзлари атрофидаги ажинлар орасига сизиб кетган ёшларни артартта Зиёдуллонинг олдига бир шода калит ташлади. - Туринг, эшикни кулфланг.

Ўзи ўрнидан туриб, деразанинг пардасини тортиди. Сўнг Зиёдулло тимирскиланиб керакли калитни топа олмаётган эшикнинг ёнига келди-да, нозли бир ҳимо билн калитларни юлқиб олиб, эшикни ўзи кулфлади.

Зиёдулло ўзига буюрилган арзимас ишнинг ҳам улдасидан чиқа олмаганидан ҳижолат тортиб, эшикнинг ёнида туриб қолди. Назира опа эса қандай шахд билан дераза пардасига узалган бўлса, шундай шахдамлик билан унинг елкасига узилиб, ҳаяжондан калт-қалт титраб турган вужудини бағрига олди:

- Эҳ, менинг ландовур рицарим! Сен ҳали дунёга



келиб нима кўрибсан? Шу пайтгача мен сенга пул қандайлигини кўрсатдим. Уни қандай топиш кераклигини ўргатдим. Энди мен сенга чинакам аёл қандай бўлишини, ундан қандай лаззат олиш мумкинлигини кўрсатаман...

Эртаси кунни яқинроқ туманларнинг биридан тўрт арава тарвуз олиб келиб, таниш дўкондорларга пуллашди. Даромад қутилганидан ҳам зиёда бўлди. Назира опанинг оғзи қулоғига етди:

- Бугун ювишга арзигулик иш қилдик. Менга қаранг, бугун эрта деб юрасизми, юринг, уйингизга олиб борай. Ўша жойда бугунги ютуқларни ювамиз.

Уй бинойидай эди. Унда бир бўйдоқ йигитнинг ётиб турари учун барча шароит мавжуд: кўрпа-ёстик, қозонтовоқ, чойнак-пиёла, кичкинагина телевизор, ҳатто телефони ҳам бор экан.

Назира опа ярим тунда Зиёдуллонинг кўйнида ётиб, эрига кўнғироқ қилди.

- Ҳа, дадаси, тинчгина ўтирибсизларми? Ҳе-е, тирикчилиги ҳам ўлсин. Шу рўзгор учун уч-тўрт сўм пул топаман деб оворайи афтода бўлдим. Музработдан икки арава тарвуз юклаган эдик. Йўлда трактор бузилиб қолса бўладими? Сизни хавотирланмасин деб, бир йўловчи машина билан почтага келиб, кўнғироқ қилаяпман. Энди тарвузнинг бошига қандай қайтиб бораман, билмайман. Ҳа, Зиёдулло тарвузнинг бошида қолган. Ало, алло-о. Дадаси, мени эшитяпсизми? - У Зиёдуллога қараб кўзини қисиб кўйди, - А, нима дейсиз? Эшитилмаяпти, каттиқроқ гапиринг. А? Нима? Алло, Ал-ло! Дадаси... - у секингина гўшакни телефоннинг елкасига кўйди. - У шундай жазога муносиб одам. Бола боқиб, уй қарашдан бошқа ишга ярамайди. Ана энди, тонг отгунча мен сеникиман, сен меникисан!...

... Агар ўшанда Назиранинг фирмасига Гавҳар келиб қолмаганда Зиёдулло ўзини дунёдаги энг бахтиёр одам санаб юраверар эди.

Ёши ўтиб қолган, баднафс бўлса нима бўпти? Бағишлаётган лаззати юлаётган пулидан неча баравар қиммат эканлигини ўзи ҳам англаса керак. Қолаверса, Зиёдулло шунча пулни нима қилади? Ота-онаси бўлмаса, хотин, бола-чакаси бўлмаса!..

Ўша кунни ишга одатлагидан кечроқ келаётган бўлсада, димоғи чоғ, сахар туриб, полизчилар билан йигирма тонна пиёз гаплашган, ҳар килосига опадан яширинча бир сўмдан кўйиб, 20 минг сўм фойда қилишни режалаштириб кўйган эди! Опа билан яна бир сўмдан кўйиб пулласа, бир кунлик даромади 30 минг сўм бўлади!

Хали чўнтакка кирмаган фойданинг ҳавоси билан хонага учиб кирди.

Назира опа унга қараб, нималарнидир дўндириб келаётганини англади. Қулиб саломлашди, сўрашди. Ўтиришга жой кўрсатди.

Опанинг ёнида ўтирган аёл унга бир қараб кўйди-ю, негадир гапини тўхтатиб, қошларини чимириб олди.

Назира опа уни гапга торгди:

- Гапираверинг. Буёқ ҳам ўзимизнинг одам.

Аёл бир муддат иккиланиб турди-да, сўнг афтидан гапининг индолласини айтиб қўя қолди:

- Асл, қадими гилам. Отам раҳматли Москвадан олиб

келган эдилар. Қандай бўлса, шундай турибди, сира эскиргани йўқ. Оладиган бирон харидор топиб берасизми, деб келган эдим. Қизим катта бўлиб қолди. Менга алоҳида шкаф олиб беринг деяпти.

Назира опа бош чайқади:

- Отангиздан қолган гилам бўлса, билмадим-да Гавҳарой, ранги ҳам учиб кетгандир. Ҳозир бозор тўла гилам. Ҳаммаям пулини дурустроқ молга харжласам, дейди, яна кўрамиз. Қани, келтириб кўйинг-чи, оламан деган одам, молни кўриб олади-да.

Аёл хижолат тортиб тушунтира бошлади:

- Сиз эски деб кўрқманг. Ичкари хонанинг куёш тегмайдиган деволига осиглик турган гилам-да. У куёш кўрибдими ранги кетиб...

- Ҳа, майли, нархини, ўлчамини айтинг.

- Учга тўртлик. Нархини бозорга қараб, бозордагидан бироз арзонроқ кўйсангиз ҳам майли. Аммо жуда арзон қила олмайман. Чунки пул керак бўлгани учун сотаяпман.

- Яхши. Телефонингиз бўлса, айтиб кетинг. Харидор чиқса, хабар қилямиз.

Аёл бўшашибгина чиқиб кетди.

- Ким бу? - Зиёдуллонинг хаёлидан олтиндек товлашиб ётган пиёзлар буткул чиқиб кетган эди.

- Ўғлимнинг ўқитувчиси.

- Эри йўқми?

- Ажрашган, - Назира опа беихтиёр сергак тортиб, унинг кўзларига синовчан тикилди. - Ҳа, тинчликми? Кўнгиллари кетдими? Тўғрисини айтаверинг.

Икки-уч ойда бир марта ичишини ҳисобга олмаганда, энди Зиёдулло Тошкентдан опаси ва жианларига сақич келтириб бериб, шундан тушган чой-чака ҳисобига кун кўрувчи анойи одам эмас. Қўли пул кўрди. Уйли бўлди. Бир замонлар не-не амалдорларнинг эрка овуноғи бўлган гўзал оёқларнинг тагида итдек ялтқокланишга-да, тайёр.

Шундай экан, кўнгли кетса, нима бўпти? У - шундай топарман-тугарман йигит дунёдан тоқ ўтиб кетиши керакми?

- Ҳа! Офат экан! Офати жон экан!

Назира қутилмаганда тарсаки еган боладек аянчли жовдираб қолди. Зиёдулло - ичганда итдан фарқи бўлмай қоладиган, пул топишни кечагина ўзидан ўрганган қишлоқи бола унинг олдида, уни ерга уриб мушукдек бир аёлни мақтаб ўтирса! Бу аёлнинг ёшида Назира кўчага чиқса, ҳамма кетаётган йўлини йўқотиб, анграйиб қолар эди. Ҳозир ҳам ёши ўтиб қолган бўлса ҳам ҳар тўрт йигитнинг учови ҳавас билан ортидан қараб қолади. Бу қишлоқи!..

Зиёдулло гапи опага оғир ботганини сезиб, ўзича тинчитган бўлди:

- Энди, опа, гапининг дангалини айтадиган бўлсак, менинг ҳаётимда сизнинг алоҳида ўрнингиз бор. Бу жойга ҳеч ким даъвогарлик қила олмайди. Лекин сизнинг ўз оилангиз бор, ҳеч замонда мен учун эрингиздан, болаларингиздан кеча олмайсиз. Сиз ишдан чиқиб, гала-говур уйингизга борасиз. Мен эса қулоқ-бурним кесилгандай сўппайиб, кимсасиз тўрт деволнинг ўртасида ўтиравераман-ўтиравераман. Ҳеч тонг отмайди. Ишонсангиз, уйда ҳеч дам ололмайман, аксинча чарчайман. Шунинг учун

бирон ақллироқ аёл топилса, уйлансам, бола-чақа қилсам, дегандим.

Назира опа бир зум ўйланиб қолди:

- Майли, - деди у ниҳоят. - Бу фикрингиз ҳам маъқул. Менинг эрим ҳам кейинги пайтларда сиздан рашк қиладиган одат чиқарди.

- Ростданми?

- Ҳа. “Эсингиз жойидами, келиб-келиб, болангиз тенги йигитдан рашк қиласизми?” десам ҳам, тўнғиллагани-тўнғиллаган.

- Кўнгли сезаётгандир-да.

- Билмадим. Уйлансангиз шунинг жағи ҳам бироз тинчирмиди? Аммо, билиб қўйинг, - у кўзларини ишвали сузиб, бош чайқади. - Мендан ортгани уники бўлади.

Зиёдулло стол оша узалаб, унинг қўлини кафтлари орасига олиб, силади:

- Бўпти. Лекин у кўнармикан?

- Кўнади. Кўндирамиз. Кўнмай, қаёққа борарди? Жуда бўлмаса, бошқасини, ундан ҳам ёшроғини топанми.

- Бошқаси керак эмас.

- Йўғ-е?!

- Ҳа!

- Мабодо, олмадай қилиб қўйингизга солиб қўйсам, менга нима тегади?

- Бозордаги энг қиммат материалдан бош-оёқ кийимлик олиб бераман.

- Бешни ташланг!

Опа ўша куни катта гапириб юборган эди. Эртаси куни тўрваси сувга тушгандай шумшайиб келди. Лекин Зиёдуллога сир бой бергиси келмади. Зиёдулло “Бирон ҳаракат-паракат қилдингизми, ўзи?” деб ҳақиллайвергач, “Э, шошмай туринг-чи! Бир гап бўлар! Қизи борнинг, нози бор. Қани, нозланаверсинчи, қаергача борар экан” деди.

Кейинги кунлар ҳам Зиёдуллонинг бутун вақти опанинг оғзига термулиб ўтди. У мўлтирагани сайин опа аллақердаги гурунглари қилар, Зиёдулло кутаётган гапдан қочаётганлиги шундайгина сезилиб турар эди.

Зиёдуллонинг кўнглига шубҳа ўрмалади: “Бу хотин мени бўлишгиси келмаяпти”.

Назира опадан садо чиқавермагач, яна ўзи гап очди. Шубҳасини очик айтмаган бўлса ҳам, Назира опа кўнглини кўриб тургандек, аччиғи чикди:

- Бу ҳаракат қилмаяпти деб ўйлаясизми? Менинг ўзим аёл, ишим, гапим эркак. Бўйнимга олдимми, албатта бажараман. Ҳозирча ҳар оқшом телефон орқали бир соатдан “маъруза” ўқияпман. Таклифимга “қизимнинг устига бегона эркакни олиб кирмайман” - деди-ю, лекин ҳамдардликларимни қабул қилаяпти. Мен ҳам эринмаган одамман. Қани кўрайлик-чи. Қурмағур, ёмон пухта экан, гиламингизни олиб келинг, шу йигит олади, сўнг турмуш қурсаларинг ўзингизга қайтиб боради, десам, йўқ, керак эмас, дейди.

Зиёдуллонинг кайфияти тушиб кетди. Назира опа билан юриб, катта-катта пул топиб, ўзини шердек ўктам ҳис қила бошлаганди. Битта шкафнинг пулига муҳтож бир муштипар аёлнинг ўзига ҳам, пулига ҳам беписанд қўл силташи уни яна ожиз-у нотавон бир кимсага ай-

лантириб ташлади. Лаблари камшайиб, йиғлагиси келди.

Назира опа унга қараб қолди:

- Нима қиласиз, бировнинг сарқитини? Мен сизга онаси ўпмаган қиз олиб бераман.

Зиёдуллонинг гапиришга ҳоли йўқ эди. Бош чайқади:

- Менга ҳеч ким керак эмас!

- Вой-бу! Бўпти. Шу муаллим учун шунчами? Хўп дедимку, лекин каттиқроқ ёнғоқ экан, сал кутишингизга тўғри келади.

Зиёдулло баттар ўксинди. Гўдаклигидан елкаси қислиб ўсган эмасми, кўнглида беихтиёр тақдирга тан берди: “Бундай гавҳарга тиллақош бўлишни бир пиёнистанинг сендек пиёниста ўғлига ким қўйибди? Тенг тенги билан, тезак ҳам копи билан!..”

Аммо Назира опа тақдирга тан берадиганларнинг хилидан эмас эди. Вақт топди дегунча гоҳ идорадан, гоҳ уйдан Гавҳарга кўнғироқ қилиб, аҳвол сўрар, соатлаб керак-нокерак нарсалар ҳақида гурунқ қилар, гап орасида гоҳ дўст бўлиб, хизматини таклиф қилар, гоҳ опа бўлиб, танбех берар, хуллас, Зиёдуллонинг кўз ўнгида унинг энг яқин кишига айланиб борарди.

Орадан икки ойлар ўтиб, Назира опа Зиёдуллони латталутга бозорига бошлади:

- Бугун унинг тугилган куни. Қизи билан ўзига бирон дурустроқ совға олиш керак.

Зиёдуллонинг кўзларида умид учқуни порлади: “Наҳотки?”

- Хўп дегани йўқ, лекин ҳалимдай юмшоқ бўлиб қолди. Қарздор қилиб қўяверайлик-чи, виждони бўлса, шунча нарсангизни олиб, ўзингизни ҳайдаб солмас.

Зиёдулло Назира опанинг маслаҳати билан бозорнинг энг олд газмолидан икки кийимлик олди.

Гавҳар уларнинг келишини олдиндан билар экан, дастурхон ёзиб қўйибди. Қоғозга ўроғлик совғани “дув” қизариб, “Нима қилардиларинг, овора бўлиб?” дея олиб, кираверишдаги ойнанинг олдига қўйди-ю, ўзларини ичкарига таклиф қилди. Чой-пой тадоригида кириб чиқиб юриб, бир сафар ранги ўчинқираб эшикдан қаради-да, Назира опани чақириб олди. Улар қўшни хонада ниманидир узок мунозара қилишди. Сўнг Назира опа музаффар бир кайфиятда, изидан Гавҳар ниманидир хижил бўлиб кирди. Бу ҳолат Зиёдулло учун ҳар қанча қизик бўлмасин, шу жойда изох сўрай олмади. Аммо остона ҳатлаб ташқарига чиқишлари билан сўраб олди.

- Э-э, совғамизни “олмайман, мен аллақимлардан шундай катта миқдорда қарз бўлишни хоҳламайман” деяпти.

- Сиз нима дедингиз?

- Мен ҳали сизга “аллақим” бўлдимми, деб уялтирдим.

- Сиз.. бу совға ўзимники дедингизми?

- Э-э, бир ғалатисиз, у мен минг марта меники десам ҳам кимники эканини яхши билиб ўтирибди. Мунча кўрқоқсиз. Йўлига айтдим-да, қайтара олмасин деб. Зўрға олди. Мана шундай иккита қўйлагингизни кийса, ўзиям ўрганиб қолади. Сўнг ўзи сўраб олади.

Орадан икки ҳафта ўтиб, 8 март байрами келди. Улар яна совға салом билан боришди. Бу сафар Гавҳар қатъ-

ий рад қилди: “Йўқ, Назира опа, буни сиз қилаётган бўлсангиз ҳам олмайман. Чунки менда эрта бир кун сизга ҳам шундай миқдорда совға олиб, бўйнимдаги қарздан қутилиш имкони йўқ, қўйинг”.

Назира опа ҳам таслим бўладиганлардан эмас эди: “Гапни кўпайтирманг. Сиз ўғлимнинг ўқитувчисисиз. Сизга қанча қилсак, камлик қилади. Қолаверса, синглимдай бўлиб қолдингиз. Иккинчи бундай гап қилсангиз, хафа бўламан”.

Гавҳарнинг кўнглидан нималар кечди. У минг мағрур, гўзал бўлмасин, барибир меҳру эътиборга муҳтож бир муштипар эди-да, Назира опасига эргашиб бориб, соатлаб ўтиришганда ҳам бир оғиз гапирмайдиган Зиёдулло кундан кунга кўнглига маъқул тушиб борар эди.

Агар ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ деганлари рост бўлса, бахтли бўлишлари шарт эди.

Зиёдулло Гавҳарга танидан бўлак жонига қарагандай хавотир билан қарар, унинг ўзини ҳам, кўнглини ҳам асраб-авайлаш ташвиши билангина яшар эди.

Гавҳар истаса, Зиёдулло шаҳардаги энг ҳашаматли емакхоналарда никоҳ тўйини ўтказиши мумкин эди. Аммо Гавҳар “Ўзим ўқитувчи бўлсам... Иккинчи никоҳни шу қадар дабдабали қилиш менга тўғри келмайди” деб розилик бермади.

Кичкинагина никоҳ маросимидан сўнг, уч кун ўтиб улар бирга бозор айланишди. Зиёдулло уни ялтир-юлтур газмолларга кўмиб ташлади.

Хар бир хариддан сўнг Зиёдулло ўзича яйраб-ёзилар, Гавҳар эса хижолат бўла борарди. “Қаранг, мана буни-си сизга роса ярашади-да! Неча метр олай?” деган Зиёдуллога, гоҳ “мен ялтироқ матоларни ёмон кўраман” деб рад жавоби берса, гоҳ “мен гуллик-чипор газмол киймайман” деб рад қилар эди. Зиёдулло эса “ўзингизга ёқадиганини айтасиз, ўшандан ҳам олиб бераман. Лекин шуни ҳам олайлик. Мен учун. Мен билан бирга юрганда киясиз. Илтимос, ола қолайлик” деб тавалло қилиб туриб олар, унинг таваллоларини сотувчилар кизиқсиниб, ҳавас билан кузатишар эди.

Кечкурун Назира опа эри билан меҳмонга келди.

Зиёдулло ҳам, Гавҳар ҳам, бири мардоналиги учун, бири шунча меҳру саховатга муносиб кўрилгани учун ўзида йўқ ҳурсанд, шодликларини баҳам кўргудай бир кўнглига муштоқ эди.

Ош ейилиб, чойхўрлик бошлангач, Гавҳар Назира опани кўшни хонага чакириб, қилган бозорликларини кўрсатди. Зиёдуллонинг кўярда қўймай шунча нарса олдирганини энтикиб-энтикиб, сўзлаб бераркан, беихтиёр Назира опанинг кўзларида хасадга ўхшаш совуқ бир ифодага дуч келиб, ўзини йўқотиб қўйди: “Ие, нега хасад қилади?”

Назира опа меҳмонлар ўтирган хонага қайтиб киргандан кейин ҳам ёзила олмади. Уни гуруннга тортиб, қандайдир фикрини маъқулламоқчи бўлган эрини бир неча марта силтаб ташлаб, охири туришга ундади:

- Қорнингиз тўйдими? Энди турун, уйга кетамиз.

Эркақлар ҳам унинг авзойи бузилганини сезишди-ю, эътибор қилишмади. Гавҳар хижолат бирла ўйлай-ўйлай, ўзича бир тўхтамага келди: “Ҳамма аёлларга теккан касаллик. Ўзи қуруқ қолиб, энг яқин дугонаси яхшироқ

бир нарса кийса ҳам қуяди. Назира опанинг ёши ўтиб қолган. Эри ҳам рўзгор ташвишларини хотинининг кўнгли дея тушуниб, яқин ўртада жон ачир бирон нарса совға қилмагандир. Шунга алам қилди шекилли”.

Барибир кўнглидаги ҳижиллик тарқамади.

Ўша кунлар дунёда Зиёдуллодан бахтли одам йўқ эди. Уни гувала кесакдан қолинга жойлаб, гишт қилиб қўйиб, бугун пештоқларга ярашикли даражага келтирган Назира опанинг уйига қулиб келиб, кайфиятсиз чиқиб кетганига ҳам эътибор қилмади.

Гавҳар билан бирга уй йиғиштиришди. Хотини идиш-товокларни саранжом-сариништа қилаётганда ўзи жой ташлади-да, тўшакка кириб, Гавҳарни кутди.

Гавҳар эрига ўрин солиб беришга улгурмагандан хижолат бўлди. Зиёдуллонинг кўнглида ҳеч қандай узр-га зарурат йўқ эди. У Гавҳар хоҳласа бир умр ўрин солиб, ўрин йиғишга ҳам тайёр, фақат уни ташлаб кетмаса, бағрини тўлдириб ётса бўлгани.

Зиёдулло хижолатомуз илжайиб турган Гавҳарни ёнига имлади:

- Жуда чарчабман. Келинг, гурунги қилиб ётамиз.

Шу топда Зиёдуллонинг гурундан бўлак мақсади ҳам йўқ эди. Гавҳар чирокни ўчириб, тўшакка киргач, уни бағрига босганча кўнглидаги орзуларини бир-бир тўкиб солди:

- Бу дунёдаги энг бахтли эру хотин бўламан. Мен пул учун пасткашлик қиладиган хотинлардан жуда нафратланаман. Сиз бир сўм деб бир жойга узалмайсиз. Кўлингизда истаганингизча пулингиз бўлади. Мен умуман ичмайман. Агар сиз буюрсангиз, шу сигаретни ҳам ташлайман. Энди мен фақат сизни бахтли қилиш учун ишлайман. Яшашдан асосий мақсадим ҳам шу. Ҳали ўғлимиз бўлади. Катта тўй берамиз, - у гапиратиб, кўз олдига тўй дастурхони атрофида бўладиган қадахбозликлар келиб, беихтиёр ютинди. Анчадан бери ичмаган эди. Кўнглига келган истагини яшира олмади, - Ўша кунларга етгач, агар сиз рухсат берсангиз, бир марта тўйиб ичаман.

Гавҳар содда эди. Унинг назарида “ичиш” - икки қадахни устма-уст ичиб, ўтирган жойида думалаб ухлаб қолиш, “ичмаслик” - узатилган қадахларни ошиқча бош оғриқларни ҳуш кўрмагани учун кескин рад қилишдан иборат эди. Мана, акаси ҳеч ичмайди, бировдан кўрқкани учун эмас, шунчаки арокни харом нарса деб тушунгани учун кўлига қадах ҳам олмайди. Укалари бўлса, бир шишани ўртага олиб, аввал арокни майдалашади, сўнг гаплари кўпайиб ўзлари майдалашади. Аммо ҳеч қайси бунинг учун аёлидан рухсатнома сўрамайди. Нимқоронғу уйда кўзлари ёниб-ёниб гапирётган Зиёдуллога қараб қулиб қўйди: “Худо ўғил берса, элга дастурхон ёзишдек мартабага етсангиз, бир марта тўйиб ичмасангиз, икки марта тўйиб ичинг. Менга нима”, деди ичиди.

Биринчи марта ичиб келган кун эса...

Анчадан буён ичкиликнинг хумори тутиб юрган бўлса ҳам, ичиш нияти йўқ эди.

Ўша куни Назира опа билан ўртадаги даромаднинг устидан тортишиб қолди. У уйлангандан буён, Назира опага аёл сифатида бутунлай эътибор қилмай қўйган,

хатто очкўзлигидан, жилпанглайверишидан гаши келиб юрган эди. Шу сафар кўнглидагини айтиб-айтиб ташлади:

- Энди, опа, инсофи борнинг баракаси бор, дейишди. Анорни қишлоққа бориб, мен гаплашиб келсам, мен машина топиб, бировни ака - бировни ука деб юклатсам, сиз салқингина хонада ўтириб, иккита омбор мудирига кўнғирок қилганингиз учун фойданинг олтимиш фоизини оламан десангиз, инсофдан эмас-да. Ҳа майли дедим, ўзимнинг опам деб, бир индамадим, икки индамадим. Шу пайтгача оиласиз, сўққабош эдим, опанинг бўлгани - менинг бўлганим деб юрган эдим. Энди, опа, менинг ҳам оилам бор. Сал инсоф қилинг, ахир.

Бу гапларни сал юшоқроқ қилиб, илтимос қилиб айтганда, Назира опа бу қадар тутоқиб кетмаган бўлармиди? Зиёдулло тахт муяссар бўлгач, чориқ бойлаган кунларини унутган чўпондек, қўлларини сермаб-сермаб, қаттиқ-қаттиқ гапирди. Бу унинг дўлворлигидан эди.

Назира опа буни димоғдорлик деб тушунди. Айниқса, "Сиз гаплашган омбор мудирлари, дўкондорлар мол билан менинг ўзим борсам ҳам йўқ дейишмайди. Уларга гап эмас, сифатли маҳсулот керак" дегандан сўнг Назира опа кўкариб кетди. Сўнг ўрнидан туриб, бош бармоғини кўрсаткич бармоқлари орасидан ўтказиб, муштини унинг тумшугига олиб келди:

- Сенга манави керак эмасми мабодо, пулдор йигит?! Мен ишга олгунимча, сенинг шундан қандай фарқинг бор эди? Кимнинг орқасидан кўлинг пул кўрди? Сенинг даромадинга кўз тикиб ўтирган ўша хуриликка мен бўлмаганимда, пулинга эмас, юзинга ҳам кетини артмас эди. Ҳар сафар ичиб, бир тийинсиз қолган пайтларингда, ким ювиб-тараб, даволатиб, яна ҳеч нарса кўрмагандай одамлар қаторига қўшиб келди? Ҳа, нонкўр, кўрнамак, кўзингни ўйиб олиш керак сенинг!

Зиёдулло кўрқиб кетди. Киссаси тўла пул. Кўйнида гулдай жувон. Бошида уй. Ҳақиқатан ҳам куни кечагина бошидан ўтган кечмишлар хаёлидан кўтарилиб кетган экан. Тўғри, Назира опа Зиёдуллога нима қилган бўлса, аввало ўзи учун, ўз манфаати учун қилган. Аммо бундан Зиёдулло ҳам ҳамиша манфаатдор бўлиб келганлиги рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат эди. У жуда бўшанг, иродасиз йигит эди. Дарров ҳовуридан тушди. Ўзича устамонлик қилган бўлиб қулди. Беҳаё шакли намоиш қилиб, тумшугига тикилиб турган муштни қафтлари орасига олиб, лабларига босди:

- Ҳе, раҳмат-е, шу керак эди-да менга. Бунга етса молим, етмаса жоним садақа деганман-ку, - у бир амаллаб керакли сўзларни айтган бўлса-да, мўлтиллаб турган кўзлари, овозидаги титроқ руҳиятидаги парокандаликдан хабар айтиб турарди. Бир ютиниб, яна ҳужумни давом эттирди. - Бир ҳазилга шунчами? Узр жоним. Сиз нима десангиз шу. Хоҳласангиз, шу савдо кўтарасига сизники бўлади.

Назира опа илоннинг ёғини ялаган аёл эди. Зиёдуллонинг кўрқиб кетгани-ю, ёлғон сўзлаганини, бу ялтоқлашилари азбаройи иложсизликдан эканлигини яхши англаб турар эди. Анчадан сўнг ўзини босиб олди-да, муштини Зиёдуллонинг қафтлари орасидан тортиб олди. Мактаб боласига танбеҳ бераётгандай кўрсаткич бар-

моғи билан столни тақиллатиб деди:

- Ким билан ўйнашаётганингни унутма, бола. Ичагингни суғуриб, бошинга салла қилиб ўраб кўяман.

- Хўп, хўп, опагон.

Назира опа унга ғижиниб қараб қўйди-да, олдидаги қоғоз уюмларига шўнғиди. Зиёдуллонинг ўрни кўшни хонадаги умумий бўлимда бўлса-да, ҳамиша опа билан бирга юриб, бирга туриб, шу ерда ўтиришга ўрганиб қолган эди. Қолаверса, шундай дилхираликдан сўнг бу аждаҳонинг кўнглидаги ғуборни ёзмасдан чиқиб кетишга Зиёдуллода юрак борми? У нима қиларини билмай, ўннга, сўлга боқди, нажот истаб, Назира опанинг тиришган пешоналарига термулди. Ҳатто деворлар ҳам бекаси билан келишиб олгандай, унга қараб хўмрайиб турарди. У уйлангандан буён Назира опанинг бозор-ўчарига бутунлай қарашмай кўйганини, бирон марта ҳам тушликка таклиф қилмаганини эслади. Кўнглида умид учкуни "йилт" этиб ёнгандай бўлди. У стол устида турган қалитлар шодасини олиб, эшикни ичкаридан қулфлади. Сўнг истехзо билан унинг ҳаракатларини кузатиб турган Назира опанинг ёнига ўтиб, елкаларини кучди. Назира опа гарчи астойдил зарда билан силтанган бўлса-да, унинг бақувват билакларидан чиқиб кета олмади. Зиёдулло қаттиқроқ кучоқлаб, бақбақаларига лаб босди:

- Бўлди энди, тумтайиб ўтираверманг? Юрак-бағримни қон қилиб юбордингиз-ку. Юринг, бир яраш-яраш қилиб келамиз.

- Қаерга, - чимирилди Назира опа.

- Ҳар доим борадиган ресторанимизга.

Опа унинг кўзларига истехзо билан тикилиб туриб-туриб, кейин розилик берди:

- Бўпти. Лекин сен, бола, қишлоқдан судраб келган чориғингни ҳар куни бошинг тегиб ўтадиган жойга осиб қўй!

- Хўп, жоним, хўп.

Ресторанда Назира опа ароқ буюрди. Зиёдалло "қулт" этиб бир ютинган бўлса-да, опага хайрон бўлиб қаради:

- Бошим оғрияпти, - унинг сўзсиз сўровига қискагина жавоб қилди Назира опа.

Ароқни олиб келишгач, пиёлани тўлдириб қўйди-да, бир кўтаришда бўшатди. Бодриндан газак қилиб, танглайини тақиллатиб, бошларини чайқаб-чайқаб, лаззатланганини намоиш қилди.

- Ў-ў, қандай мазза-я, оёқларимнинг учигача борди.

Зиёдулло Назира опага жавобан лом-лим демасдан хўриллатиб овқатини ича берди. Назира опа икки-уч қошиқ овқат ичди-да, яна пиёласига ароқ қўйди. Яна бояги қилиқларини, сўзларини такрорлади:

- Ў-ў, қандай мазза!..

Зиёдулло бошини кўтармасдан овқатини ичишда давом этаётган бўлса-да, ич-ичидан Назира опага ҳаваси келиб бораётган эди.

Назира опа учинчи марта қуяётиб, унга ҳам манзират қилди:

- Қани, йигитларнинг хўрози, сизгаям йигирма граммгина қуяйинми? Кўп эмас, йигирма граммгина!

Зиёдуллонинг кўзлари жовдираб турган бўлса-да, бе-



ихтиёр оловдан қочгандек ўзини орқага ташлади:

- Йўғ-е, менга бўлмайти. Айникса ҳозир...

- Нега бўлмайти? Йигирма грамм доридай гап-да. Бошқа сўрасангиз ҳам бермайман. Эракк бўла туриб, йигирма грамм арок билан мени қўллаб-қувватламасангиз, кейин дўппи ўрнига рўмол ўраб юришингизга тўғри келади.

Назира опа гапира-гапира икки пиёлага ҳам арок қуйди:

- Қани олинг, мени кечирсин десангиз шуни оласиз. Кейин, қуйинг десангиз ҳам йўқ, қуймайман.

Зиёдулло бир қаршисида ўтирган аждаҳодек маҳобатли аёлга, бир пиёла тубида кўз ёшдек қалқиб турган арокка қаради. Буларнинг ҳар иккаласидан ҳам кечиши ниҳоятда кийин эди.

- Олинг, - яна кисталанг қилди Назира опа.

- Майли, лекин бошқа сўрасам ҳам бермайсиз. Гавҳар тўғри тушунмаслиги мумкин. Кеча кизини олиб келган эдик. Майли, бир сафар сиз учун...

- Яшанг, - санчқи билан газак узатди Назира опа, - энди овқатдан олинг.

Зиёдуллонинг томоқларини куйдириб ўтган бир қултум суюқлик ошқозонига эмас, аввал тўғри миёсига боргандай бўлди. Кейин бутун аъзойи бадани бўйлаб ёқимли бир титроқ таралди. Ўша ёқимли титроқ оғушига кираётиб беихтиёр Гавҳарни эслади: "Йўқ!", бир силкиниб, усти-бошига ёпишган тўзонлардан халос бўлмоқчи бўлди. Кўзларини очиб, арок узатаётган қўлларни кўрди:

- Йигирма грамм!.. Сиздай йигит шундай кўркса?.. Эракк бўлгач, ичади, тўпалон қилади. Хотин кўтариши керак-да. Сиздақа хотинидан кўрқадиган эраккни биринчи марта кўришим...

- Йўқ, опа, тушунинг, ахир!..

- Нима "ахир"? Унга фақат пулингиз ёқади, ташвингиз ёқмайди-да. Хотин бўлса, иккаласини ҳам барабар кўрсин. Қани, олинг.

"Ҳақиқатан ҳам!.. Хотин бўлса ҳаммасига чидасинда!" хаёлан унинг фикрларига кўшилди ва беихтиёр қадахга қўл узатди.

- Олдик.

Шу билан бошланиб кетди.

Энди унга барибир эди. Қаршидаги аёл ким, нималар деб гина қилди, қачон туриб кетди, билмайди. Қирк кун қиргинда сувсиз қолган одамдай ичаверди, ичаверди... Кимлардир тирсагидан ушлаб, ресторандан чиқариб қўйгунча ўтираверди.

Ресторандан ҳайдалгач, биринчи учраган озик-овқат дўконига кириб, яна ичди. Яна ўзи билан икки шиша арок, бир ўрам колбаса олиб, катта йўлга чиқди. Дуч келган таксини тўхтатиб, уйга жўнади. Аммо машина кўчаларига бурилиши билан ўзининг маст эканлиги, уйда Гавҳар борлиги ёдига тушди: "Йўқ, унга хали бу аҳволда кўриниб бўлмайти". Таксини ортига бурдирди:

- Каттақумга ҳайда.

Каттақумда жуда кўп олди-берди қилган ошнаси бор эди. Кечаси билан роса ичишди.

Эрталаб "бош оғрик" қилиб олганда дунёда ундан ўктам одам йўқ эди. Тўғри уйга келди.

Кечаси билан хавотирланиб чиққан Гавҳар уни кўриб,

севиниб кетди:

- Келинг-е, бормисиз?

Зиёдулло ҳар қанча маст бўлса-да, Гавҳарнинг кўзларидаги самимий хавотир бирла қоришган меҳрни кўриб хижолат тортди:

- Мен ичдим.

- Ичсангиз нима бўпти? Уйга кириб тезроқ. Ҳозир бир ювиниб оласиз, ҳаммаси ўтиб кетади.

Уни Гавҳарнинг ўзи ечинтириб, ювинтириб, "нима қилсангиз ҳам, бир оғиз хабардор қилиб қўйсангиз бўлмасми?" дея жаврай-жаврай жойига ётқизди.

Бошини, юз-қўлларини ювиб, юмшоқ сочиқлар билан артиб, олаётган нозик қўллар, меҳр тўла танбех-дашномлар Зиёдуллонинг ичкиликка мағлуб бўлган зимистон шуурида деразадан тушган бир қатим нурдек ғалати ҳолатни вужудга келтирди. "Бўлди, энди ичмайман!" Ўзича қасам ичди. Аммо икки соатдан сўнг уни бутунлай бошқа бир истак уйғотди: "Қаердан бўлса ҳам бир шиша арок топиб, ичиш керак".

Унинг ўрнидан туриб, ювинаётганини кўриб Гавҳарнинг чеҳраси ёришди:

- Енгил бўлдингизми?

- Ҳа, анча.

У ётоқхонага ўтиб, кўчаллик кийимларини кия бошлади. "Қандай овқат қилай?", деб қирган Гавҳар ҳайрон бўлди:

- Ҳа, йўл бўлсин?

- Ҳозир келаман, жоним, катта бир савдогар билан учрашишга келишган эдик. Бормасам, жуда катта пулни бой берган бўламан. Овқатингизни осиб тураверинг, ҳозир қайтаман.

Гавҳар ноилож ортига бурилиши билан жавон тоқчасида турган бор пулни олиб, ички чўнтагига солди: "Ўзимнинг пулларим!"

Шу кетишда икки кун эски улфатлари билан ичиб юрди. Учинчи куни охири тангаларигача қоқиб олган хушёрроқ улфат амал-тақал қилиб, уйига олиб келди. У шу даражада кўп ичган эди-ки, остонадан бир қадам ичкари қўйиши билан оёқлари остидаги ерни буткул йўқотиб, юзгубан йиқилди.

- Мен бир қишлоқдошиман. Арок магазинининг олдида ётган экан. Ўтган ҳам, кетган ҳам бир тепиб ўтапти. Савоб бўлар деб олиб келдим. Бу ўзи яхши йигит, озгина шундай касали бор. Касалхонага ётқизиб, бироз даволатсангиз, ўтиб кетади.

Гавҳар дам бурни шолғомдек қизариб турган савобталаб одамга, дам оёқ остида чўзилиб ётган эрига қарар, кўриб турган расвогарчиликларидан имкон қадар тезроқ қутилиш ҳақида ўйлар, аммо ичкиликбозликни қандай дори билан даволаш мумкинлигига ҳеч ақли етмас эди.

"Савобталаб" қишлоқдош қайта-қайта узр сўраб, кўздан ғойиб бўлгач, Зиёдуллонинг пойафзалини ечиб, бош томонига ўтди.

- Туринг, хай туринг, жойингизга ўтиб ётинг, - шу топда Зиёдуллонинг бош кўтармоққа ҳам холи йўқ эди. Гавҳар қўлтиғидан кўтариб ўрнидан турғизмоқчи бўлди, кучи етмади. Сўнг уйқудаги одамни уйғотмоқчи бўлгандек, елкаларидан ушлаб, силкиди. Зиёдулло унинг ҳар бир ҳаракатини элас-элас ҳис этиб ётар, аммо кўзини

очиб, ўрнидан туришнинг имконини топа олмас эди. Гавҳар бир пайт йиғламоққа тутинди:

- Хай, туринг, туринг деяпман. Пешонам курсин илоё...

Зиёдуллонинг кўзига иликқина кўз ёшлар томди. У бор кучини тўплаб ўрнидан турмоқчи, ҳиқиллаб йиғлаётган Гавҳарнинг кўзларини артиб қўймоқчи бўлди. Иложи етмади. Қандайдир куч елкаларидан босиб тургандек қимирлай олмади. Бир амаллаб зилдек қабоқларини кўтариб, ғира-шира туманлик қўйнида Гавҳарнинг ёшли кўзларини кўрди: “Бир пайтлар онаси шундай йиғлар эди боши устида”.

- Мен гумроҳ сени йиғлатдимми? - қўлини кўтариб унинг елкаларини силамоқчи бўлди, аммо қўли етмади.

Гавҳар аллақерга кўнғироқ қилиб, йиғлаб-йиғлаб аҳволини баён қилди, сўнг кимнидир олиб, бирга келишларини, ёрдам беришмаса бўлмаслигини айтди.

У Гавҳарнинг дугонаси экан. Эри билан дори дармон кўтариб келиб, бир кеча кундуз Зиёдуллонинг бошида бўлди. Ошқозонини ювишди, осма укол билан қонидаги алкогольларни ювишди. Барча инжикликларини-ю, кўполликларига дош бериб, эшикдан чиқиб кетишига йўл бермади. Бир кеча кундуздан сўнг Гавҳарга ишга бормасдан, унинг тепасида қоровуллик қилишини тайинлаб, ўзлари кечга келиб, яна укол қилишларини айтиб кетишди.

Уч кундан сўнг Зиёдулло анча ўзига келди. Ҳали уни, ҳали мунга оғзига тутиб, гирдикапалак бўлаётган Гавҳарга ҳаммасини бир бошдан гапириб бермоқчи бўлди: Отаси ҳақида, акаси ҳақида, ўзининг шавкати-ю, инқирозлари ҳақида. Аммо ғурур аралаш кўрқув бундайин тазарруга изн бермади.

- Мен касалман. Менга ароқ умуман мумкин эмас. Бир ичсам ўзимни бутунлай йўқотиб қўяман, шунинг учун ҳам умуман ичмайман. Шу сафар бир бўлди. Опадан инсоф талаб қилган эдим, аччиғи келиб, мени алдаб-сулдаб ичирди. Мен сизга ваъда бераман: бошқа бўлмайди.

Бир ойча мустақил ишлади. Кўз кувнар пул тўплағач, Назира опанинг олдига ўтди. “Сизсиз ҳам, сизнинг ичиқораларча қилган ишингиздан сўнг ҳам юрибман мана. Чўнтагим тўла пул!” дегандек гап қилиб, опанинг юрагини ёндирмоқчи, шу билан ўз кўнглидаги аҳмоқона нафси қондирмоқчи эди.

Назира опа уни кўриб ҳузур қилган қасоскор боладек кулди.

- Келинг, йигит!

Зиёдулло ҳам сўзлаш оҳанги билан ҳеч кимнинг марҳаматига муҳтож эмаслигини намоён қилди:

- Келдик. Қани, опагинам, қандай? Сиз ҳам яхшимисиз? - ўша такаббур оҳангда Назира опанинг ёнида ўтирган киши билан сўрашди. Ҳалиги одам унинг қарашларидаги кибр-ҳавони кўриб, ўзини ноқулай сезиб қолди.

Назира опа аввалига ҳайрон бўлди. Унинг ҳисоб-китобича кечаги “жазо”дан сўнг Зиёдулло хотинидан ҳам, пулидан ҳам мосуво бўлиб, унинг оёғини ўпишга тайёр ҳолда остонасидан қарийб эмаклаб келиши керак эди. Бу бўлса... Осмони фалақда юрибди. Демак, Гавҳар кетиб қолмаган. Ўзи мустақил иш қилапти. Унинг қаҳри келди. Алам билан бир тўлғонди-ю, аммо сир бой бер-

масликка урунди.

- Худога шукур. Ўзлари қандай? Кўринмайсиз?

- Хе-е, юрибмиз давлатингизнинг соясида, худо деб...

Тирикчилик, рўзғор дегандай... Одамзод қорни тўқ, қайғуси йўқ бўлса, қадрдонларни ҳам изламай қўяркан. Шу бугун ўзимнинг бўйнимга ўзим арқон солгандай қилиб, сизнинг олдингизга олиб келдим. Пулнинг кетидан чопиб юравермай, шу опангнинг ҳам ҳолидан хабар ол. Лозим бўлса, ёрдам бер, деб.

Назира опа ҳар қанча қув бўлмасин, ранги учиб кетди. Бир нафас жим қолди. Аммо у Зиёдулло ўйлаганчалик довдираб қолмади:

- Опангизнинг куни икки дунёда сизга қолмайди. Лекин бир вақтлари қорнингиз тўйган ялоқни унутмай келганингиз учун раҳмат. Бу киши Тошкентдан келган меҳмон. Тушликка чиқамиз деб ўтирган эдик. Агар ҳўп десангиз бирга чой ичамиз.

Зиёдуллонинг бутун вужудига беҳаловат бир титроқ югурди. Юраги кўксидан узилиб оёқлари узра силжиётгандай ўзини беҳол сезди: “Йўқ, бормайман”.

- Жоним билан борар эдим-у, - гўлдиради у - Бир киши билан зарур бир масалада учрашувга келишиб қўйган эдим.

- Ия, бу нима деганингиз? Меҳмоннинг олдида менинг таклифимни рад қилаяпсизми? “Опа, тентираб юрганымда иш ўргатиб, ўйли, хотинли қилган одамсиз. Юринг, меҳмонингиз бор экан, бир иззат-икром кўрсатай” дейишнинг ўрнига, мен юр десам ҳам, сиз йўқ деяпсизми ҳали?

- Йўқ, опа. Мен ҳаражатдан қочаётганим йўқ. Мана, - у чўнтагидан бир даста пул чиқарди, - шу сафар бу кишини менинг ҳисобимдан меҳмон қилинг. Янаги сафар бирга ўтирамыз.

- Э-эй, пулингизни чўнтагингизга солиб қўйинг, хотинингизга сақич-пақич олиб борарсиз. Мен сиздан пул сўраётганим йўқ, одамгарчилик сўраяпман, холос.

- Энди, опа, узримни айтапман-ку.

- Мен ҳеч қандай узр-пузр қабул қилмайман. Туринг, кетдик.

Яна ўша ресторанга боришди. Ўша дастурхон, ўша ҳийлакор, ўқтам аёл, ўша қистов. Эҳтимол, нафси билан Назира опа баровар қистамаганда, шу сафар олмаган бўлармиди?

Қадахлар жаранги, оғзи очиқ турган шиша идишдан келаётган ароқ ҳиди, ҳамтовокларининг қадахларини бир кўтаришга бўшатиб, сўнг лаззат билан газак қилишларидан девона бўлиб қолаёзди...


Охири...

Яна дастурхони бошида ёлғиз қолиб кетди. Назира опа қандайдир ишлари борлигини айтиб, меҳмони билан чиқиб кетди:

- Сиз бемалол ўтиринг.

У узок ўтирди. Сўнг яна икки шиша ароқ олиб кўчага чикди.

Бу сафар эшикни Гавҳарнинг қизчаси очди. Балоғат остонасида турган ўн олти ёшли қизнинг кўрқувдан катта-катта очилган кўзларига қараб ширакайф шуурда эски армонлар бош кўтарди: “Йигит бўлиб, бир қиз кўрмай ўтиб кетаяпсан. Кимдан каминг бор? Кўр, шол



бўлмасан! Чўнтагинг тўла пул бўлса! Кимнингдир саркитига “гавҳар” деб, оёғига дунё тўкиб юрибсан аҳмоқ. Ўша жувон сендай йигитнинг тенгими? Мана - сенинг тенгинг! Калининни онасига тўлаб қўйгансан. Ё олганларини қайтарсин, ё қизини берсин. Гап тамом”.

- Онанг кани?

- Ишда, - киз ортига тисланиб, қўшни хонага ўтиб кетди.

Зиёдулло маст бўлса ҳам унинг кўзларидаги қўрқувнинг қандай ижирганишига айланганини, сўнг беписандлик билан бурилиб кетганини қўриб турар эди. Унга алам қилди: “Қорни тўйиб қолган!..” Бир амаллаб пойафзалини ечиб, ётоқхонага ўтди. Зил-замбилдай гавдасини тўшакка ташлаб, ётган жойида ўзини сўка бошлади: “Кафтингда шундай киз бўла туриб, юрибсан шалпайиб! Аҳмоқ!” “Қизим, қизим!..” “У сенга қанақасига киз бўлсин? Хотин бўлса, бошқа гап!”

- Зебо! Зебо-о! - бор овози билан кичкира бошлади. Анчадан сўнг остонада Зебо кўринди.

- Менга бир пиёла сув олиб кел.

Қизнинг ошқора нафрат билан ижирганиб пиёла узатиши кўнглидаги жирканч қарорни қатъийлаштрди. Сувга узалган бўлиб, шартта билагидан ушлаб, тўшакка тортди:

- Молу-дунём, пулим яхши, ўзим ёмонманми?

Қиз гижиниб турган бўлса-да, бундай ҳаракатни кутмаган, химояга тайёр эмас эди, “шилқ” этиб тўшакка тушди...

Гавҳар қачон ишдан қайтган, уйдаги бакирик-чакирикни эшитиб, қандай ҳолатга тушган, буёғи Зиёдуллога қоронғу.

Ағдар-тўнтар бўлган тўшак устида кийим-боши йиртилган Зебо жон-жаҳди билан ўзини химоя қилишга уринар. Зиёдулло сўқиниб унинг эгнидаги қолган қутган кийимларни ҳам юлқилаб, ечинтиришга ҳаракат қилиб ётар эди. Бир пайт орқадан бошига қаттиқ бир нарса келиб тегди. Кўзи бир “ярқ” этиб очилди-ю, сўнг бутун аъзойи бадани бўшашиб, хушини йўқотди.

Хушига келгач, маст холида ҳам Гавҳар кизини олиб, кетиб қолганини билди. Аммо айни дамда кўнгли Гавҳарни эмас, фақат ароқ бериши мумкин бўлган кайф-сафони кўмсар эди.

Кўчалик кийимларини кийиб, ташқарига чиқди. Уйнинг ёнидаги дўконда бир-икки улфатларини йиғиб, мириқиб ичди. Сўнг уйига келиб, ухлади. Ичиб-ухлаб, уйғониб-ичиб юрган кунларининг бирида Гавҳар келиб кўч-кўронини олиб кетибди. Парво ҳам қилмади:

- Ялиниб боради деб ўйлаётгандир. Йўлингдан қолма.

Ўн кунлар ичгач, жуда мазаси қочди. Ошқозонида қаттиқ оғриқ пайдо бўлди. Оғзига олган ароғи томоғидан ўтмай қолди. Бир куни ўқчиб, дўконни абгор қилиб ётган пайт, дўкондор чакирганми, тасодифми бир миршаб ушлаб, ичкиликбозлар даволанадиган диспансерга жўнатиб юборди.

Диспансерда ўзига келгач, сўнгги ўн кун ичида юз берган воқеаларни бир-бир хаёлдан ўтказиб, омад ундан энди буткул юз ўгирганини англади.

У - кечагина доғули Назира опа билан ўн фоиз фойда учун талашган ўқтам йигит яна севгилиси отасидан ор-

ланиб ташлаб кетган бечора зурриёдга айланди-қолди.

Ҳақиқатан ҳам омад ундан юз ўгирган эди. Назира опа уйини қайтариб олиб қўймаган бўлса-да, ҳамма дўкондорларни ундан айнитиб, қандайдир йўллар билан уларга зарур маҳсулотларни анча арзон нархда етказиб турарди.

Ўзининг ҳафсаласи ҳам тугаган эди. Ҳамма нарсадан қўлини ювиб қўлтиққа урди. Худо ўнг қилган кун беш-ўн сўм пул топиб, шуни еб-ичиб юрди. Бўлмаган кун оч-наҳор қолди, гоҳ шаҳарда яшайдиган жияниникига, гоҳ қишлоққа хабар олгани борган киши бўлиб, қорнини тўйдириб юрди.

Ўша кунлар аъзойи баданини нимадир чақаётгандай бўлиб, ёқимсиз қичишиш бошланди, ювиниб, кийимларини бошдан-оёқ алмаштириб кўрди. Баданида, кийимларида ўрмалаб юрган бирон нарсани кўрмади-ю, аммо қичишиш ҳеч қолмади. Елкаларига ўсиқ тирноқларини ботириб-ботириб қашлар, шунда эти қўчғудай бўлган бадани бироз ҳаловат топар, аммо дам ўтмай, яна кийимларининг тагида нималардир ўрмалаб юргандай баданида қичишиш бошланар эди.

Гавҳарнинг китоблари орасида Ибн Синонинг кичкинагина китобчасини олиб ўқиётиб, бит ва ундан фориғ бўлишга бағишланган қисмида бир нарса эътиборини тортган эди. Унда ёзилишича, бит ҳаминша ҳам кимдандир ўтмайди, балки одамнинг ўзидан, эт билан тери орасидаги хилтнинг бузилиши туфайлими-ей, келиб чиқар экан. Битдан қутилиш учун аввал бузилган хилтдан қутилиш лозим дейилганмиди...

Қашланиш жонидан ўтган сайин ўша китоб ҳақида кўп ўйлар, кун ора китоб дўконларига кириб, Ибн Синонинг китобларини излар, керакли нашини тополмай хуноби ошар эди. Ўшанда бузилган хилтдан қутилиш йўлларини ҳам ўқиб олмаганидан қаттиқ пушаймон қилар эди.

...Мана, худди ўйланганидай бўлиб чиқди. Ҳар сафар бадани қичиганда терисининг тагида қандайдир жонли жониворлар ҳаракатни ҳис этиб турар, бу жониворлар бир кун келиб терини ёриб чиқишса, қандай аҳволга тушишини ўйлаб, уни ваҳима босар эди.

Зиёдулло оғзида бармоқларини ҳўллаш учун умуман намлик қолмагунча китоб варақлади. Излаган касаллик муолажасини топа олмади.

* * *

Ўша куни Иродани шаҳар халқ таълими мудирини чақиртирибди.

- Яна икки соат дарсим бор, дарсларимни тугатай... - деди у директорга.

- Қанақа дарс? - қутилмаганда ўшқира кетди директор. - Мудир дарсингизнинг тугагини икки соат қутиб ўтирадимми?

- Ахир болаларга нима дейман? Улар кўчада қолиб кетишадикун!

- Сизга болалар эмас, мен ойлик бераман. Боринг дегандан кейин боринг.

Ирода қийналиб кетди.

Бу одамга гап ўқтириш қийин эди.

Сукут ризолик аломати. Индамай бурилиб чиқиб кетди.

Мудир уни жуда яхши кутиб олди. Ишлари, режаларини суриштирди, унинг хизматларидан тўлиқ хабардор ва хурсанд эканлигини айтди.

- Бизнинг ўғил билан алоҳида шуғуллансангиз, - деди гап орасида.

Ирода кулимсираб бош ирғади: "Бўпти".

Аслида мудирнинг ўғли ўта қобилиятли бола, ҳар кун дарсга янги бир савол билан келади, синфдошларидан аллақачон илгарилаб кетган эди.

- Хўш.. - ниҳоят мақсадга кўчди охирида, - сезишимча, мактабда жуда қийналаётганга ўхшайсиз. Маматалиев сизнинг кадрингизга етмаяпти. Агар хоҳласангиз, ёнимга ишга оламан. Ўқувчилар билан эмас, ўқитувчилар билан, Маматалиевга ўхшаган директорлар билан ишлайсиз. Уларни ўзингизнинг даражангизга етказасиз...

Ирода бундай таклифни кутмаган эди. Айниқса мактабдаги ўқубатлари ҳақида гап очилгани уни хангу-манг қилиб қўйди. Демак, Маматалиев ҳеч қандай андишасиз унга бўлган муносабатини мудирга ҳам етказиб юрган.

Мудир уни ўз ҳимоясига олмакчи.

Агар мудир аёл киши бўлганида Ирода жон деб унинг соясига ўтган бўларди. Аммо мудир ҳамиша уни кўрганда ғалати бир синчковлик билан, сукланибми-ей, қарайди. Ирода асли қадди-басти келишган аёл, одамларнинг ҳавасли нигоҳларига ўрганиб қолган. Аммо бу одам унинг раҳбари. Унинг назарида раҳбар учун ходимнинг, ходим учун раҳбарнинг жинси бўлмаслиги керак. У қаршида турган одамга ҳамиша эркак деб эмас, раҳбар, инсон деб қарашга ҳаракат қилар, ўз навбатида ўша раҳбар ҳам унинг аёллик фазилатларини эмас, ўқитувчи сифатидаги, инсон сифатидаги фазилатларини ҳурмат қилишини истар эди. Унинг учун аёл ёки эркак бўлишдан, инсон бўлиш минг маротаба афзал эди. Айниқса, эридан ажралгандан сўнг унга аёл деб қарашларидан юраги безиллаб қолган эди.

Айни суҳбат чоғида ҳам кўзларини ердан олмай ўтирган бўлса-да, боши узра мудирнинг сукли нигоҳларини ҳис қилиб турарди.

Кутилмаган таклиф унинг гумонлари ҳақиқат эканлигини исбот этди: "Йўк!".

- Йўк, Омон ака, - бошини кўтариб, мудирнинг кўзларига қаради. - Мен болаларни яхши кўраман. Мен болалар билан ишлашим керак.

- Ишлайверасиз. Беш-олтита ўқийман деган ўқувчини олиб яқка тартибда иш олиб борасиз. Ҳам мўмайгина даромад оласиз, ҳам шуғулланаётган болаларингиз иқтидорли болалар бўлади, унча қийналмайсиз, меҳнатингизнинг самарасини кўришга кафолат бўлади.

Ирода кейинги пайтларда эркаклардан фазилат эмас, нуқсон ахтаришга одатланиб қолган эди. Қаршисидан чиққан, унга ҳамсуҳбат бўлган, ёнида турган ҳар бир эркакнинг "ҳисоби"га ҳаёлан албатта битта нуқсон ёзиб қўярди: "Туфлисини минг йилдан бери артмаган", "Юзининг ялтиллашини!.. Умрида совунлаб ювмаса керак". "Гапининг бемаънилигини... Гап сасийди, дейингиз ишонмасди. Мана исботи. Аҳмоқ!" ва ҳоказо. Фақат Омон Ҳакимовичнинг "ҳисоби"да биронта ҳам танбех йўқ

эди. Унинг ёши ўртага бориб, сийрак сочларини нафис киров қошлаб олган бўлса-да, ниҳоятда келишган, озода, юзларидан зиё таралиб турадиган эркак эди.

Ў-ў! Ёлғизлик қанчалар ёмон-а! Ҳар қандай темир иродани ҳам букиб, истаган шаклу шамойилига сола олади.

Меҳрнинг бағри қанчалар иссиқ. Одамзод ўзи билмаган ҳолда унга интиқ бўлиб, интилиб яшайди. Ёлғизлик жабрида юрак-бағринг жиззадек қоврилиб юрган дамларингда ўзингиз эътиқод қўйган бир инсон меҳр тўла кафтини тутса қўлларинингга, бағрини очса шўрлик жуссангга, бир нафасга бўлса-да, ўзингни йўқотишинг табиий ҳол...

"Йўк, - рағбат ҳисси билан тўлиб бораётган кўнглини инсофга чақирди, - йўк! Бундай қилишга ҳақким йўқ. Одамларнинг гап-сўзлари, беобрўлик ёлғизлик жабридан минг-минг марта машаққатлироқ. Худо сени ёлғиз яшасин демаса, пешонангга шундай хиёнаткор, пасткаш эркакни солмаган бўлар эди. Аллоҳ билан олишма!.."

- Йўк, домла, - у ўрнидан туриб, ерга қаради. - Ғамхўрлигингиз, эътиборингиз учун раҳмат. Аммо мен бундай қила олмайман. Болаларни ташлаб кета олмайман.

Унинг томоғига нимадир тикилди. Овозлари титраб кетди. Яна бир пас турса, йиғлаб юборар эди. Югуриб ташқарига чиқиб кетди.

"Майли, қийналса, қийналар. Энг муҳими, маломатга қолмай, бошини баланд кўтариб яшайди. Ҳамкасбларининг ҳам, болаларининг ҳам кўзига тик қарайди. Маматалиевнинг ўзи ким-у, гапи ким! Унга умуман эътибор бермасдан ҳам яшаши мумкин!"

Омон Ҳакимович уни бошқа йўқлатмади. Ирода ҳам ўзини унинг таклифи-ю, сукли нигоҳларини унутгандай тутишга ҳаракат қилса-да, бир неча кун ғалати бир кайфиятда, ўйга ботиб юрди. Бир жихатдан шундай ақлли, лавозимдор кишининг унга кўнгли кетгани ёқимли бўлса, иккинчи томондан, у эрли бўлганида, ёлғиз, меҳрга зор бўлмаганида, шу одам кўнглидаги бор истагини кўзларига жойлаб, унга шундай тикилишга журъат этмаган бўлар эди. Қиз кўприк, ундан шох ҳам, гадо ҳам ўтади. Бева аёл-чи? Бева аёлнинг кўнгли бамисоли эгаси кўчиб кетган ҳовли. Бошидан иссиқ ўтган, тани ҳолдан тойган ҳар бир кас унинг соясига бир дам жон сақласам, дейди. Бу кўнгил иморати кўзига маъқул кўринган зот меники бўлса, дейди.

...Шундай ўз ташвишларига ўзи кўмилиб юрган кунларнинг бирида ичкиликбозлар даволанадиган шифохонадан кўнғироқ қилишди:

- Сиз Зиёдулло Бозоровнинг жиёнимисиз?

- Ҳа! - у тоғасини сўнгги бор шифохонадан чиқарганига олти ойдан ошиб кетган, мажбуран бўлса-да, қўлидан келган хизматини қилгач, Зиёдуллони бошқа изламаган эди. На хоҳиши, на вақти бўлмаганидан онасининг сўроқларига ҳам "Ҳа, кеча кўрган эдим, яқинда келиб кетган эди" деб ёлғонлаб қўяр эди.

- Шаҳарда яна қандай қариндошларингиз бор?

- Нимаиди? - хайрон бўлди Ирода.

- Тоғангиз уйда ўлиб қолибди. У бизнинг ҳисоби-мизда турадиган касал-ку. Шунинг учун мелисахонадан

бизга хабар қилишди. Бош врачимиз унинг сиздан бошқа қариндош-уруғини билмас экан. Шунинг учун сизга қўнғироқ қилиб, хабардор қилишни топширди. Алло, эшитаяпсизми?

- Ҳа, гапираверинг, - ҳали ҳуши жойида эканлигини зўрга маълум қилди у. - Қаерда, қачон ўлибди?

- Уйида ўлиб қолган. Йўлакка бадбўй хид таралавергач, қўшнилари эшикни бузиб киришса, ўлиб ётибди.

Ирода шу заҳоти шифохонага етиб борди. “Балки, кераги йўқдир-а?” деб қайта-қайта қайтаришларига қарамай, бош ҳақим билан ўликхонага кирди.

У шу даражада қаттиқ ҳаяжонда эдики, вужуди на иссиқ, на совуқ, на кўрқувни ҳис этмай қўйган эди. Аммо ўликхонадаги қўланса хид нафасини бўғиб қўйди. Уни йўтал тутди. Бош ҳақим қатта хона кетида устига чойшаб ташлаб қўйилган ёғоч сўрининг ёнига бошлаб бориб, чойшабнинг бир четини кўтарди.

Тери устихонига ёпишиб кетган, ҳамма жойига оппоқ нарсалар ёпишиб ётар эди.

Ирода аввалига бу оқиш нарсаларни мурда бузила бошлаганда одам гўштида юз берадиган табиий ўзгариш деб тушунди. Тоғасига қараб, юраги баттар эзилиб кетди. Сўнги бор жеркиб-жеркиб хўшлашганини, ўша дамда тоғасининг боладек журъатсиз мўлтираб қараганини эслади Ирода. Ҳаёл оғушига тоғасининг юзига термулиб турар экан, мурданинг бурунларидан бирин-кетин чиқиб келаётган оппоқ қуртларни кўриб, кўркиб кетди. Беихтиёр бир қадам ортга тисарилиб, бош ҳақимнинг қўлларидан ушлаб олди:

- Курт!..

- Ҳа, - бош ҳақим оҳистагина унинг қалтираётган елкаларидан тутди. - У бутунлай қуртлаб кетган экан. Олиб келгач, дорилатдим. Тери устидаги қуртлар ўлди. Аммо дори ички органларга ўтмайди. Ичкаридан яна чиқиб келишяпти.

Бош ҳақим чойшабни мурданинг юзига тортиб қўйиб, уни ташқарига бошлади:

- Ҳар икки ойда келиб турарди. Охири марта олти ой аввал тушган эди эсингизда бўлса. Кейин бутунлай кетди. Бир қуни китоб дўконида учратдим. Китоб олаётган экан. Ичишни ташлаб, турмушини йўлга қўйиб кетдимикин, деб умид қилган эдим. Аммо эскилар билан айтишган: яхшидан ёмон бўлди, деб қуюлма, ёмондан яхши бўлди, деб суюлма. Сизни ҳам қийнаб юборди. Жони узилгунча ичган. Назаримда, мастлик билан очлик ўлимнинг асосий сабабчиси. Нима қиласиз, қишлоққа олиб кетасизми?

Ирода қишлоқ деганда аввал онасини кўз олдига келтирди: қуйиб адо бўлади, яхшиси, бирон жойга кетган деб яшагани маъқул. Сўнг укаларини ўйлади: улар тоғасининг иззатини ўрнига қўйиб дафн этишлари аниқ, аммо қуртлаб кетган мурдани ювган мурдашўйлар олди-

да бир умр юзлари шувут бўлиб қолади. Кошки ўша мурдашўйлар ҳеч бўлмаса олган ҳақларини юз-хотир қилиб индамай кетишса!.. Қишлоқдаги ҳар тўнқанинг қошига бориб, ҳар бир бурчакда пичирлашиб айтар: хей, фалон йили кўчада ўлиб қолган Чори пиёнистаннинг ўғли Зиёдулло пиёнистаннинг ўлиги абгор бўлиб қуртлаган эканки...”

“Кераги йўк!”

Сумкасида кечагина олган маоши бузилмасдан турган эди. Шунинг бош ҳақимнинг қўлига тутқазди.

- Хозир бозордан йигирма беш метр сурф келтириб бераман. Жон ака, бир мулла топиб, жаноза ўқитиб, ўзингиз дафн эттиринг. Сизда ишчи кучи кўп. Бизнинг қишлоқда ҳам ҳеч кимимиз йўк. Иси, чироғи бўлса, бир амаллайман. Аммо дафн этиш кўлимдан келмайди.

Бош ҳақим индамай пулни олди...

Бир неча кун ўтгач, милисахонага чақириб, тоғасининг қалити билан қўни-қўшнилари тузган актни топширишди:

- Ҳеч қандай жиноий ҳаракатлар излари йўқ экан. Ҳамма нарса қандай бўлса, шундайлигича турибди. Бориб, қабул қилиб олинг.

Унга уй ҳам, тоғасидан қолиши мумкин бўлган ашёлар ҳам керак эмас эди. Ҳаётда арокдан азизроқ нарса топа олмаган бетоб одамнинг уйда унга асқотадиган нима ҳам бўлиши мумкин? Фақат бир нарса - тоғасини дафн этишгандан буён юрак-бағрини тилка-пора қилаётган бир армон, тоғасидан қолган мискин хотиралар уни ўша уйга тинимсиз чорлайверар эди.

Кечки пайт ош-овқати бир қайновдан чиққач, оловни милтиллашиб қўйди-да, йўлга отланди: “Бир пасда бораман-у, ўзи яшаган уйда ўтириб, икки қалима дуоно фотиҳа ўқиб қайтаман”.

Унинг кўчалик кийимларини қияётганини кўриб, қизи ҳам эргашди.

Орадан анча ўтган бўлишига қарамасдан ҳамон хонада бадбўй хид анқиб турарди. Уй юзидан бўшаган шишалар, эски-туски кийимлар ва ... Ибн Сино китобларининг турли нашрлари сочилиб ётар эди. Ирода эси оғиб қолгандек ҳар бир хона остонасида серрайиб турди-турди-да, сўнг бир бурчакка чўккалаб ўтирганча, чала-чулпа қилиб оят ўқиди.

Эшикни қулфлаётган, онасининг ҳаракатларига тушунолмай анқайиб, сўрашга-да, журъати етмай турган қизининг мовий кўзларига қаради. Агар шу қиз ёнида бўлмаганида бу уйдан омон чиқиши нечоғлик қийин бўлишини ўйлади. Беихтиёр бош ҳақимнинг “Ёмондан яхши чиқади, деб суюлма” деган сўзлари қулоқлари остида жаранглаб кетгандай бўлди.

Қалитни чўнтагига солиб, қизининг нозик елкаларини бағрига босди:

- Йўк, мен сени ҳеч кимга бермайман, йўк!...

Одил ХОТАМОВ

СЕҶДАҲ ОЛИС КЕМАР ОҲУДАӢ ОРЗУ



* * *

Гул баргини ювган кумуш нур,
Айланиб сув париларига -
Соҳил бўйлаб соч тараб юрур -
Қалби чўкиб дарё каърига.

Ялтирайди совок ва унсиз,
Сув тубида қонгалаш тошлар.
Ранглар беҳад тўйдирган, кинсиз,
Булбул охир кўзини ёшлар...

* * *

Бир қиёфа кўзгу ортида
Ҳансирайди, излайди сени,
Сочинг суйган елни тортқилаб,
Пойинг ўпиб сизлайди сени.

Ўқ еган қуш патлари мисол,
Қуюлади жонсарак окшом.
Қадах-сабр жомига тимсол,
Қисмат майи бўлмагай тамом.

... Унинг сассиз қўшиқларидан
Вақтнинг йўқдир бўлмокка огоҳ,
Тунда тушиб сомон йўлидан
Оғушингда эрийди ногоҳ...

* * *

Ёшлик баҳор экан чақинли, майин,
Еллар эркалайди қизғалдоқ Сўзни.
Юзга ажин тушиб йил ўтган сайин,
Қалбимга кўмаман заъфарон кузни.

Ҳавойи ҳисларни алқаб чопганим,
Дамларда тоғлардай тўзимни бердинг.
Йўлларда йўқотиб излаб топганим -
Охири англаган ўзимни берлинг...

* * *

Қалбинга тикандай санчилар нигоҳ
Тунлар қуюқлашар оғриқларидан.
Юлдуз ташрифидан кўзларинг огоҳ,
Бир томчи ёш томар армон қаҳридан.

Алам-ингрокларни киритмай сўзга,
Шубҳа гумонларга бермай сира гал,
Дилингни топшириб қир, дала - тузга,
Майсалар кўнглини уқдинг мукамал...

...Зил нигоҳ захрини хўплайди ҳилол,
Зардобдай ситилиб кетар қайгулар.
Нилуфар - малҳаминг - келмагай малол,
Ҳамширанг бўлади учқур охулар...

* * *

Сендан олис кетар оҳудай орзу,
Мезонлар тийрамоқ хулосасидир.
Тушингни тўзгитган бедор бир туйғу
Камалакдан қолган ранглар сасидир.

Умр гурзисидан идрокинг қақшаб,
Турналар ортидан толикади кўз.
Оловни жон билган қақнуга ўхшаб,
Ловуллаб-ловуллаб ёнаётир куз...

* * *

Кўркув қора шарпадир,
Дарахтларга қапишган.
Нафс дилга зарбадир,
Зулукдайн ёпишган.

Гулдай топталган гурур,
Сўрар қилич, тилар хун.
Тили тилинган сурур,
Конида томчи афсун.

Олачапоқ туш рўё,
Шаробини ичади.
Қасос учун хур зиё,
Ҳатто жондан қочади.

Сарҳад нима, йўл нима,
Қиличга ҳеч фарқи йўқ.
Гул бағридан жимгина,
Отилар-хиёнат-йўқ...

Ёзилмас ҳеч нафс таъби,
Ўқрайди адоват.
Зурёдсиз ота каби
Мунғаяди адолат.

Тийинксиз нопок ҳавас,
Наздида туйғу бекор.
Дунё беэзга эмас
Ҳар ненинг сўроғи бор.

...Қорайгани тун изи,
Ҳамоқатдан толгани.
Охир куёшнинг ўзи,
Келар қасос олгани...

...Бу ҳол қандай юз берди, билмам,
Ҳаёлимни олди гул иси,
Қуёш тушиб, тўрт девор қулбам -
Тушим қувди ул қиз қулбуси...

...Ваҳимадан энди кўнглим тўк,
Ўролмагай ҳадик ҳеч йўлдан.
Қайтсам, сенга сиғарманми, йўқ,
Қайтолмасам, омон бўл, қулбам...

* * *

Чақин ёруғида таниб қоламан,
Қизғалдоқ тубида қон ютган тунни.
Жонгалаш юракни қўлга оламан,
Лиммо-лим паймона қутгайдир кимни.

Жарликлар тубига тушмас ўтдан қул,
Тошларга айтади: - Ўрган, бу ҳам бахт..
Сассиз кенгликларни ёритиб буткул
Ёнмоқни ўргатар танҳо бир дарахт..

* * *

Тақдирим шу: ҳижрону висол,
Чоррахода бирлашур шахдлар.
Тушларимга фол очар, алҳол,
Ой нурини ичган дарахтлар...


Эшикларда қолар ноилож,
Ҳазон кўмган ҳазин кўчалар.
Титраб-титраб ёзади қулоч,
Сочларингдай узун кечалар.

Тақдирим шу: учқур ҳаёлинг,
Тутмоқликка ахир, қўлим йўқ.
Тирикликдан барча саволинг,
Бунда тонг бор, бунда ўлим йўқ...

* * *

Кўнгили таниётган рангларга тўсик,
Зил-замбил хиёнат - булут чарчади.
Олис жилва билан чорлаган уфқ -
Кўз ва тасаввурга кенглик сарҳади.

Лоқайдлик қурбони - рангдор қалалак,
Жонсарак қалбларга бермагай изи.



Не-не тўфонлардан ғолиб камалак,
Тинимсиз дижжалар чакчилар сўзин...

* * *

Ўқсинган ранглари эркалаб суйган,
Минг йиллик чинорнинг дами ичида.
Балхутлар йўлларга қарамай кўйган,
Кетган лайлакларнинг ғами ичида.

...Тупрок йўлдан ёлғиз келаётган чол,
Бир лаҳза бокмади ўнгу сўлига.
Картайиб букчайган титроқ қари тол,
Барглари тўқди унинг йўлига...

* * *

...Уфқларга сингмиш турна видоси,
Кимсасиз далалар ...нарида-ларё...
Хувиллаб қақшаган кўнгил нидосин,
Бағрига босганча ўксинар дунё...

Асрим одамининг қиёфасини-
Етказ келажакка халқ нафасини,
Бизга мерос тўқин боғлар сасини -
Сувратдан сийратни излаган нигоҳ...

Топганинг эътиқод, собит иймондир,
Хумолардан кўнгли осмон инсондир,
Бошимиз силаган Ўзбекистондир,
Сувратдан сийратни излаган нигоҳ...

* * *

Дуч келаман қора уйқулар,
Либосини кийган маккорга.
Истагимдан ортган туйғулар
Андишани тортайдир дорга.

Тинч кўймайди нафс деган бало,
Ғафлат ахир шайтоннинг исми.
Олишаман, ғолиб, мубтало,
Ўзи бору, йўқ эрур жисми.

Шууримни бахш этиб шуъла -
Тортилади бедорлик мили.
Хоримайди шархлаб бир йўла,
Куйламоқдан булбуллар тили.

Чекингайдир қитмир қайғулар,
Кўнглим тўлар гулга, баҳорга.
Ғуруримдан ортган туйғулар,
Андишани тортайдир дорга...



КҶҲТМ

Ойга паноҳ бўларсан бир тун,
Рангларига инмаган кин, гул,
Шуълалардан сувратинг бутун,
Намозшомгул сенга чин сингил.

Мусибатлар эркинг майлимас,
Ғам-андуҳлар очикқан, юпун.
Кувонч келар бир тун лайливаш,
Ойга паноҳ бўларсан бир тун...

Чорлаганда довул, тўфонлар,
Борлигини тўқиб кетарсан.
Ё ўзни ғарқ этмоққа чоғлаб
Кема янглиғ чўқиб кетарсан...

Ойга паноҳ бўларсан ...бир...тун...

* * *

Тинган товушларни излайди сассиз,
Ярим шуълалари яримта оининг.
Чорасиз, хатто энг сўнги нафассиз,
Бир шарпа оқади сувида сойнинг...

Тиниб қолмиш бийрон чипирткалар ҳам,
Гуллар япроғида ятг-юлт нам юки.
Минг йиллик чинорга салобат пурғам
Сомон йўллаларидан инган чанг юки...

* * *

Тақдир ҳукми билан табиат майлин
Тутаган йўлининг йўловчилари -
Хижрон хилоли-ю, садоқат сайлин,
Хирожин ишқ билан тўловчилари -

Сурур ўғли насим нурдан йўл сўрар,
Масиҳ гул барғига қиларкан сажда
Сиз борар манзилнинг қалитин берар,
Тонг билан бир булбул кетпирган мужда...

* * *

Сароблар эрийди тегрангда,
Сахрога ботади қадаминг.
Куёшдан кўпчиган чехрангда,
Балқийди ишонган одаминг...

Кудуклар, дарёлар уфқдан,
Ишқ каби чорлаган рўёдир.
Саксовул - қадимий қўлзма -
Бўронни қўмсаган дунёдир.

Куёш-ку қумсоат, ишонгай,
Албатта тонг ўпар юзидан.

Ўрмонни титратган арслондай,
Шамол ҳам қайтмагай изидан.

Нилуфар орзусан, армонсан,
Тилинган жазава, нутқлар.
Адашган карвондай сарсонсан,
Пойингда қурғабган қудуклар...

Зарралар ўпқони ютади,
Уммонлар чашмаси кўзингни.
Саробни суймас қиз кутади,
Исмингни, жисмингни, ўзингни...

ДҶҲЁ

Тушларимга кирар адашган карвон,
Қаҳқаҳа отади қум барханлари.
Туялар тизидан кетгандир дармон,
Кудуклар тубида одам танлари...

Сахрои Кабирми ва ё Қорақум...
Фақат юлдузлардан йўл тилар сарбон.
Чўзилиб кетдику тахир тушларим...
Тўғри йўлни қачон топасан, карвон?..

...Тушларимга кирар...адашган карвон...

* * *

Куёш билан кетдинг уйинга
Соҳилларни ювар, тўлқин, сув.
Юлдузчалар тушар уйинга,
Титроқ окшом - исмсиз гулув.

Нурланган бу азалий чирой,
Ҳеч сизмагай эркинлигига.
Ишонтирмоқ бўлар ҳамон ой,
Сени севмоқ мумкинлигига...

* * *

Кўнглимга кўзгу - осмон,
Кашф этаман ўзимни.
Қасд қилади қаҳратон
Қор кўмади изимни...

Куёш ёруғ тантана,
Тун-оғир бўзлаганим.
Тонг билан кетгум яна,
Ўзимни излаганим...



Ашвар ЖАВЛОНОВ

ШОҲБЕКАТДАГИ ГАДОЙ

Ҳикоя


1

... Йўловчилар бир пасда ғойиб бўлишди-қолишди - бамисоли кумга сингган сув томчиларидай. Мурод перонда андак сerratийб тургач темир йўл вокзали майдончасининг нариги томонидаги “Шоҳбекат” ёзувига кўзи тушдию, шу томон юрди.

Тонг сахарлиги боисми, кўчаларда одамлар деярли учрамасди. Мурод кенитина йўлни кесиб ўтгач, маҳобатли шоҳбекат томон шошилмасдан кела бошлади.

- Садақа радди бало... Хайр қилинг, ўғлим...

Мурод сесканиб бошини ён томонга бурди. Шундоқ автобуслар тўхтайдиган майдончанинг бошланишида, бетон устунга суниб олган серямоқ эски чопон, кир-чир оёғига йиртиқ калиш илиб олган, шусиз ҳам кичик серажин юзини бетартиб ўсиб кетган пахмоқ соқоли муштдайгина қилиб кўрчатаётган гадоё қоп-қора, ингичка қўлларини чўзганча нола қилиб турарди.

“Шамдек эриб бораётган чол...” Бу ўхшатиш қайдан хаёлига келди - буни Муроднинг ўзи тушунмади. Аммо мажози кўнглига ўтиришдими, сал ўзига келди-да, энди гадоёга бемалол тикилди. У чап қўлини яланг асфальтга тираб, бутун оғирлигини шу тарафга ташлаб олган, афтидан бундай туриши ўзини янада афтодаҳол кўрсатишини савқи табиий ила ҳис қилса керакки, сира туришини ўзгартирмасди. Гадоё эски рўмолчага мана шундай эски ва ғижимланган уч, беш, ўн сўмликларни номига ўраб, устига тош бостириб қўйгандики, бу манзара нечукдир Муродга дўппайиб турган қабрни эслатди.

Мурод чўнтагидан иккита ўн сўмлик чиқариб, қарияга узатди. Пулни бениҳоя миннатдорчилик ила олаётганини билдириш учун қаддини сал эгган гадоё миннатдорчилигини сўзда ҳам билдириб қўйиш учун бошини кўтарганча қўлларини дуога очишга уриниш асносида Муроднинг юзига кўз ташладию, бақрайиб қотиб қолди. Муроднинг назарида чол кўрқиб ҳам кетди шекилли.

Чол дуо қилмади. Тўғрироғи, нимадир деб оғиз очмокка уринди, бироқ дуо ўрнига қандайдир узук-юлук товушлару чийиллашга ўхшаш бир нима эшитилди. “Бечора соқов ҳам шекилли...” деган фикр ўтди Муроднинг кўнглидан. Баайни шу фикрни тасдиқлагандай, гадоё шоша-пиша, ғижим-пулларни тушириб-сочиб, ундан баттар ваҳимага тушган аҳволда рўмолчасини қўйнига тикдию, шипиллаб бу ердан йўқолди. Фақат у бино ортига бурилаётган маҳал эҳтимол бехосдан, эҳтимол атайин

шу томонга бир кўз ташлаб олган эди, Мурод бу конталаш чағир кўзларда қандайдир бир таниш сиймони кўргандай бўлди. Ва ўшбу туйғу баробарида қалбга қандайдир нохушлик, алам оқиб киравердики, Мурод беихтиёр яна бир сесканиб кетди. Ҳа, бу одамнинг нимасидир таниш эди, аини пайтда ғира-шира қилқиётган хотирада недир бир ваҳм, кўрқинч бордай эдики, баайни юрак увишиб-увишиб ўшбу сирнинг сирлигича қолишини истаётгандай...

Мурод хомуш тортиб қолди. Сўнг оғир ўйлардан қутулмай бу кичкинагина шаҳарчани пиёда айланиб чиқмокка қарор қилди. Санаторияга ҳар икки соатда битта автобус жўнаши йўлланмада ёзиб қўйилганди, шу боис шошилмаса ҳам бўларди.

Уфқда қуёш юз кўрсата бориши асносида кўчаларда одамлар сони кўпая борди. Мурод бир чойхонага кириб, водийча мулозамат ила югуриб чиққан оқ яктакли, оппоқ соқолли нуроний отахоннинг қўлидан бир чойнак чой олиб ичди.

Мурод яна шаҳарча айланди. Аммо у ҳар қанча тиришмасин, бояғи гадоёнинг чағир кўзларини сира унутолмасди. Ҳа, шубҳасиз, таниш нигоҳ...

Мурод юриб-юриб яна шоҳбекатга келиб қолди. Сўнг азобаройи кизиқиши устун келиб эрталаб гадоё ўтирган жойга борди. Бироқ чол йўқ эди. Мурод эса бўшашиб атрофга аланглади ва эрталабдан буён тик оёқда юргани боисми, бекатнинг шундоқ ёнгинасида чойхонага бориб озрок хордиқ чиқармокка аҳд қилди.

Мурод каттагина толни айланиб ўтиб, энди чеккадаги сўри томон йўналган маҳал излаган одамни кўриб қолди. Гадоё чол сўри ёнида эглинкираб турар ва балиқ еяётган бир ўрта ёшлилардаги одамга мўлтираб қарарди. Мурод жойида таққа тўхтаб қолди.

Ниҳоят балиқхўр безор бўлди шекилли, майда нон бўлақларию балиқ қолдикларини хонтахтадан берирокка суриб гадоёга “ол” ишорасини қилди-да, чойнак жўмрагига битта эллик сўмликни кистиргач, фотиҳа қилиб ўрнидан турди. У пойабзалини кияётган маҳалдаёқ гадоё хонтахтадаги нарсаларга шиддат билан ташланиб, уларнинг ҳаммасини бир газетага шоша-шоша ўраб олди. Сўнг атрофга ўғринча аланлагача - афтидан, чойхоначи йигитдан чўчийди чоғи - чойнак жўмрагидаги пулни олди-да, унинг ўрнига учта эски уч сўмликни тикиб қўйди.

Ногаҳон Муроднинг миясига чақин ургандай бўлди. Ха, гадой ваҳима ичида уёқ-буёққа аланглаб, нарсаларни қўйнига тикаётган маҳал Мурод уни таниди. Бу ўша Хасан чавандоз эди...

Бошида чидаб бўлмас оғриқ турган Мурод қайтиб келиб, бекат ёнидаги ўриндикка ўзини ташлади-ю, беихтиёр инграб юборди.

Ха, у йиллаб кутган қасос дақиқалари етиб келганди. Етиб келганди у сон-саноксиз бор орзу қилгани, ҳаттоки қандай интиқом олишини-да қайта-қайта кўз олдига келиб лаззат туйган интиқом дақиқалари...

Муроднинг қўллари мушт бўлиб тугилди...

2

Форишлик Тангри полвонга худо бериб қолди - ён-атрофдаги жами кишлоқ-овулларнинг энг сулув кизи Хадичага уйланди. Эҳ-ҳе, тик қад, қайрилма кош, узун киприкли, сочи тақимига тушадиган бу тиниқ юзли қизнинг не-не харидорлари бор эди! Аммо мана шу қиз Тангри полвондан одамлар бориб туриб, она кўнглига қўл солиб кўриш учун қирганда аввалги сафарлардагидек изиллаб йиғламади, кип-қизарганча, ерга қараб тураверди. Она ичкаридан илжайиб чиқиб келди...

Не-не йигитлар аламидан сочларини юлиб қолаверишди, Тангри полвон Хадичани олиб кетаверди. Не-не бахтсиз харидорлар келин-куёв йўлини тўсмоқ бўлишди, не-не аламзадалар куёвнинг қорнига пичоқ санчмоқ бўлишди, не-не юраксиз йигитлар тоғдан тош юмалатиб қарвонни кунпаякун этмоқ бўлишди. Бироқ Тангри полвон кўкрагини кериб юрадиган йигитлардан эди, ҳатто ушбу режалар лоф-қофи билан айтилганда ҳам илжайиб тураверди, жуда ваҳима килаверишса, "Омон бўсак кўрамиз-да", деб қутулди.

Тангри полвон бежиз ўзига ишонмаган экан - тўй силликкина ўтди. Ҳатто кўнгилли кўриқчилардай кишлоқнинг у бошидан бу бошига бориб-келиб юрган оқсоқоллар ҳам мамнун бўлишиб, уй-уйларига тарқалишди.

Келин-куёвнинг чилласи чикдию, Тангри полвоннинг қатта опасининг етти яшар ўғилчаси Мурод тоғасининг уйида кун бўйи қолиб кетадиган бўлди. У янгасига гоҳ молхона тозалашга, гоҳ сигирларга сув беришга кўмаклашар, қўйиб берса ҳовлини чангитиб супуришдан ҳам тоймас, аммо келинчак ҳай-ҳайлаб унинг бундай қилишига йўл қўймас, чопқиллаб келиб супургини қайниси қўлидан олганча ундан юшоқ оҳангда ўпкалаб қўяр, умуман, кишлоқда ўсган эмасми, юмушнинг бари Хадичанинг ўзидан ортмасди. Мурод янгаси билан гаплашиб ўтиришни яхши кўрарди. Айниқса ҳар замон-ҳар замонда икковлон қолишган маҳал келинчак кўзларини юмиб олганча оҳиста хониш қилиб қолганда болакай жуда яйраб кетарди.

... Ўша йили киш оёғида Форишнинг ўзига тўқ одамларидан бири бўлган Шокир қассоб ўғлига қатта суннат тўйи қилди. Элчилик, узоқ-яқиндан оқиб келган

кўноқлар хеш-уруғларнинг ҳовлиларига бўлиб берилди. Тангри полвонга хотининг ҳамқишлоғи Хасан чавандоз меҳмон бўлиб келди. Тангри полвон битта ширбоз сўйди, отни олиб чиқиб яккамихга боғлади, негаки тўқ от кўп чополмайди, бунинг устига от якка миҳда кўп тезаклайди.

Чағир кўзини қадаб туравериши боисми, Муродга унчалик ёкмаган меҳмон яхшилаб ёнбошлаб олгандан кейин уй бекаси ҳар гал нарса олиб келганида сездириб-сездирмай унга суқданиб қараб-қараб қўяётганини илғаган Мурод уни баттар ёмон кўриб қолди. Полвон бўлса меҳмоннинг кўнглини олиш билан овора, дам ўтмай чиқиб отдан ҳам хабар олиб келади. Айниқса шундай пайтлари чавандоз қаддини ростлайди, маънодор томоқ қиради, бекани гапга солмоқчи бўлади. Аммо Хадича қандай тез қирган бўлса шундай тез чиқиб кетади, меҳмон ҳадидан ошаётганини сезгач эса остонадан туриб нарсаларни Муродга узатадиган бўлди. Шунда чавандоз болакайга ёмон ўкрайиб қаради...

Тангри полвон меҳмон билан бир хонада ётди. Негадир ранги ўчиб кетган Хадича Муродни хонасида олиб қолди.

Эртаси куни ширчайни Хадича шундай остонага қўйиб кетди. Тангри полвон ҳайрон бўлди, лекин индамасдан бориб олиб келди.

Полвон тўйда хизмат қилай деб сал олдинроқ кетди. Хадича Муродни ёнидан бир қадам жилдирмади. Меҳмон чой, сувми-айронми баҳона қилиб сўраганида Муродни зинғиллатди, ўзи хонага яқин келмади. Буни кўриб чавандоз баттар жиғибийрон бўлди, бир-икки марта ёмон сўкиниб қўйди. Шу алам таъсиридами, чавандоз улоққа кетаётди, ҳовлидан чиққан маҳал узангига оёқ тираб қаддини ростлади-да, девор оша дўқ қилди:

- Барибир меники бўласан. Ана ўшанда кунингни кўрсатаман...

Муродни пинжига олиб турган Хадича қалтираб кетди, бироқ миқ этиб овоз чиқармади. Фақат орадан бир оз ўтгач, рангига қон югуриб, ўзига келгандан сўнггина Муродни бағрига босиб қулоғига шивирлади:

- Бориб тоғангизга айтинг, бугун улоқ чопмай қўя қолсин...

Ўзига топшириқ берилганидан қувониб кетган Мурод тўйхонани айланиб ўтасола улоқ чопилаётган дала томон елди. Бироқ у етиб келганида улоқ аллақачон бошланганди.

Улоқда Қозоғистон, Тожикистондан келган таниқли чавандозлар ҳам бор эди. Бироқ улоқнинг ўзига яраша қонун-қондалари билан бир қаторда эл кўзидан яширинроқ қинғирликлари ҳам мавжуд. Бир жойдан келган чавандозларнинг бир-бирларини қўллашлари бошқа масала, бундан ташқари зўр келганда рақиб чаккасига қамчи дастаси билан урилади, учиб келаётган от йўлига бақувват от кўндаланг қўйилади, ичига туз солинган така, яъни улоқни эгарга боғлаб олиш мумкин...

Улоқ авжида эди. Дастлабки, ёш чавандозлар зот айириши тугаб, даврага энди тажрибали чавандозлар тушишганди. Солим ҳам аста-секин каттара бориб, ниҳоят бир ҳўкиз ва бир туяга етди. Ана шунда ўртага Тангри полвон ўз човқари билан кириб келди. Мурод узокдан кўриб қолди. Ҳасан чавандоз кўктарлони билан унинг орқасидан келаверди.

Мурод ховлиқиб кичкинарок тепаликчага кўтарилди.

Мана, улоқни Тангри полвон ердан даст кўтариб олиб, от бошини манзил томон бурди. Бироқ худди шу лаҳза унинг ёнида пайдо бўлиб қолган Ҳасан чавандоз човқар бошига камчи солди. От манзил бошқа ёқда қолиб, тоғ-тошлар томон елиб кетди. Ҳасаннинг кўктарлони чопқир отлардан экан, бир пасда човқарни қувиб етди. Қуюқчанг кўтарилган бўлса-да эл-райят Ҳасан чавандоз мушукдай ташланиб, Тангри полвоннинг чап оёғи билан қўшиб улоқни ўзи томон тортганини илғаб қолди. Иккала от қутургандай олдинга елиб борар, аллақачон текис йўл тугаб, тоғ-тошликлару чуқур жарлик бошланганди. Бир-бирига елимлаб ташлангандай учиб бораётган икки от энди жарлик бўйидаги кичик сўқмоқ йўлда эди...

Оломон оҳ тортиб юборди.

Ва худди шу лаҳзада, полвон оёғини улоқдан айириб олишга уринаётган маҳал, Ҳасан чавандоз кўктарлонни бош-кўзи аралаш аёвсиз камчи тушириб, жиловни ўнрокка тортди. Қутуриб кетган от ҳам ўзини ўнрокка олди ва Тангри полвон от-потчи билан жарликка учиб кетди...

Шу кунни Ҳасан чавандозни топиб бўлмади. У ерга синггандек ғойиб бўлди қолди...

Одамлар Ҳасан чавандоз нақ бир йил босим совчи кўйиб, Ҳадичага уйланомай юрганлигини ана шунда эслашди...

Чавандоз пайдо бўлди. Фақат орадан бир ойдан кўпроқ ўтиб. Полвоннинг қирқи ўтган эди. Айни ярим тунда эшик тарақлаб очилди. Мурод чўчиб уйғонди. Ёнида ухлаб ётган Ҳадича келинчак ҳам сакраб туриб кетдию, шоша-пиша фонус пилигини кўтарди. Остонада соқоллари ўсиб кетган, чағир кўзлари янада чакчайган Ҳасан чавандоз турарди.

Келинчак дод дейишга улуғролмади қолди. Икки сакрашда етиб келган чавандоз унинг оғзини ёпишга улгурди. Мурод дод солиб чавандозга ташланди. Ҳасан чавандоз чап қўлини кескин сирмади, боши билан деворга қелиб урилган Мурод бир неча дақиқа хуштини йўқотди.

Болакай ўзига келганида... У чопиб кўчага чикди, дод солиб, чинқириб кетаверди-кетаверди... Ахири ховлиққан, хайрон бўлган одамлар уни маҳкам ушлаб олишди. Лекин Мурод гапиролмас, нуқул хансираб Тангри полвон уйи томон ишора қиларди. Одамлар шу тарафга

чопишди.*

Аммо бу сафар ҳам Ҳасан чавандоз қочиб улгурганди. Тўшақда эса Ҳадича келинчак ер билан битта бўлиб ётарди...

Ҳасан чавандозни олти ойлардан кейин олис бир вилоятдан топишди. Эл-улус тошбўрон қилиб юборди деган хавотирда унинг суди ҳам ўша ёқларда бўлди. Тишини тишига босиб, Ҳасан чавандоздан ўч олиш режаларини қилиб юрган Мурод армонда қолаверди... Ўша кечадан буён нуқул алаҳлаб, тинмай йиғлайверадиган бўлиб қолган Ҳадичани аввал роса даволатиб кўришди, фойдаси бўлмагач Самарқанддаги рухий хасталар шифохонасига юборишди...

Мурод Ҳасан чавандозни унутолмади. Имкони бори-ча суриштириб юрди. Бироқ энг яқин қариндошлари ҳам ундан воз кечишганди. Шу сабабли у қамокдан чиққач Россиягами, водийгами кетиб қолганини айтишганида ўн еттига тўлган, келбаги Тангри полвонни эслатадиган Мурод кўп афсусланди, ҳатто ўша ёқларга-да бормоқ бўлди.

Хар гал, кишлоғига келганида, Тангри полвоннинг деворлари нураб, қулаб бораётган уйига кўзи тушаркан - икки ўлик чиққан уйни кишлокда ким ҳам макон қиларди?! - кўнглидаги қасос туйғулари қайтадан жунбушга келар ва Мурод беихтиёр кўлларини мушт қилиб тугарди...

3

Мана, келди ўшал дақиқалар... Эҳтимолки чавандоз ҳам уни Тангри полвонга сал-пал ўхшатгандирки, бақа бўлиб қотиб қолди...

Келди ўша дақиқалар...

Аммо... нечун кўнглида йўқ аввалги ўт, шиддат... Қайга кетди йиллар давомида чархланиб келган алам, нафрат...

Мурод узок ўтирди. Ахийри, сўнгги автобус жўнашига ярим соат қолганда бориб битта чипта олди-да, яна қайтиб чойхонага кирди.

Мурод янглишмаган экан: гадоӣ бир каттароқ пиёладаги чойга нон ивитиб, тишсиз лунжига кетма-кет тикиб ўтирарди...

Мурод анча вақт чолдан кўз узмай ўтирди. Ниҳоят гадоӣ навбатдаги миҳознинг қўлидаги новвотга суқланиб қараётган маҳал шошилмасдан бориб унинг олдига иккита эллик сўмлик ташлади-да, гадоӣ ўзига хайроналик аралаш қўрқув билан тикилиб қолганини кўргач секингина, бироқ чол эшитадиган тарзда дона-дона қилиб деди:

- Сени Тангри полвоннинг арвоҳи уриб кўйибди, Ҳасан чавандоз. Сени Ҳадича янгамнинг қарғиши уриб кўйибди, Ҳасан чавандоз. Сени худонинг ўзи уриб кўйибди, Ҳасан чавандоз. Шунинг ўзи етмайдими...

Мурод ўгирилиб, индамасдан ортига қайтди. Гадоӣ пулга қўл чўзган жойида қотиб қолди...

КУТИШНИ СЕВАМАН СЕНИ СЕВГАНДАЙ

Кейинги давр Хоразм адабий ҳаракатчилиги чинакам шеърятга етиб келгунча узоқ ва укубатли йўл босди. Бугун қад ростлаб энг нафис пардаларда наволар қилаётган истеъдодли шоирларимизнинг ҳар бири ана шу босиб ўтилган йўлнинг ўзига ҳос, мўътабар бир манзилдир. Ушалган орзуимиз, рўёбга чиққан умидимиздир.

Маҳмуд Ражаб - ана шулардан бири. "Ана шулардан бири" деган гап, шубҳасиз шоирнинг ўзига ҳослигига путур етказмайдиган бир тарзда англиши керак. Негаки, Маҳмуд Ражаб шеърятни мумтоз адабиётимиздан, шунингдек замондош устозларнинг баркамол асарларидан баракали баҳра олаётган бўлса-да, ёрқин бир бетак-рорлиқ касб этипти. Мейнинг бу фикримда муболаға йўқ. Одатда, бўрттирма фикрлар ҳолдан тойган ижодкорни тетиклаштириш учун айтилади. Маҳмуд Ражабнинг қалами эса қудратлидир. Бирок, мен шоирни хиҷолатга солиб бўлса-да, ўз фикримни баралла айтаётганимга боис шуки, Маҳмуд Ражабни англиши, ҳис қилиши зарур бўлган замон ҳолдан тойган, не бало бўлдики, чинакам адабиётдан, асл шеърятдан узоклашиб, сохтакорликнинг этагини тута бошлади. Фафлатдан уйғотиш учун унга ўз фарзандларининг фазилатларини, уларнинг соҳсоқоли оқаришини кутиб ўтирмасдан дарҳол айтадиган кунлар келди. Зеро шеърят ўзининг бунёд бўлиши учун қулай замон қутмайди. Фақатгина дориломон кунларда янграш учун у карнай-сурнай ёки ногора эмас.

Маҳмуд Ражабнинг шеърлари ҳар қандай шароитда ҳам маънавиятимизнинг оғирини енгил қиладиган, бефасл мўъжизалардир.

*Шеър дегани кўзгу демакдир,
Унга қиё боқинг...*

дейди юрагимизга теран нигоҳ ташлаб турган шоир. Бундай шеърятга фақатгина қиё боқиб қўйсақ, ношуқурлик бўлади.

Матназар АБДУЛҲАКИМ

ЧОРЛОВ

Кел, юрак - қасримнинг дарвозаларин
Очиб қутдим неча қутмаганларни.
Бунда эъозладим сен тугул ҳатто
Сенинг оёғингга етмаганларни.

Келавер, барибир асир этажак
Менинг сенга бўлган пок ихлосларим,
Бетиним, беҳато рақс этиб турган
Минг битта кишанли эҳтиросларим.

ЭЙ ТУЛ...

Эй гул, бугун тақдир сўровга тутди,
Сени биров узиб бировга тутди.

Омонат бахт бериб маст этдилару
Дўст никобин кийган бир ёвга тутди.

Нечун гўзалликнинг қисқа умрини
Тиканлар ичида гаровга тутди.

Юзларинг қип-қизил лов-лов ёнадир,
Ким сенинг юзингни оловга тутди?

Хазонга етишмоқ бахтига етмай,
Баҳор айёмида қировга тутди.

АЁЛТА

Жўн бир қудрат эғасиман мен,
Сен яраднинг мўъжиза бўлиб.
Мен ожизман паҳлавонликда,
Сен буюксан ожиза бўлиб.

ЁЛҒИЗЛИК

Умид барг ёзади, гулламас лекин,
Осмон гумбирлайди, ёмғир йўқ бирок,

Атрофда одам кўп, бунчалар, нечун
Топилмас на ғаним, на бирор ҳамроҳ.

ТУҒИЛМАТАН ШЕЪР

Шеър қаердан пайдо бўлади,
Қайда ҳозир туғилмаган шеър?
Сени кўп ўйладим - барибир шеър йўқ.
Ҳеч бир умид илинж бўлмаса
Шеър бўлолмас ширин хаёллар.

Ниҳоят сен "келаман" дегач
Ҳосил бўлди дилда ғалаён,
Кутаяпман интизор, лекин
Бу фурсат ҳам шеър туғилмади,
Чунки келмаслигинг ноаён.

Келмадинг тоқат тоқ, мен ёлғиз
Умидим риштаси узилган
Юракка сиғмаган силсила,
Қоғозга сачраган бир оғриқ —
Бу шеър.

Бошимда чарх урар бир сўз - "бораман!"
Қулоғимдан кетмас бир жаранг,
Вужудимда кезар бир титроқ —
Туғилмаган шеър.
Мен-ку келмасанг-да кутаман
Кутишни севаман сени севгандай.
Аммо келиб қолдинг дафъатан
Кутганимда кутилмагандай.
Мана энди мендаги титроқ
Кўлларимдан қўлингга кўчди.
Юрагимга сиға олмаган

Хаяжонга кўксингни тутдинг.
Эҳтирос лабимдан лабингга ўтиб
Вужудингга ёйилиб кетди.
Мана мен бахтиёр, хотиржам, бўм-бўш,
Энди-чи бу қоғоз бегона.
Кечир, қоғозгинам, оппоғим,
Ҳисларимни сенга қолдирмай
Олиб кетди ўшал шаддод қиз.
Гўзалим, сен шундай беадоғ, нафис
Рухим аллаловчи бир шеърятсан.
Бутун умрим бўйи, ҳаётим бўйи
Қоғоздан яшириб ўқийман сени.

* * *

Сени ҳеч ҳам хафа қилиб бўлмайди.
Мен эсам юпатгим келади сени.

Сенинг кўзинг ҳеч вақт ёшга тўлмайди,
Кўз ёшингни артгим келади сенинг.

Ахир қандайиндир бир илож топиб
Меҳримни кўргизгим келади сенга.

* * *

Суймаганга суйканганим йўқ,
Суймаганга меҳримни бердим.
Меҳрим бериб парварииш этган
Тиканларнинг гулларин тердим.

Садоқатнинг ҳосили ярим,
Барибир эққанам ўргайман.
Мен биламан гуллар туғагач
Фақат тиканларни тергайман.

Хикмат тўққиз-ўн ёшларга етган пайтлари кўча-кўйда қайси жувон рўпару келса уни маҳкам кучоқлаб олар, юз-кўзларидан чўлпиллатиб ўпар, айниқса, хомиладор аёллар бағрига босиб, узок кўйиб юборишмас, “Худойим сенга ўхшаш ўғил берсин” деб пичирлашар, орқасидан хавас билан кузатиб қолишарди.

Хикмат шунчалар ширинлиги, ёқимтойлиги устига ширали овозда ашула айта биларди. У болалигиданок дотор чертиб хониш қилар, чойхонаю тўйхоналарда доимо катта-кичик одамлар куршовида бўларди.

Хатто, Хикмат туфайли мактаб бадний хаваскорлик тўғараги райондаги кўрик-танловда биринчи ўринни олди. Кишлоқда тез-тез мактаб хаваскорлари концерт кўйиб берган кезлари одамлар тўкилиб ётган клуб биносини тўлдириб, ярим кечагача ўқувчиларнинг чиқишларини томоша қилардилар. Хикмат камида икки соат ашула айтар, чарчаш нималигини билмас эди. Айниқса у ашула айтиб, Оқ мачит маҳаллалик Баҳор деган қиз

кикири ҳам унутиларди. Бир-бирига сув сепишган, дарё кирғоғидан ҳар хил рангдаги тошларни теришган, қумдан келажакда яшайдиган уйларини ясашган, мактаб ховлисининг чеккасига илиб қўйилган темир жаранглаб дарсга кириш ё чиқиш ҳақида бонг урилганда ўрниларидан истар-истамас эринибгина туришар, қўл ушлашганча мактаб томонга келишарди. Мактабга яқинлашганча, аллақандай ички бир нарса уларни аранг ажратиб юборар, Баҳор мактабнинг катта эшигидан Хикмат эса мактаб ховлисидан ўтиб синф деразасидан сакраб тушарди.

Дарс тугаб, очиккан болалар уй-уйларига шошиб-пишиб югуришса, Хикмат Баҳорни Оқ мачитгача кузатиб борар. кўчадан ўтиб кетаётган айрим йигитлару, шўх жувонларнинг “Ха, Тохир-Зухролар” деб ҳазиллашишларига ҳам қарамай, гўё бу теварақда иккаласидан бўлак ҳеч ким йўқдай парво қилишмас эди. Баъзан Хикмат Баҳорнинг ҳам дафтархалтасини кўтариб олар, қиз

ЛОЛАҚИЗГАЛДОҚ

ўйинга тушганда зал қалқиб кетарди. Атлас кўйлак, лозим кийган, сахнада худди лолақизгалдоқдай майин тебраниб, Хикмат овозининг тўлқинларига шўнғиб-шўнғиб рақсга тушаётган қизнинг ҳаракатлари залдаги ота-оналарнинг хавасини кўзғар, ахён-ахёнда “Баракалла!”, “Барақа топ, қизим”, деган хитоблар янгарди.

Еттинчи синфни битирувчиларга атаб катта концерт берилаётган эди. Терлаб-пишиб кетган Хикмат сахна орқасида ҳали нафасини рослаб улгурмасданок югуриб келган Баҳор мусика раҳбарининг бақрайиб туришига ҳам қарамай, бўйнидан каттик кучоқлаб, юзидан шартта ўпиб олди. Хикмат ниҳол вужудда пайдо бўлган аллақандай бир титроқ аралаш Баҳорга тикилди. Саҳнани ҳам, зал ичидаги одамларни ҳам унутиб кўйди. Қизнинг қўлини маҳкам ушлаганча сахна, орқасидаги зинадан уни тортқилаб ташқарига отилди. Иккаласи худди биров куваётгандай чопқиллашиб, қоронгу кишлоқ кўчаларида ғойиб бўлишди.

Концерт ҳамон давом этар, мусиқа раҳбари навбатни бошқаларга бермоқчи бўлганда залнинг ичи гуриллаб Хикматни яна сахнага таклиф қилишарди. Саҳнада, залда, ташқарида “Хикмат!” “Хикмат” деган чақириклар бир-бирига уланиб турганда Хикмат билан Баҳор аллақачон қолхоз молхонаси ёнидаги пичан ғарамининг бурчида бир-бирининг пинжига кириб ўтиришарди.

Баҳор ва Хикматнинг ёши ҳам, бўй-басти ҳам тенг. Улар энди ўн тўртдан ўн бешга қадам кўйишган, бир синфда ўқиб келишарди. Кўпинча ўқитувчи дарс бераётган “Хикмат, мен кимга гапираяман” деб уни тартибга чақирса, бошқа ўқитувчи “Баҳор! Хаёлинг қаёқда? Қани, мен нима ҳақда гапирдим, айтиб бер-чи” деб қоларди. Шунда Баҳор довлдираб, шартта ўрнидан туриб синфдан чиқиб кетар, ўқитувчининг “Хай, хай!”нга қарамай унинг кетидан Хикмат ҳам югуриб қоларди.

Улар дарё бўйидаги тошқоқда учрашишар, дарс ҳам, ўқитувчиларнинг танбеҳи ҳам, болаларнинг қикир-

бўлса унга нималарнидир сўйлаб, қикир-қикир қулиб борарди.

Кишлоқнинг шўх йигитлари шарбати томчиланган шафтолидай етилиб келаётган Баҳорга гап отиб қолса, Хикматнинг эти жимирлашиб, қовоғини уйиб олар, йигитларга кучи етмаслигидан эзилиб-эзилиб кетар, фақатгина Баҳорнинг шилқимларга қарата “Йўқолларинг, туркнинг курсин” қабилидаги сўзларидан кейингина анча енгил тортиб беҳавотир йўлини давом эттирарди.

Баҳор яшайдиган кўча, ундаги пасту баланд дарахтлар, тошу ариқлар Хикматга ёд бўлиб кетган. У Баҳор уйига кириб кетгунча рўпарасидаги мажнунтол панасида қараб турарди. Дарвозагача кузатгиси, ҳар куни Баҳор очиб-ёладиган эшикни у ҳам ушлагиси келардию қизнинг онасидан кўра акасидан кўрқарди. Баҳорнинг онаси уни қаерда учратиб қолса “Вой, бўйларингга қокиндик, яхши юрибсанми Хикматжон” деб қўярди.


Бир куни Баҳорни кузатиб келиб, мажнунтол тагида узок қолиб кетди. Ҳеч орқасига қайтгиси келмас, мажнунтол соясида “Ўтган кунлар”ни ўқиб ўтирарди. Ердан чиқдимми, осмондан тушдимми Баҳорнинг акаси Хикматнинг нақ теласида пайдо бўлди.

- Хей, менга қара, уйинг қаерда сани, агар иккинчи шу ерда кўрсам, биласанми, нима қиламан? - ўдағайлади у.

Хикмат нидамай ўрнидан туриб кетмоқчи эди, Баҳорнинг акаси унинг қўлидан “Ўтган кунлар”ни тортиб олди-да “Жўна тезроқ, бошқа кўзимга кўринма!” деди.

Эртаси куни Баҳор уйда бўлган гапни айтиб берди. Акаси онасига нималарнидир каттик-каттик гапирган эмиш, “Буни тийиб қўйинг, бизни шарманда қилмасин” деб ховлини гир айлантриб Баҳорни қувибди. “Агар сани Хикмат билан яна гаплашиб турганингни кўрсам-ўлдирмаман”, - деб бақирди.

Мактабда ҳам аҳвол ўзгариб қолди. Ким биледи, ким нима деган, синф раҳбари Хикмат билан Баҳорни бошқа-бошқа партага ўтказиб юборди. Баҳор қовоғини



осилтириб, оксокланиб юрадиган киз ёнига, Ҳикмат эса биринчи қаторга ўтди. Баҳорнинг икки кўзи олдиндаги Ҳикматда, Ҳикматнинг ҳа, деб орқасига ўгирилаберишидан бўйнилари оғриб кетарди. Фақат кўнғироқ чалинганча, бир-биринининг ёнида пайдо бўлиб қолар, ҳамма болалар мактаб ховлисида елиб-югуришса, булар иштиёқ билан суҳбатлашиб қолишарди. Уларнинг гапи тугаш ўрнига кун сайин кўпайиб, кўнглини тўкишга вақт ҳам, имкон ҳам етишмай борарди. Ҳикмат қачон дарс тайёрлаш учун китоб-дафтарларини қўлига олса, варақлар қатида худди Баҳор қулиб тургандай, унга бир нималар дезётгандай бўларди. У аввал дафтарларининг муқовасига, кейин ичига Баҳорнинг ҳаёлий расмларини ишлай бошлади. Бора-бора дафтарлар дарс вазифалари билан эмас, Баҳорнинг турли ҳолатдаги суратлари билан тўлди. Биттасида Баҳор унга эркаланиб тургандай, иккинчисида унинг гапларидан қикирлаб кулаётгандай, яна бошқасида ўпқаланиб ковоғини уюб олгандай. Ҳикматнинг ҳамма дафтарлари қатига катта-катта ҳарфлар билан “Баҳор” деб ёзиб қўйилган эди.

Ҳикмат расмлардаги Баҳорга қанчалик кўнглини тўкмасин, барибир ичига чироқ ёқса ҳам ёришмай, гашиккама, ўксинишгами, ишкилиб, одамни эзадиган кайфиятга кириб борарди. У тезроқ тонг отишини кутар, ҳаммадан бурун мактабга боргиси келарди.

Бирдан ҳаёлини бир фикр эгаллади. Катак дафтарнинг ўртасидан икки варағини чиқариб бир четига Баҳорнинг расмини ишлади, иккинчи бетидан “Баҳоржон!” деб хат бошлади. У кўкрагини кўрпачага бериб хатни узок ёзди. Қайта-қайта ўқиди. Кўнгли жойига тушди. Дафтардан яна икки варақ чиқариб ичига хатни жойлади-да, ён кўшни ўртоғи Холматдан уни Баҳорга олиб бориб беришни илтимос қилди. Эртаси кунни Ҳикмат хатни мактаб директори қўлида кўриб эсанкираб қолди. Мактаб директори Ҳикмат билан Баҳорни кабинетга чақириб роса тузлади.

- Бу қанақа одобсизлик, муштдай бола нималар деб алжирагансан, - деди директор ва хатга кўз кирини ташлаб ўқий бошлади: - “Сендан бўлакни десам ўртага қилич қўйиб ётаман...”, уялмайсанми шу гапларни ёзгани, буни қаердан олдинг?

- “Тоҳир ва Зухра” дostonидан, - Ҳикматнинг ўрнига жавоб берди Баҳор.

- Сендан сўраётганим йўқ, - ўшқирди директор Баҳорга ўгирилиб, - сен билан алоҳида гаплашаман, уятсиз, намуноча жилпанглаб қолдинг! Бу қулоқларинг билан ҳам, у қулоқларинг билан яхшилаб эшитиб оларинг, эртадан бошлаб Ҳикмат “А” синфда, сен “Б” синфда ўқийсанлар. Агар яна бир марта шунақа беодоблик қилсаларинг мактабдан ҳайдаб юбораман. Кўрмайин сенларни бирга юрганларингни. Тушундиларингни? Э, Тоҳир-Зухра бўлган сенлардан ўргилдим...

Ҳамма бало Холматдан чиққан эди. У хатни ўқигач, ўзи ҳам Баҳорга сўйқаланиб юргани учун бир сенларни шарманда қилай деб, тўппа-тўғри директорга олиб бориб берган эди. “Тоҳир-Зухра” деган гапни ҳам мактабда шу тарқатган.

Энди Ҳикмат билан Баҳор ҳаммининг олдида бир-бирига яқинлаша олмас, фақат узокдан туриб мунгли қараб қўйишарди. Тасодифан дуч келиб қолишса, Ҳикмат нима қиларини билмай ўзини йўқотиб қўядиган, Баҳор эса лолақизғалдоқдай кизариб кетадиган бўлди.

Шундай кунлардан бирида Баҳор “Эртага Пўстинли

бува боғига чикмайимизми”, деб қолди. Ҳикматнинг юраги ёрилиб кетгудай энтиқди. Баҳор билан учрашининг бунақа осон йўли борлигидан қувониб кетди. “Пўстинли бувадаги жийда олдида учрашамиз” деди атрофига аланглаб.

Ҳикмат Пўстинли бувага етиб чикқанда қуёш кўтарилмаган эди. Роса кутди. Баҳордан дарак йўқ. Аллақачон икки киши кўтариб кетадиган ўтин тайёрлаб бўлди. Икки кўзи йўлда, қияликда ҳеч ким кўринмайди.

Ҳикмат бир қўйин ёнғоқ чинак қилиб келди-да чақа бошлади. Бўлик-бўлик ёнғоқ мағзини дўпписига йиғди. Қорни таталай бошласа-да мағзини Баҳорга илинди. Шу пайт қияликда атлас қўйлаги хилпираб, кўм-кўк майсалар ичида очилган лолақизғалдоқдай Баҳор кўринди. Баҳор Ҳикматга, Ҳикмат эса Баҳорга қараб чоңди. Ўртадаги сойга қайси бири биринчи тушди, ҳансираган икки вужуд яқинлашганда қай бири аввал қўлини чўзди - худо билади. Бир-бирига интилиб, бир вужудга айланган ҳолда узок ёпишиб қолишди...

Кечгача Пўстинли бувада қолиб кетишди. Баҳор эрталабдан бери иш буюравериб уни кўздан қочирмаган онасини қандай қилиб алдаб чиққани, кечиккан сари онаси айтган ишларни пала-партиш бажариб, онаси аммасининг олдида кетганидан кейингина учиб йўлга чиққанини гапирган сари Ҳикматнинг кўзлари чакнаб кетар, Баҳорнинг бидир-бидир гапиришидан, йилтираган лабларидан кўзини узмас, ўзи ҳам нималарнидир гапиргиси, Баҳорга ёқадиган гап айтгиси келардию ҳеч тили айланмас эди. Кўзлари қанчалик ўйнаса, тили шунчалик қотиб борарди, худди ичига ёнаётган оташ унинг томоғини, лабларини қуритиб юбораётгандай бўларди.

Кун ботгунча иккаласининг роса бити тўқилди, улар гаплашмаган гап, ўйнамаган ўйин қолмади. Ҳикмат еттинчи синфни тамомлаб, Тошкентга ўқишга кетадиган, Баҳор бўлса уни кутадиган бўлди.

Кишлоққа қайтиш пайтида Баҳор дабдурустдан “Энди хайрлашамиз” деб қолди. Ҳикмат “хайрлашиш” Баҳорни қучоқлаб, бағрига маҳкам босиб, сўнгра қўйиб юбориш деб ўйлаган шекилли, у қўлларини Баҳорнинг елкаларидан тушираётганда “Сен ҳам кинолардагидай ўпишини биласанми?” деди Баҳор. Ҳикмат лавлагидай кизариб кетди...

Ҳикматларнинг ўйи шундоқ қичкина жар ёқасида. Жар бўйидаги қамишзор ичидан булоқ чиққан. Булоқда доимо битта челақ туради. Сув керак бўлса Ҳикмат ё онаси челақни алмаштириб кетади. Ҳикмат сувга тўлиб турган челаққа энди қўл узатганда кимдир “Ҳикмат”, “Ҳикмат” деб кўрка-писа чақирди. У қамишини қўли билан суриб кўча томонга бўйин чўзган эди, гира-ширада лолодай очилган қизил рўмонга кўзи тушди. Қамиш орасидаги кўра четиде Баҳор уни қўли билан чақириб турарди. Ҳикмат челақни ўчоқбошидаги онасининг олдида қўйди-да, югурганча кўчага чиқиб кетди.

Улар овлоқ жой қидириб тўқайдаги Полвонтошга боришди. Кун бўйи илиган каттақон тош панасида ўтириб, шовуллаб оқаётган дарё шабадаси этни жунжитадиган паллагача ой ёруғида роса бир-бирига тўйишди.

- Сани роса кўргим келди-да, - гап бошлади Баҳор бармоғига ўралган дастрўмолини ечар экан, - онамлар сабзи тўғра, деб қолдилар. Ҳеч тўғрагим келмади, баҳона изладим, пичоқни сабзи тахтага тақ-тақ уриб турдим-да “вой, вой, қўлимни қирқиб олдим, дўхтирга кўрсатиб келай” деб дастрўмолим билан бошбармоғимни ўраб

сизларникига югурдим.

Шунда Ҳикмат билан Баҳор ярим кечагача сутдек ойдинда Полвонтош биқинида ўтиришган эди...

... Бугун ҳам концерт тугамасдан клубдан кочиб кетиш, Аркитсойдаги гарам ичида бир-бирига лой-сомондек ёпишиб ўтириши болаликдан кўра балоғат нишонаси эканини иккаласи ҳам тушунишмас эди.

Бу ойдин кеча уларнинг сўнгги ёруғ кунлари эканини, кўп вақт ўтмай ораларини қоронгу тун пардалари ўраб, бир-бирларини чироқ ёқса ҳам кўра олмасликларини Баҳор ҳис-қилдими, ўпкаси тўлиб гап бошлади:

- Ҳикмат, шаҳарга ўқишга кетсанг, мани ҳам олиб кет, - деди у эркаланиб.

- Жиннимисан, қаерга олиб кетаман, турадиган жойим йўқ-ку.

- Кўнглинг кенг бўлса битта одам сиғадиган жойга иккинчиси ҳам сиғиб кетади, - ўпқаланди Баҳор.

- Мани қаерда яшашим ҳали маълум эмас, амакиларимникига сиғаманми, йўқми, Тошкент сенга кишлоқ эмас, - жавоб қилди Ҳикмат. - Ўнинчини битириб олай, сан шохмай тур, кейин мен университетга кираман, сен техникумга, тушундингми?

- Мени ҳам ўқигим келади, - деди Баҳор кўзларида ёш йилтираб, - бирга ўқиймиз, бирга турамиз... Агар олиб кетмасанг, хафа бўламан...

Ҳикмат ростакан пиқиллай бошлаган Баҳорни бағрига босиб юпатмоқчи бўлганди ғалати бир нарсани ҳис қилди. Баҳорнинг яқиндагина суяклари ботадиган елкаси, кўкракларига эт битгандай катталаниб, уни кўчаларда кучоклаб турадиган келинчақлар кўксини эслатиб юборди. Баҳорнинг хансираши, дуркун баданининг гоҳ таранглашиб, гоҳ кўпчиган хамирдай бўшашиб қолиши Ҳикматни ҳатто кўркитиб юборди.

- Тур, энди кетамиз, - деди у Баҳорни кўлидан тортиб, Баҳор худди ўйинқароқ боласига илжайиб қараган оналардай Ҳикматга ғалати бир назар ташлади-да "Ҳа, майли, кетамиз, яна бизни жин чалиб кетмасин, лекин эсингдан чиқмасин, энди кўриша олмасак, хайр, лекин сени кутаман, жуда кутаман", - деди хўрсиниб.

... Концертдан кейин Ҳикмат бир ҳафта ўтар-ўтмас шаҳарга жўнаб кетди. Аввал амакилари, кейин бегона кишилар уйда юриб ўнинчи синфни тамомлади.

Ҳаш-паш дегунча орадан уч йил ўтиб кетди. У кишлоққа жуда кам чиқадиган, шаҳар мактабидан ўқиш оғирлигидан уззукун дарс тайёрлаш билан овора, кишлоқни ҳам, Баҳорни ҳам унутгандай бўлди. У университетга кириб олгандан кейингина кишлоққа тез-тез бориш, онасидан хабар олиш эсига туша бошлади. Ҳикмат пахтага жўнашдан олдин иссиқ кийимларини олиб келиш учун кишлоққа отланди...

* * *

... Кудза Хумсон кишлоғининг катта-кичик аҳолиси чумолидай тоққа ўрмалаб қолади. Ким Боймишат бува томондан дўлана ташиса, кимдир Мускарардан ўтин олиб келади, кимдир Кўрғонтошда олча қоқи терса, кимдир Думбада ёнғоқ қоқади. Шу йили Баҳор ҳам Пўстинли бува боғига ёнғоқ чинакка чикди. У бир пайтлар Пўстинли бува боғида лолакизғалдоқдай яшнаб, очилиб-сочилиб Ҳикмат билан ширин-ширин орзулар қанотида қапалакдай енгил учган бўлса, бу гал илон чаккан одамдай тўлғаниб-тўлғаниб уйига қайтди...

Баҳор терган ёнғоқларини жийда тагига тўкди. Жийда соясида Ҳикмат билан ўтказган пайтларини эслади. Нечундир жийда тагидан тезда туриб кетгиси келмади. Ёнғоқларни саралаб-саралаб ажратди. Бир томонга йилтираган луччакларини йиғиб "Булар сен учун" деди кўз ўнгига Ҳикматни келтириб, бошқа томонга куя тушган ёнғоқларни тўшлаб "Булар мен учун, юрак-бағри куйган мен учун" деди пичирлаб.

Куя тушган ёнғоқларни уйда чакса ҳам бўларди. Одатда онаси куя ёнғоқдан чиққан мағизни ҳовончада туюб нон юзига сепарди. Ёнғоқ мағизли нонни Ҳикмат ҳам яхши кўрар, Баҳор дафтархалтачаси ичида кўпинча Ҳикматга атаб ўзи ясаган шунақа кулчалардан олиб келарди. Баҳор куя тушган ёнғоқларни тош устида чақиб анчагина мағиз йиғди. Фўридан ажратган ёнғоқларни қопга солар экан, қафларининг ичи қорайиб кетганини кўриб "Сенга атаб қўлларимга хино кўйдим, кўзларимга суртма суртдим, Ҳикматжон!" деди овозини чўзиб, ашулага ўхшатиб.

У чалқанча ётиб жийда шохларининг уч-учида йилтираган яккам-дуккам жийдаларга суқи тушгандай термулиб қолди. Ёнғоқ билан жийдани кўшиб еса шунақа мазали бўладик... Баҳор кўзини юмиб лаззатли бир тамшанаётган пайтда бир нима бургутдай учиб келиб уни маҳкам кучоклаганча босиб олди. У кишлоқдаги энг келишган, доимо пўрим кийиниб, юзидан тиржайиш аримайдиган сартарош Тошмурод эди.

- Кўйворинг, - деди Баҳор алланечук кўркүв ва ҳаяжон аралаш, - кўйворинг, Тошмурод ака, биров кўриб қолади.

Тошмурод жавоб ўрнига қизни қайноқ бўсаларга кўмиб ташлади. Баҳор, негадир, қаршиликлари оловга тушган ёғдай эриб бораётганини сезди. Охири, ногоҳ, кўз олдида Ҳикмат пайдо бўлдию, умрида илк бор "Ҳикмат ака" деганча, беихтиёр, Тошмуроднинг бўйиндан маҳкам кучоклаб олди...

* * *

Ҳикмат энди кун ботиб, Думба, Юқори Кўрғон қирларига оқшом пардалари аста ёпилаётган, аёллар сизир, эчкиларини соғиб, овқатга унайидиган бир паллада Полвонтошга яқинлашиб қолди. Полвонтошдан настрокда Угам дарёси анча саёзланиб оқар, ёзда кишлоқ болалари Даладан ташийдиган мева-чеваларни дарё кечиб бемалол олиб ўтишарди.

Ҳикматнинг қулоғига нариги қирғоқдан болаларнинг чувиллаган товуши эштилди. У Полвонтош ёнига ўтиб қараса дарё четида уч-тўртта катта-кичик болалар кич-кирганича у ёқдан бу ёққа чопишарди. Дарёда нимадир оқиб келарди. Ҳикмат аввал кўйми, эчкими деган ҳаёлга борди. Ёш болалар дарёда оқаётган нарсасига сув кечиб тушишга ботина олмай, тошдан тошга сакраб бараварига бақиршарди. Ҳикмат дарёда мол эмас, одам оқиб келаётганини кўриб кийим-боши билан ўзини сувга урди. У суви бел баравар камайиб қолган дарё остидagi тошларга сирғаниб-сирғаниб оқиб келаётган атлас кўйлакли аёлни сочларидан ушлаб четга тортди. Ҳикмат сув ичидан қирғоққа судраб чиқарган аёлни майда тошлар устига ётқизиб қоп-қора сочлари ўраб олган юзини очиб қараганда эси тесқари бўлиб кетди.

У сувдан олиб чиққан ўлик - Баҳор эди.

Сафар ОЛЛОЁР



2

Сўқмоқли йўллар -
Тоғ қобирғаси,
Кезган зўр бўлар.

Сўқмоқли йўллар...
Сирли ҳаммаси,
Сезган зўр бўлар.

Сўқмоқли йўллар...
Семизми асли,
Озган зўр бўлар.

Сўқмоқли йўллар -
Чўкки зинаси,
Безган кўр бўлар!..



ҚАЛБ-ЛОЛА

1

Ер эдим,
бахорнинг ёмғири сингди,
Хис этиб оҳиста уйғонди қалбим.
Демакки, аёзу қаҳратон тинди,
Мисолу лоладек ҳайрат ила жим -
Қимтиниб-қимтиниб
куёшга қараб
Оламга бўй чўзди...
Бирок,
Шу лаҳза
Оғзидан ўт пурқаб, тишини қайраб
Гўзаллик доясин тўсди булутлар -
Тоғдаги лоладек очилмади қалб...

Аввал дамлар ўтди,
сўнг кунлар ўтди.
Қалб ҳануз лоладек ёмғирда ивиб,
Шалвираб, қалтираб офтобни кутди.
Ниҳоят булутлар бир-бирин қувиб
Номаълум манзилга бенаф, бемаслак
Шошила-шошила тарқалди ҳар ён -
Яшариб, ҳам яшнаб кетди тунд фалак!
Қалбга эса офтоб бўлди намоён -
Лоладек лаб очди,
ёпилмади қалб!

РИШТА

Топишганди диллар бир-бирин
Ўзи янглиғ оддий маконда.
Сўнг англашди қисматлар сирин -
Бу асрор йўк эди имконда.



Тоқат билмас беаёв йиллар
Варақлади умр дафтарин.
Бир риштага боғланиб диллар,
Зор қакшатди ҳисларнинг барин...

Вакт сингари ҳислар ҳам окди,
Фақат ришта чидам истади.
Икки дилни бир туйғу ёкди -
Ҳеч бирини ташлаб кетмади.

Сабрдан ҳам чидамли ришта
Шу туйғунинг қўллари эди.
Оллоҳ сени синади, ришта,
Нурли бўлар йўлларнинг энди!



Олим ОЛТИНБЕК

КАМИЙ ОҚ ПОДШОНИНГ МАДДОҲИ ЭДИМИ?

Тарихнинг қизик ўйинини кўринг: 1917 йил феврал. Чор ҳукумати ағдарилди. Бу мустамлака халқларда хуррият умидини уйғотди. Камий: “Тулуь айлаб бу кун бўрк Шарқдин офтобосо, Мунаввар айлади олам, бўлай қурбони хуррият”, - деб, кўтаринки руҳда уни қарши олди. Шу йилнинг 25 санасида машҳур ва машғум октябр тўнтариши юз берди. Шоир бу инқилобий замон ва “аҳли замон”дан “кўп ранжу зулм бирла малол” чекканидан шижоат қилди. Бу инқилобнинг “ҳол-беҳол” - зўрма-зўракилигини таъкидлади. У келиб, “олийни пастлар помол” (оёқ ости) этганлигини, зоти яхши, асл инсонлар чеккада қолиб, зоти бузук ва разиллар амалга ўтирганлигини алоҳида қайд этди. Орадан кўп ўтмай Кўкон мухторияти тузилди. Ўрис мустамлакаси бешитаги туркий халқларнинг ягона давлат қурилмаси бешитаёқ қонга ботирилди. Камий “Афсуснома” шеърида бундан қаттиқ надомат чекди. Болшевикларнинг зolimлиги ва бадфеъллигига қарши ўзининг ғазабини эълон қилди. Бахтига қарши, мустабид болшевиклар тузуми қад тиклади. Ўзининг ғайримиллий ва ғайринисоний мафкурасини яратди. Ва айнан шу шеърлари учун бу мафкура Камий шахси ва унинг ижодини балчиққа булади. Шоирни “контрреволюцион”дан олиб, “миллатчи жаҳид”га, “ватан хоини”ю “халқ душмани”дан олиб, “соқкин”га чиқарди. Бу билан шоир ижодини халқдан узок тутди. Унинг ҳақлигидан ўзининг сири фош бўлишидан кўрқди. Миллатнинг уйғойишидан ўтган чўчигандай чўчиди. Лекин у тузум тўзиди. Ха, тарихнинг ўйинини кўринг... У пайтларда Камий юзида доғ бўлиб кўринган бу шеърлар бугун миллати олдида унинг юзини ёруғ қилди. Бундан маълум бўладики, **миллат манфаатини Ҳақ йўлида айтилган ҳар бир сўз миллат яшар экан-яшайди, Ҳақ бор экан - қўним топади.**

Лекин Қаришбек Камий ижодида шундай шеърлар борки, улар шўро даврида шоирни қоралашга восита бўлган бўлса, бугун миллатпарвар бир шоир номига номуносиб кўринади. Булар Александр III, Столипинларнинг вафоти, Николай II нинг фарзанд кўриши муносабати билан ёзилган шеърлардир. Айниқса, Камийнинг Александр III вафотига ёзган тарих-марсияси шўро адабиётшунослиги томонидан “оқ подшонинг мадҳи” деб баҳоланди ва шоир ижодига қора қизик тортишга бир сабаб бўлди. Хўш, аслида-чи? **Биринчидан**, Камий бу марсияни ўз қалби амри билан ёзмаган эди. Собиқ Қўлёзмалар институтига тегишли 209-рақамли мажмуада Камийнинг қоралама нусхадаги баъзи шеърлари сақланган. Мажмуанинг тўртинчи варағида Оқ подшо (Николай II)нинг фарзанд кўриши муносабати билан ёзилган шеърга дуч келамиз. Варақнинг орқа бетида эса, мазкур шеър “Никўлай Ўстроумов фармойишлари” билан ёзилгани Камийнинг ўз дастхатида қайд этилган. Шунга асосан бемалол айтиш мумкинки, юқорида саналган ҳар учала шеър ҳам “Туркистон вилоятининг газети” учун унинг муҳаррири Н. Остроумов томонидан буюртма берилган эди. (Камий уни ҳатто “фармойиш” деб атайти). Иккинчидан, Камий ўзининг биринчи баёзида таърих-марсия жанридаги шеърига жой ажратгани ҳолда, 1902 йилги баёзига Александр III вафотига ёзган марсиясини киритмайди. Масала равшан. Бу - шоирнинг мазкур мар-

сияни ўзининг ижод намуналари каторида санамаганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, мазкур “шеър”лар шоирнинг қўл учиди ёзилган эди. Фикримизни уларнинг бадий даражаси ҳам тасдиқлаб турибди. Демак, шундай экан, бу “шеър”ларни Камий ижодининг эътиборга лойиқ бир қирраси деб ҳам бўлмайти. **Учинчидан**, марсиянинг тағмазмунига эътибор берсак, шўро адабиётшунослиги даъво қилганидек “оқ подшонинг мадҳи” эмас, бутунлай тесқари ҳолатнинг гувоҳи бўламиз. Келинг, матнга диққатни қаратайлик:

Тааммул бирла боксоқ, дарҳақиқат,
Кани Искандар Доро била Жам?
Кани Кайхисрав, Кайковусу Браҳман,
Кани Афросиёбу Золу Рустам?
Кани Баҳром - ҳафт иқлимини олғон,
Кани Қайсар, қани Фағфури Чин ҳам?
Кани Хисрав, қани Парвизу Хурмиз,
Кани Нўширавони Одил, муқаррам?
Келиб ҳар бирлари навбат-банавбат,
Муаххар кетти, баъзиси муқаддам.
Билурмиз қаён борди бу бари,
Бўлинг огоҳ, эй авлоди Одам.
Ажал соқийсидин нўш айладилар,
Фанонинг шарбатин бари, ба ҳар дам.
Жоҳонни сар-басар тасхир айлаб,
Александр Александрович ҳам.

Демак, Камий айтмоқчи, тарихда дунёни сўраганлар кўп эди. Уларнинг бари кетди. Қай бири олдин, қай бири кейин, барибир “ажал соқийси”нинг шарбатидан “нўш айладилар”. Худди шунингдек, “Александр Александрович ҳам”. Демак, бу бевафо дунёдан кетишга барча маҳкум. Камий айтмоқчи: “Бале, холи хама шундоғ бўлғай, Агар шоҳу ва гар бўлғай гадо ҳам”. Унда шоҳликдан нима маъни? Бугун дунёни забт этса-ю, бу дунёдаги барча “молу дирхам”ларни тўплаб, уларнинг манфаати тегмайдиган бошқа бир дунёга кетаверса. Ундан нима қолади? Камий бунга: “Ва лекин қолғуси бир номи неку” - дейди. Демак, фақат яхши номгина қолиши мумкин. Шоир бунинг исботи сифатида: “Гувоҳи одил эрмасму бу сўзга, Бири Нўширавону бири Хотам” - деб, Нуширавоннинг одиллигинию, Хотамнинг саҳоватпешалигини ибрат қилиб кўрсатади:

Керак эркан тариқи адл тутмак,
Олиб ибрат қарам-ла шоҳи олам.

Шоир “керак эркан” деб, поэтик синтаксисда ўтган замон формасини танлади. Чунки бунинг дунёдан ўтган Александрга айтаётган эди. Камий давом эттириб:

Каю шах бу сифатга муттасиф йўк,
Эшитгай то қиёмат таън ила зам, -

дейди. Дарҳақиқат, қайси шоҳ одиллик сифати билан сифатланмаган бўлса, у қиёматга қадар таънаю дашномга қолади. Умуман шундай. Лекин бу сўзлар Александр III га қарата айтиляпти. Устига-устак бу марсия Шарқ

шеърятининг поэтик усулларидан анча-мунча хабардор бўлган Н. Остроумовнинг газетаси учун ёзилган. Мана шу ҳолатда Камийнинг ўрис подшосининг золимлигию адолатсизлигини бундан-да ошкорроқ суратда айтиши мушкул эди. Айнан шунинг учун ҳам шоир ўз муносабатини ниқоблаб берди. Шўро адабиётшунослигининг нигоҳи эса, унинг ниқобинигина кўрди, холос.

Тўртинчидан. Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида 4182 рақамли кўлёзма сақланади. Унга Камийнинг “Алҳазар, эй шоҳи золим, алҳазар” деб бошланувчи фақат биттаю битта шеъри киритилган бўлиб, шунинг баробарида мазкур шеър ҳам шундан бошқа бирорта манбада учрамайди. Қизиғи шундаки, бу китоб 1896 йили Наманганда шоир Нодим (1844-1910) томонидан кўчирилган, ундаги шеърларнинг аксарияти шу шоирга тегишли... Демак, шеър 1896 йилдан аввалроқ ёзилган.

Мазкур шеър мухаммас йўлида ёзилган бўлиб, “шоҳи золим” ни шу зулмдан сақланишга чакирувчи куйидаги мисралар билан бошланади:

Алҳазар, эй шоҳи золим, алҳазар,
Раҳм кун бар ҳоли мазлумон нагар,
Ин суҳан хуш гуфт он неку сар,
Оҳ урса пиру зан вақти саҳар,
Бўлғай андин юз туман зеру забар.

Хоҳ фармонингда бўлсун баҳру бар,
Хоҳ бўлсун санда жамъи молу зар,
Бас, керакдур зулмдин қилмоқ ҳазар,
Оҳ урса пиру зан вақти саҳар,
Бўлғай андин юз туман зеру забар.

Шеър мана шундай руҳда давом этади. “Шоҳи золим”ни “нотавонлар ҳолидин хабар” олишга чакиради, “афтодалар”нинг “Ҳақ жанобига ниёз айлаб” оҳ уришларидан, оқибатда эса бутун молу давлати “зеру забар” бўлишидан огоҳ этади. Худди шу пайтлар мазлум Туркистон бир золим подшоҳнинг зулмидан қон ютмоқда эди. Асрлар давомида ўзига бек бўлиб келган ва аждодларининг қайноқ қонлари томирларида жўш урган бу юртнинг фарзандлари ҳали-ҳали мустамлакачиликнинг ҳақоратомуз сиёсатига кўниқолмай келаётган эди. Шундан, ҳар жой-ҳар жойда, тез-тез зулмга қарши кўзғолонлар кўтарилиб турди. Уларнинг энг дахшатлиси 1892 йили Камийнинг кўз олдида юз берди. Унда минглаб маҳаллий халқнинг қони тўкилди, ўнлаб йўлбошчиларнинг боши кетди. Балки Камийнинг юқоридаги мухаммаси шу қирғиндан кейин ёзилгандир?.. Балки, олдин?.. Бунинг аҳамияти йўқ. Камийнинг шеъридаги “шоҳи золим”нинг Александр III лиги аниқ. Чунки бу даврда Туркистонда шоҳлик эмас, балки хонлик ҳам тугатилган эди. Ахир мазкур шеър Камий баёзларида йўқ-ку, дейишингиз мумкин. Тўғри, унинг нафақат Камий баёзларида, балки Тошкентда тузилган бирорта баёзда учрамаслиги ҳам айнан Ўрусия подшоси ҳақида эканлигини тасдиқлаб турибди. Чунки Тошкент губернаторлигининг маркази, устига-устак кўзғолондан кейинги саросима ичида эди...

Хуллас, Камийнинг “шоҳи золим” ҳақидаги шеъри шўро адабиётшунослиги айтмоқчи “Оқ подшонинг малдоҳи” бўлганлигини мутлақо рад этади. Айни пайтда шоирнинг ҳар қандай вазиятда ҳам миллий зулм ва истибодга қарши турганлигидан ва миллий истиклолни ич-ичидан орзиқиб яшаганлигидан далолат беради.

НУРЛАР ХАЗОНИ

* * *

Самодан ёгади нурлар хазони,
Титилиб кетади булут пардаси.
Ёлғиз ётган хонам шифтида,
Болалайди ҳижрон зардаси.

Минг йиллардан буён унутқ,
Суратингни соғинар кўзим.
На садоқат на вафодасан...
Ишқда золим ва мазлум ўзим.

Тунлар киприк узра ястанган
Қатраларда жамланар жоним.
Ҳар жонимнинг бир заррасида
Юз аламнинг ўтлиг макони.

Самодан ёгади нурлар хазони,
Кўз ёши мисоли оппоқ, беғидир.
Сенингсиз миллиён йил кўзим олдида
Ёлгончи дунёнинг аҳволи шудир.

КАҲИ ҚОҲИЯТ

Сўз сўрама, азизим,
Бу кун ортиқча бари
Кўкка ишқ шотин қўйиб
Талпинмоқ юлдуз сари.

Ва ё битмоқ қасида,
Дуркун ой чиройига.
Беҳуда дарवेशифат,
Зўр бермоқ хиргойига.

Наҳот кўрмассан, ҳайҳот!..
Тегранг тўла гул-чечак
Кўкдан тушган юлдуз, ой,
Ерда учар ҳалинчак.

Дунё бунда яшармиш,
О, бу онлар не лазиз!..
Бу кун жавобсиз ишқ ҳам,
Қадрин топгандек азиз.
Сўз сўрама азизим...

ХИЖОЛАТНАЗЛИК

Мени - кўкдан тушди - дедилар,
Ажаб, қимга боримдан малол?..
Ҳамма жимдир ва ҳамма ҳайрон,
Бу жимликдан юзим бўлар ол.

Ахир нега узоқ тикилиб,
Бош силқирлар, ҳайрону афсус?
Бу уйга мен ҳаммадек кирдим,
Йўқдир тўйнуқ ё эшик маҳсус.

Ишонмасдан қулманг сўзимга,
Қаранг-остонада изим бор -
Дез мағрур чиқдим ва эвоҳ,
Изим кўмиб, ёғар оппоқ қор.

ТАЛМИҲ САНЪАТИ

руқни филология фанлари номзоди
Ваҳоб РАҲМОНОВ олиб боради

Шоир ёки адиб байт ё гапда ўтмишдаги бирор шахс, бирор машҳур воқеа, асотир, афсона, асар, мақолга ишора қилса талмиҳ санъатини қўллаган бўлади. Бу мўъжаз таърифни энди алоҳида-алоҳида кенгайтирилган ҳолда тасаввур этишга уриниб кўрайлик.

Биринчидан, шахсга ишора қилинади:

а) матида ўтмиш асотир қаҳрамонларидан бири эсга олинса, талмиҳ санъати бўлади. Чунончи қадимий асотирларимизда Эрхубби билан боғлиқ воқеалар нақл қилинади. Мавлоно Муқимий “Танобчилар” ҳажвида шу шахсга ишора талмиҳни лозим топган:

*Ҳам яна Эрхубби бўладур таго,
Аммамининг эрларидур Нур Ато.*

б) матида ўтмишдаги теологик қаҳрамонлар - диний азиз-авлиёлар (пайғамбарлар ва хулафои рошидин...), хуллас диний пешвозлар исм-шарифларига ишора қилинса ҳам талмиҳ бўладики, юқоридаги мисолимизнинг иккинчи мисрасида бу хил талмиҳ қатнашгандир.

Яна бир мисол:

Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,
Булаъжаблиғларким бу эски дайр хуффошиндадур.
Алишер Навоийнинг бу байтида Масиҳ (жон бағишловчи, тирилтирувчи) лақабли Исо алайҳиссаломга талмиҳ қилингандир.

Ёки навбатдаги мисолимиз “Фарҳод ва Ширин” достонидан олинган бўлиб, Хисрав аччиғига чидаёлмай, Фарҳод дорга осилсин, ўтга ёқилсин, деб аюҳаннос солганда, Фарҳод унга жавобан, сенинг бу ишинг Намрудшоҳнинг Иброҳим Халилуллоҳни ўтга отиш ҳақидаги буйруғига ўхшайди, деб писанда қилган:

*Халилосо очиб ўтдин гулумни,
Буқим дебсен совурсунлар кулумни...*

Демак, байтда Халил - Иброҳим Халилуллоҳга ишора талмиҳ қилинган.

в) матида тарихий шахсларга ишора қилинганда ҳам талмиҳ санъати амал қилган бўлади: адабиётимизда Искандар сиймосига ишора қилиш талмиҳлари кўп учрайди:

*Скандар ўлди чу савй ила озими зулумот,
Неча миҳан чекиб, ондин сўнг ичти оби ҳайт.
(Саъдийдан Огаҳий таржимаси).*

Зокиржон Фурқатдан:

*Биз, эллар - фақр элимиз, парча нонга сабр айлармиз,
Ғараз дунё учун Искандару Дорога бормасмиз.
Ёки:*

*Алар ҳар қайси монанди Арасту,
Хирадда балки Афлотунга қариу.*

Байтда Аристотел ва Платонга ишора қилинган.

г) адабиётда энг кўп талмиҳ намуналари адабий қаҳрамонларга ишорага тўғри келади; десак муболаға бўлмайди. Адабиёт иши кўнгил иши бўлганидан, кўпроқ ошиқ ва маъшуқалар исми шарифларига ишораларга дуч келамиз: Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Вормик, Узро, Баҳром, Гуландом, Юсуф, Зулайхо...

*Бошимга ёққан гам тошин мингдин бирича бўлмагай,
Гардун агар минг Бесутун ёғдурса Фарҳод устина.*

Мавлоно Огаҳий байтидаги талмиҳ лирик тимсол бошига тушган фалокатлар чўнглигини уқтиришда катта хизмат қилган.

Алишер Навоийдан:

*Ишқ аҳли гўристониди қабрим чу зоҳир бўлгуси,
Фарҳод онинг тошин йўнуб, Мажнун мужовир бўлгуси.*

Машрабдан:

*Жоми майи луоб ичиб, Мажнун бенаво бўлуб,
Нозу караималар қилиб, Лайли ишвагар ўзум.*

Қайд этиш лозимки, байтда шахс исми шарифига ишора қилинганда гоҳо воқеага ишора ҳам аниқ сезилиб туради. Буни юқоридаги мисолларимиздан ҳам мулоҳаза қилсак бўлади. Чунончи, қуйидаги байтда Нух ва Мусо исмларига ишорада улар билан боғлиқ воқеа ҳам очик айтиб ўтилган:

*Бор эдим Нух вақтида, гарқ этмади тўфони ҳам,
Ҳамраҳи Мусо бўлуб Туру Синонга сигмадим.*

(Бобораҳим Машираб)

Талмиҳда машҳур бирор байтга ҳам ишора бўлиши мумкин. Қайд этиш жоизки, ишоралар юқоридагидек аниқ сезиларли ва қуйидагидек ўта диққатталаб ҳам бўлиши мумкин:

Бир калима ҳурматидин лек ислом оти бор,

*Мутлақо кирдори хайли кофиристондур бу мулк.
Байтида Турди Фароғий “пойтахти кишвари Субҳонкулихон бўлган мулк” - Бухоро ҳақида ёзар экан, эл орасидаги машҳур нақлга ишора қилган:*

*Самарқанд сайқали рўйи замин аст,
Бухоро қуввати исломи дин аст.*

Хўжаназар Хувайдонинг “Роҳати дил” достонида қаҳрамон номи айтилмасдан, фақат воқеага ишора қиладиган кўплаб жозибали талмиҳлар келтирилган:

Қилур сўзандалик даввосини нор,

Бировга на учун у бўлди гулзор?

байтидаги ишорани билиш учун ўқувчи Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” (Қиссасул анбиё) асарини ўқиган бўлиши ёки бошқа: пайғамбарлар тарихига бағишланган китоблардан Намрудшоҳнинг Иброҳим Халилуллоҳни манжиниққа солиб, улкан гулханга отгани ва оллоҳ кудрати билан гулханнынг гулханга айлангани воқеасидан хабардор бўлиши керак эди.

Пичоқ буррандалики қилди ангез,

Бировнинг бўғзига бўлмади тез.

байтида Иброҳим Халилуллоҳнинг ўғли Исмоил алайҳиссаломни қурбонлик учун сўймоқчи бўлгани ва пичоқнинг оллоҳ кудрати билан кесмагани воқеасига ишора бордир.

Навкирон шоҳ Бобур Навоийга ёзган мактубида қуйидагича рубоийни ҳам илова қилган:

Ашборинги, шеър оти ото бўлгай,

Табъ аҳли анга волау шайдо бўлгай.

Ҳар лафзи дуру, баҳри маоний анда,



Ким кўрди дуреки, анда дарё бўлгай.

Мазкур рубойининг иккинчи байтида Бобур Навойининг куйидаги матлаига ишора қилган:

*Дур бўлур баҳр ичра пинҳон, назмидин шаҳ мадҳида,
Баҳр ёшурмиш Навоий ҳар дури макнун аро.*

Алишер Навойининг куйидаги байтида Имом Исмоил ал Бухорийнинг “Ал-жомий ас-сахих” асарига ишора қилинган:

*Билди чу ҳадисингни Саҳиҳ эмди Навоий,
Маскан чу тилар бўлса не Батҳо, не Бухоро.*

Хуллас, мазкур мулоҳазаларда биз талмихни бир жihatдан яъни кимларга ёки нималарига ишора қилинишига кўра тасниф қилдик.

Одатда талмих қилинган қаҳрамонлар идеал, орзубоп - ўрناق қаҳрамонлар бўлишади. Ижодкорларнинг уларга муносабатига кўра, ишора усулининг уч хилини кузатиш мумкин:

биринчидан, энг кўп кишиларга ишорада талмих қаҳрамонлари ўрناق бўладилар. Уларга ҳавас қилинади, рубобий тимсоллар уларга ўхшашни истайдилар:

*Шижоат бобида ҳар қайсиси бир Рустаму Сўҳроб,
Адолат тахтига минган бу кун султонларим келди.
Бобораҳим Машраб.*

Хувайдо куйидаги байтда машҳур сўфий Мансур ҳаложга ишора қилмоқда:

*Эй Хувайдо, этмагил Мансурдек сиррингни фош,
Айласанг хўйи “аналҳақ”, дордин андиша қил.*

Иккинчидан, талмих қилинаётган машҳур кишилар лирик тимсол билан тенг қўйилади. Чунончи Алишер Навойининг тубандаги байтида рубобий қаҳрамон “Мажнун исмлиқ қардошимга салом айт” деб илтимос қилган:

*Шаммае фош айла саргардонлигимдин, эй куюн,
Учратсанг лашт узра Мажнун исмлиқ қардошим.*

Қардош-қариндошнинг бир уруғ, бир авлоддан эканлиги барчага аёндр.

Учинчидан, буюк қаҳрамонларга ишоранинг шунақа хили ҳам борки, энди улар рубобий тимсолдан - лирик қаҳрамондан куйроқ турадилар. Фазилатларда, ошиқликда, хуснда лирик тимсол ўрناق қаҳрамонлардан юксакроқ турадилар.

Бобур талкани:

*Қани Ширин била Лайлики сендин ноз ўрганса,
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларга ишқ ўргатсам.*

Алишер Навоий эса рубобий маҳбуба нафасини Исонинг жонбахш нафасидан устун кўяди:

*Даминг хижлатидин нечук қочмасин,
Бу дам чунки Исои Марьямда йўқ.*

Талмих шундай санъатки, шоирлар бу усулга мурожаат этганларида миллий - минтақавий чегараларни писанд қилмайдилар. Ўзбек шоирлари араб, форс-тожик ва ҳатто англиз адабиёти қаҳрамонларига ҳам ишора қилаверадилар.

Чунончи Абдулла Орипов “Чувалади ўйларим сенсиз” деб бошланадиган шеърда Шекспир қаҳрамони Ҳамлетга ишора қилади:

*Ёлбораман арвоҳ ортидан
Интилувчи Ҳамлет сингари.*

Ҳамид Олимжон ўз шеърда Офелияга ишора қилса, Усмон Носир италян адабиёти маҳбубаси Биатричегга ишора қилади:

Лорд Гордон Байрон эса Мажнунга ишора қилади:

*Гуноҳимни биларсан балки
Мажнун бўлиб суйганим холос...*

Талмих қилинадиган қаҳрамонлар салбий ва ижобий бўлиши мумкин. Рубобий тимсол шахсига кўра ижобий ёки салбий қаҳрамонга ишора қилинади. Абдулла Орипов “Яғони ўқитиб қўйгувчилар бор” деб англиз тимсолига ишора қилса, устоз - Фафур Фулом Диана маъбудига ўт қўйган Герострат (Юнонистон)га ишора қилган эди...

Талмих санъатининг бадий хизмати шундаки, шоир лирик тимсолга уни ўхшатиб, бир лаҳзада ўқувчи рубобий қаҳрамонни талмих қаҳрамони сиймосида тасаввур этади...

Талмих истилоҳи “ялт этиб қараш” маъносига моликдир. Атама луғатининг санъат моҳиятига алоқадорлиги шундаки, шоир бирор воқеани ёзаётганида тўсатдан ўтмиш қаҳрамонга назар ташлайди, эсга олади, ишора қилади. Рубобий қаҳрамон талмихдаги тимсолга қисматдош бўлиб туюлади. Талмих шеъра фикрий залвор беради, таъсирчанликни оширади.

Талмих санъатидан баҳраманд бўлишни истаган ўқувчи анча-мунча ўқимишли бўлмоғи зарур.

Буюкларнинг шахси ҳам, муҳаббати ҳам, қувончи ҳам, ғами ҳам, баҳти ҳам, армони ҳам буюк бўлади. Талмихга мурожаатнинг аҳамияти шундаки, буюк шахсларни индивидуаллаштириш, сиймосини яратиш бутун бошли бир дoston ёзилади: талмих ижодкори эса, бир байтда ўз лирик қаҳрамонини буюк шахсга ўхшатиб, ундаги етакчи фазилатларни ўз рубобий қаҳрамонига кўчириб улгуради.

Чунончи, Абдулла Орипов “Ереван кўчасида” шеърда арман пойтахтида озар кизига дуч келиб, уни севиб қолган навкирон ҳақида қалам тебратади. Рубобий қаҳрамон шеър сўнгида:

*Тилакларим бажо бўлур, валекин сен бўлмасанг,
Бамисоли Искандардек очиқ кетар қўлларим!*

дер экан, оддий одам армони энди Искандар армонидек улкан моҳият касб этади. Шу маънода шеър ниҳоясидаги бу байт мазкур шеърни жуда зўрайтириб юборган. Демак талмих таъсирчанлик омилдир.

Талмих кўпроқ эслатувчанлик моҳиятига ҳам эга. Ҳофизнинг:

Отам жаннат богини икки бугдойга сотди,

Бир арпага сотмасам мен отам ўгли эмасман! байтини ўқиган китобхон: “Ие, Ҳофизнинг отаси анақароқ экан-ку! Ўғлиям ундан баттар!” демайди. Балки шоир мазкур байтда дин тарихидаги Одам Ато ва Момо Ҳаво воқеаларига ишора қилганини сезиб, беихтиёр жилмайиб қўйиб, ижодкор топқирлигига қойил қолади. Чунки Одам Ато шайтон васвасига учиб ман этилган бугдой донасидан ўзи ва Момо Ҳаво татиган эдилар... Натижада улар жаннатдан ерга қувилганлар...

Байт, мақолларга ишора талмихлари эса китобхон хотираси ва синчковлиги синови сифатида аҳамиятга моликдир.

Аъзам РАҲИМ

Қ Ҷ Ш И Қ

Хаёт, сенинг кўзларингни,
Аро йўлда кўрмадим.
Фафлат, сенинг кўзларингга
Фақат баъзан кирмадим.
Лекин қалбим буюрганин
Қалтис йўлга бурмадим.
Шундан менинг пешонамнинг
Кенглиги ҳам торлиги.

Қўкдан эса бир нигоҳнинг,
Оғушига талпиндим.
Ўшал гўзал чеккан оҳнинг
Бир оҳига айландим.
Тутқич бермас хаёлотнинг
Тушовига бойландим.
Шундан менинг пешонамнинг
Кенглиги ҳам торлиги.

Балким менинг пешонамнинг
Кенглиги ҳам торлиги.
Эмиш балки бу кўнгилнинг
Пок ҳисларга ёрлиги.
Қалбда унган бир туйғунинг
Бир туйғуга зорлиги.
Шундан менинг пешонамнинг
Кенглиги ҳам торлиги.

АҲНА АХМАТОВАГА

Авради алдамчи баҳорлар,
Висолни боқий деб бир умр.
Шўралар баргида шудринглар -
Ҳижроннинг рангидай шаффоф дур.

Тош йўлдан ўтмади оқ извош.
Синмади настарин шохлари.
Оқ қайин танига қўйиб бош,
Йиғлади бардошнинг моҳлари.

Тақдирига ёнмоғи битилган,
Дафтарлар кул эмас, ўт бўлди.
Фалакнинг чархига отилган
Палаҳмон тошлари ёт бўлди.

Кузакнинг хаёли бир сидра
Ечилди. Алданди баҳорлар.
Сочини тарайди “асира”,
Тўкилар хотиржам оқ қорлар...



2000 йил — соғлом авлод йили

БИР КУНИ

Тунлар титрок туриб томирларимда,
Тилагим тиладим тилим тилиниб...
Кўзимни юммадим - киприklarимда
Узилган умидим унди илиниб...

Шудринглар шипшиди:

- сен ўша - тонгнинг

Кўйнида кўй бокқан бола!

...Эсладим!

Ох, бутун буларнинг баридан тониб
Мен кимга шунчалар ёқмоқ истадим?!

Тоғу тош йиғлайди дардимни айтсам,
Тоғнинг-да бағри тош эмасдир мендай.
...Бир куни ўзимга, уйимга қайтсам
Водийга адашиб келган самумдай...

Бир куни онамми кучоғин очган,
Тўн бичиб сабрдан, кўнмайин ғамга?
Во дариг, не қилдим жабрдан бўлак,
Қарахт вужудимни кучган онамга?!

Қайсарлик қон билан киргандир, аммо
Мулзам ниҳоҳимни нетай, яшириб?!
Ўлсам армоним йўқ, пушаймон - асло
Онамни кўзида кўз ёшдай тўлиб,

Бир куни...

ДУНИ

Ҳаёт изларимга увол тўлдирди,
Кўзларимга аччиқ савол тўлдирди.
Шип-шийдон кўйнимни шамол тўлдирди,
Кўнглимни тўлдириб бер, дунё...

Чучмома бошини ёмғир кўтарди.
Офтоб ер бағридан ҳовур кўтарди.

Топталган майсалар бағир кўтарди
Кўнглимни кўтариб бер, дунё...

Оловнинг тилини топиб олди сув,
Болари кўнглин гул овинтирди-ку.
Сен йиғиб кўзингнинг кирларини юв -
Кўнглимни қулдириб бер, дунё...

Бас, энди ўлимни суйиб яшайман,
Шу ширин жонимдан тўйиб яшайман...
Кўнглимни жойига қўйиб яшайман,
Кўнглимни қайтариб бер, дунё...

САДОҚАМ

Қара, сиринг каби сариқ япроқлар,
Рангин умидимдай узилди бир-бир...
Елга дил очади хазон ўйноқлаб,
Диллар очилади - очилмайди сир.

Қара, сиринг каби соқов бу дарахт,
Кўкка қўл чўзади - тилайди надир.
Кимгадир тахт керак, яна кимга бахт...
Кўллар очилади - очилмайди сир.

Қара, кўк кўксидан йўл очди чакмоқ,
Кўз очиб-юмгунча тўкилди ёмғир.
Кўз очиб, денгизга йўл солди булоқ,
Йўллар очилади - очилмайди сир.

Қара, гул баргидай очилди қанот,
Ортиқ орзуларим тутолмас тақдир.
...Ўнинчи гулинг ҳам очилган, ҳайҳот,
Гуллар очилади - очилмайди сир...

Абдул АЗИЗ 1976 йилда Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани Лангарбобо қишлоғида туғилган. 1999 йили ТошДУнинг журналистика факультетини тугатди. Ҳозир Ўзбекистон ойнаи-жаҳонида хизмат қилади.

“Ёшлик” да илк бор чиқиши.

ЮРТ МЕҲРИГА СУЯНГАН

ИРОДА



*Ирода Тўлаганова 1982 йилда
Тошкентда туғилган.*

Буйи 1 м 72 см.

Вазни 56 кг.

Ўнг қўли билан уйнайди.

Корт танламайди.

*Спортдаги кумири - Майкл
Жордон, Рональдо.*

*Теннисдаги идеали - Карлос
Моя.*

*Содиқлик хислатини қадрлайди.
Сидней Шельдоннинг "Фаришталар
ғазабни" китобини ёқтиради.*

*"Титаник", "Махаллада дув-дув гап"
фильмларини севиб томоша
қилади.*

*Энг яқин кишилари - Ота-онаси
ва синглиси.*

*Севимли манзараси - Денгиз ва
оқ кема.*

Ўн саккиз ёшида орзулар одамни осмон қадар юксаликка етаклайди. Ирода Тўлаганова теннис тарихига исмини ёзишни орзу қилганида ёшгина кизча эди. Эндликда у ўзбек тенниси доврўғини оламга ёйишни мақсад этган. Бу йўлда тинимсиз изланапти. Курашлар ва беллашувларда тобора товланиб борапти.

Биринчи устози Тўлқин Шомирзаев хузурига борганидаёқ мураббий бу кизчанинг етук теннисчи бўла олишини фахмлаган эди. Ироданинг ўз олдига қўйган мақсади сари дадил бориши Тўлқин акани беҳад қувонтирарди. Кейинчалик спортчи Нина Прокофьевна қўлида машғулотларни давом эттирди. Унинг истеъдоди кундан-кунга сайқалланиб борарди. Юртимизда спортга ва айниқса теннисга жуда катта аҳамият берилаётгани Иродага қанот бағишлади. Германиядаги машхур Борис Брескавер академиясида бир ярим йил машғулот ўтказиб қайтди. Лекин ўша пайтда елкаси жароҳатланган эди. Тошкентда енгил атлетикачи Светлана Красавица раҳбарлигида махсус жисмоний тайёргарликдан ўтди ва маҳоратли мураббий Владимир Каплан қўлида машғулотларни давом эттирди.

- Қизим жисмоний тайёргарлик давомида елкасини даволаб олди, - дейди онаси Анна Вениаминовна. - Ирода жароҳат олгандан кейин ҳам кўртга чиқиб юрди.

Тўғриси - ҳар гал корсетда чиқди. Унинг ғолиб бўлишига ишонувчилар кам эди. Мураббий Владимир Анатолиевичдан миннатдормиз. У Иродага тактика нимагини ўргатди ва бизнинг дилимизда ишонч уйғота олди.

Ирода "Жапан Оупен" турнирида ғалаба қозонганида 17 ёшда эди. "Тошкентлик теннисчи киз Японияни ром этди" дея эътироф этишди кунчиқар мамлақати газеталарида бу ғолибани.

Бонгкокда ўтган Осиё ўйинларида, япониялик Харука Инуэни мағлубиятга учратгач, яна бир теннис юлдузи порлаётганини бутун Осиёда тан олишди.

1999 йил Уимблдонда 18 ёшгача бўлган кизлар ўртасида ғалабага эришганида, европаликлар ҳам тошкентлик теннисчи маҳоратини эътироф эта бошлашди. Лондон газеталаридан бирининг шарҳловчиси "Шу пайтгача Уимблдонда Осиёдан келган теннисчи кизнинг биринчи ўринда бўлганини сира эслолмаيمان" деб ёзди. Иродани ўз мамлақати, Ўрта Осиё худудининггина эмас, балки бутун қитъанинг қахрамони деб атади. Бу муваффақият юртдошларимизни ҳам беҳад қувонтирди. Ахир Ирода ўзбекистонлик теннисчилар ичида биринчи бўлиб "Улкан тож" туркумидаги чемпионат шохсупасига кўтарилганди-да. Юртбошимиз шахсан унинг номига жуда самимий табрик йўлладилар. Бу эътибор теннисчи кўнгли-

ни ифтихорга тўлдирди ва у янги марралар сари бел боғлади.

18 ёшгача қизлар ўртасида ғолибликка эришди. Осиё биринчилигини қўлга киритди. Сеулда “Асл Пўлат кубоги”га эга бўлди.

Бу йил ҳам Ирода ғалабалар сари шахдам одамлаб бормокда. У Францияда ўтган Челленжерда бош совринни эгаллади. Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Федерация Кубоги бахсларида жуда яхши ўйин кўрсатди. Бу йил терма жамоамизнинг Осака (Япония)даги муваффақиятида Ироданинг алоҳида салмоқли хиссаси бор. Қизларимиз Океания, Виджи, Малайзия, Ироқ ва Тожикистон жамоаларидан ғолиб бўлиб, биринчи гуруҳ остида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Шу билан бирга Ирода Польшада ўтган турнирда украиналик дегонаси Анна Запорожанова билан жуфтлик баҳси финалига чиқди. Стасбургда кейин эса Париждаги “Ролан Гаррос”да муваффақиятли ўйнади ва “Тошкент оупен”да қатнашиш учун юртимизга қайтиб келди.

Пойтахтимиздаги “Динамо” теннис клубида ўтган ушбу нуфузли турнирда у Анна Запорожанова билан жуфтлик бахслари финалига чиқди. Якка тартибдаги беллашувларда эса ғалабага интилди ва ниҳоят “Sanex WTA Tour” “Тошкент оупен”нинг бош совринини қўлга киритди. Бу муваффақиятнинг нуфузи шу қадар улканки, ҳатто бутун жаҳонни ўзига махлиё айлаган Анна Курникова ҳам ҳали Аёллар Теннис Ассоциацияси мусоба-



қаларида бундай ютуққа эришгани йўқ. Собик Иттифок вакиллариининг сўнгги авлоди ўртасида Елена Лиховцевадан сўнг Ирода иккинчи бўлиб ғалаба қозонди.

Иродага отаси Ботир Турсунович хамиша ҳамкор, ҳамфиқр. У кизини ғалабалар сари рағбатлантириб турди. Қувончли ва ташвишли онларида эса тоғдек таянч бўла олади.

Ирода Тошкентдаги ғалабаси барча юртдошларимизники эканини ва буни биринчи навбатда отасига бағишланганини айтиб ўтди.

Кучлилар сафига истеъдодли ўзбек кизи кириб келаяти бундай барча юртдошларимиз кўнглини фахр-ифтихорга тўлдирди. Бу майдонда рақобат ҳам кучли. 18 ёшли ҳамюртимиз қалби эса янги ғалабаларга ташна. У ота-онасига, яқинларига ва юртдошларимизнинг ишончига суяниб, ғалабалар сари интилиб яшайпти. Устози Андрей Меринов билан янада жиддий машғудотлар ўтказяпти. Олдинда катта курашлар бисёр. Спортчимиз дунё кезиб юртимизга янги-янги зафарлар билан қайтиш иштиёқда. Айни пайтда у юртдошларимиз меҳрини қозониб улгурди. Бу меҳр улғу, қудратдир. Унга суянган одам тобора юксалиб бораверади.

Улкан курашлар майдонида эл-юрт меҳри Иродага мададкор бўлишини тилаб қоламиз.

Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА

Абдугафур РАСУЛОВ

ТАВАЛЛУД ТОПАЁТГАН КЎНГИЛ МУЖДАЛАРИ

*Куймаганинг кўзини очма,
Хайратсизга ўқиш ҳайф!
Битта буржни ўлчаб,
қолган учтасидан мужда топмаганга
Бўлишма!..*

КОНФУЦИЙ

I

Ҳозирги насримиздаги услуб жилоларини аниқроқ тасаввур этиш учун бетакрор услуб йўлидан бораётган ёзувчилар асарларини таҳлил-талқин қилиш адабиётимиз, адабиётшунослигимиз уфқларида янги-янги имкониётлар очади.

Шойим Бўтаев ўз услубига, бетакрор тилига эга ёзувчи эканлигини бугунги кунда унинг китобхонлари, мухлислари тан олишади, адабий танқидчиликда ҳам унинг асарлари хусусида турли-туман фикрлар билдирилмоқда, адабий анжуманларда баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Бу бежиз эмас.

Шойим Бўтаев ўзига хос ёзувчи.

У ўнлаб ҳикоялар, “Кунботардаги боғ”, “Шамол ўйини”, “Эски арава қиссаси”, “Муюлишдаги уй”, “Шўродан қолган одамлар” сингари қиссалар, “Кўрғонланган ой” романининг муаллифи. Бадий ижодни зинҳор кўнгилхуши деб билмаган Шойим ҳозирги наср тараққиётини кенг миқёсда англайди: жаҳон насрида рўй бераётган янгилик, ўзгаришларни тез ва теран англаб етишга интилади.

Шойим Бўтаев ўзбек адабий харитасини янги жугрофий ҳудуд, бетакрор адабий аҳоли эвазига бойитди.

Шойим Бўтаевнинг аксарият асарларида тоғ этаклари - қияликлардаги қишлоқлар тасвирланган. Китобхон булоқлардан чиқаётган сувни кўраётгандай, дов-дарахтлар остида ҳордик чиқараётгандай, қишлоқ кўчаларига хос бетакрор тасвирлар ичра қолади. Ёзувчи қиссаларида бир-бирига ўхшаш кишилар учрайди. “Шамол ўйини” қиссасида Зокир булбул деган ошиқ ҳақида гап боради. Зокир бахши образи эса “Кўрғонланган ой” романида тўла қонли яратилган. “Шамол ўйини” қиссасидаги Момо, улоқ танаввул қилаётган кампирлар “Кунботардаги боғ” қиссасидаги Улғай момо таниш-билишлари, тенг-тўшларига ўхшайди.

Шойим Бўтаев қишлоқ кишиларига хос хусусиятларни топиб-топиб кўрсатади. Масалан, ўзбек борки, лақаб тўқишни яхши кўради. Лақаб касбга, насабга, феъл-хўйга, ташқи кўринишга кўра тўқилади. Зокир бахши, Тилак миришкор, Жандачи амаки, Нўъмон қиртиш, Эргаш қалта, Наби муаллим, Раҳим индамас, Вали қассоб, Мутал жарчи, Суннат ўғри, Даканг оқ...

Мен ёзувчига ҳаммасидан кўра унинг услуб-оҳанги, китобда муаллифнинг бизга етиб келадиган овози муҳимдир, деган бўлардим.

ХОРХЕ ЛУИС БОРХЕС

II

Ҳар бир ижодкор адабиётга ўз мавзуси, қаҳрамонлари, бетакрор “тили” билан кириб келади. Шойим Бўтаев қаҳрамонлари бетакрор кўринишга, руҳий ҳолатга, ўз тилига эга. Ёзувчи асарларидаги яқрав, гумсиё, пайҳова, тайинот, тавониби, шоён, нописанд, гулзундонак, уфунат, нарғиё, кашай, чалпақпазон, чархин товоқ, ҳориқуллод ҳодиса, калолағ, обдаст олмоқ, хоби хотир, қўлангаёк, қамғок сингари сўзлар учрайдики, улар беихтиёр китобхон диққатини жалб этади.

III

Ёзувчи истеъдоди дейилганда фақат ёзавериш, ҳаётни, одамларни билишгина тушунилмайди. Ҳар бир ёзувчи асар яратиш учун кўп ўқийди, устоз санъаткорлар яратган бадий бойликларни узлуксиз ўзлаштиради. Бадий оламнинг ўзига хосликларини, етакчи йўналишларини, мумтоз мактабларини англаб етган ўлмас санъаткорлар ижодини мукамал ўрганган одамгина ижод қилиши, кишилар ёдида қоладиган асарлар яратиши мумкин.

Шойим Бўтаев асарларини ўқир эканман, ёзувчи рус мумтоз адабиётини чуқур билишини, жаҳон адабиётидан яхшигина хабардор эканлигини хис қилдим. “Шўродан қолган одамлар” қиссасидаги шўх, баланпарвоз гапиришни ёқтирадиган ровий-ҳикоячи бирдан “Ҳожимурод” асаридаги антика қиёси эслаб қолади:

“Семиз аёл фаросатсизлиги туфайли қамалиб кетган эридан анча-мунча туртки еб турарди; энди туртадиган одами бўлмагани учун баттар аҳмоқлашган эди. Бу тарзи билан у дунё алломаларининг хотинлар ҳақидаги оз-моз учраб турадиган ношоён сўзларини ҳар замон - ҳар замон-...



“*Хожимурод*” қиссаси унинг етти ухлаб тушигаям кирмаган бўлса-да, ёзувчининг бу асарда келтирган “тухумда қанча тук бўлса, аёлда шунча ақл бўлади” деган иборасини тасдиқлагандай эди”. Шойим Бўтаев “Шукур Бурхон” бадиасида Софоклнинг “Шоҳ Эдип” фожиаси ҳақида фикр билдиради. Ёзувчи А.Чехов, Салтиков-Шчедрин асарларини ўқиб лўнда, ихчам образлар яратишни ўрганганлиги сезилиб туради. Шойимнинг Н.В.Гогол ижодига бўлган алоҳида хурмати “Эски арава қиссаси да кўзга яққол ташланади. “Ўлик жонлар” асарининг асосий қахрамони, Павел устаси фаранг, илоннинг ёгини ялаган одам. Чичиков “Эски арава қиссаси”га ўз малайи Селифан, отбоқари Петрушка, олди-сотди масалалари бўйича мулоқотга киришган Собакевич, Манилов, Плюшкин, Кошкарёвлар билан кириб келади. Шойим Бўтаев Чичиковнинг маънавий “олами”ни роса ўрганган. Ўз қахрамони таърифини ёзувчи бундай ифодалайди: “...Павел Ивановичнинг санъатга унча-мунча иштиёқи бўлса-да, шеърятни кўргани кўзи йўқ эди. Шеърятни кўролмастлигининг энг биринчи сабаби шоирларни дунёдаги энг бемаза одамлар деб биларди. Улар гани тўғри гапиришмайди, алмоёи-алжойи, орқасини олдига, олдини орқасига қилиб, бошқаларнинг энсасини қотирадиган тилда гапиришади. Шоирларда тайин бўлмайди. Масалан, Пушкин деган аллақандай бир араб император ҳазратларининг ўзлари билан олишишдан ҳам ҳеч-ҳеч ҳайқмайди. Чичиков ҳақида ҳам у Гоголми, Моголми деганларига аллақандай бўлмагур гапларни гапириб юрганмиш. Гапирса гапирaversин, Чичиковнинг совунига ҳали кир ювмабди. Гарчи у эски аравада юрса-да, узоққа кетади. Ҳали уларнинг йўгон-йўгон китобларига ҳеч ким қиё боқиб қарамайди, аммо Чичиковнинг бу эски аравагининг гилдираги қайси пучмоққа етмасин, уни хурмату эҳтиром билан қарши олишаверади”.

Шойим Бўтаев Гогол болнинг мазасидан хузур қилади. Хўш, китобхон Шойим Бўтаев улуғ санъаткор болдан ҳолва пишира олдим - ёзувчилик санъатини намоеън эта билдим, деган саволни беради. Маълумки, 80 йилларнинг ўрталарида Ўзбекистонни бошқарган баъзи раҳбарлар халқ гурурини оёқ ости қилдилар - узок, совук ўлкалардан ўзбекларни бошқариш учун раҳбар кадрлар чақирдилар. Асарда бу аянчли ҳодиса Гогол қахрамонлари ёрдамида ўз бадий талқинини топгандек.

“- Илож қанча, Павел Иванович... - хода ютгандай тик тургани сайин Селифаннинг кайфи бошига ўрмалаб чиқиб бораверди, ахийри дош беролмади, кўзлари сузилиб, “шилқ” этиб тушди, шундаям айтаётган сўзини йўқотмади. - Чақиршияпти...”

Шойим Бўтаевнинг бевурд меҳмонлару тўпори мезбонлар ҳақидаги қиссаси яқин ҳаётимиздаги фожиавий ходисаларни жонлантиради.

Қиссанинг бир ўрнида Нишонбой Хурзамонович билан Чичиков ёлғиз суҳбат қураётган эканлар, машхур товламачи ўлик жонлар ҳақида сўз очади. Аввалига Нишонбой Хурзамонович ўлик жонлар ҳақида гап бораётганини тушунмайди-да, чақиринг ўша одамларингизни раҳбарликка жойлаштирамиз, дейди. Гап ўлиқлар ҳақида бораётганлигини билганидан кейин ҳам Нишонбой Хурзамонович бўш келмайди:

- раз шундай экан, - деди қатъий оҳангда. - Сиз марҳум дехқонларингизнинг рўйхатини бераверинг. Улар-

нинг номларини абадийлаштириш бизнинг зиммамизда... Кўчаларга, колхоз-совхозларга ўша рўйхат бўйича ном берамиз”.

“Эски арава қиссаси”, биринчидан, Шойим Бўтаевнинг санъат асарига хурматини кўрсатса, иккинчидан, ёзувчи Гоголнинг салбий қахрамонларини ўзбеклардан етишган гўл, лаганбардор, гурусиз кишиларга йўлқитиради.

IV

Бизнингча, “Муюлишдаги уй” қиссаси катта ҳаёт муюлишида турган ёшлар руҳиятини акс эттириш, мустақил одим ташлашга чоғланган кишилар борлигини тасвирлаши билан диққатни жалб қилади. XX аср ўзбек насрида ўнлаб қисса, романлар борки, уларда олий ўқув юртига киришга чоғланган, мақсадига эриша олмай ишлаб чиқариш жабҳасига бурилган ёшлар образи яратилган. “Қора кўзлар”, “Ичкўёв”, “Одам бўлиш кийин”, “Умид” сингари асарларда мустақил ҳаётга қалам кўйишнинг мураккабликлари акс эттирилган.

Шойим Бўтаев “Муюлишдаги уй” қиссаси билан бу мавзуда қандай ижодий ютуқларга эришди? Шунини таъкидлаш керакки, “Муюлишдаги уй” асариде детектив жанрга хос хусусиятлар бор. Аввало, “Муюлишдаги уй” номининг ўзида аллақандай сирлилик бор.

Шойим Бўтаевнинг “Муюлишдаги уй” қиссаси ўрталикдаги асар: У детектив бўлиб детектив эмас, характер таҳлили бўлиб мукамал характер яратилган асар эмас. Лекин ёзувчи ниҳоятда мураккаблик билан қахрамонлар тақдири, ҳаёт йўлини акс эттирган. Айтилганидай, “Муюлишдаги уй” қиссасида биографик ўринлар, ёзувчи ҳасби ҳолига тааллуқли томонлар талайгина. Мазкур қиссада ўта юзаки персонажлар кўп. Ота Суннат, Мазбут муаллим, Неъмат, Майорой сингари хира, ишонарсиз тасвирланган образлар кўп. Қиссадаги материал шу даражада кенг, сертармокки, уни қисса қолипига жойлаш анча мушкул кечган. Қисса поэтикасига эътибор берилса, услубдаги паст-баландликларни сезиш мумкин. Қиссадан олинган мана бу матнга эътибор беринг:

Калтакесак - тилшунос кетишимга изн берди:

- Сизга жавоб!

Индамай чиқиб кетдим.

Ажаблана-ажаблана кетдим.

Миямда шундай саволлар, чарх урарди:

- Бу ерга ўзи нега келувдим?

Нима кераги бор эди?

Қаники, биронтасига жўяли жавоб топсам”. Жумлалар қисқа. Сўзлар таъсирли. Сўзларнинг такрор такрор айтилиши жўяли. Лекин бундай сўзлашув, сўзлатиш усули бошқа, машхур асарда учрайди-ку!

V

80-йиллардан бошлаб ўзбек қисса, романларида ровий масаласи алоҳида кўзга ташланди. Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Эркин Аъзамовлар ровий образига алоҳида эътибор бердилар. Ровий зинҳор - базинҳор муаллифининг айнан ўзимас. Шундай ровий - қахрамонлар борки, уларнинг тушунчалари, фикрлаш даражалари анча жўн, паст. Нега Тоғай Мурод “фарғоначи Жалолиддин кетмон набираси”ни ровий - бош қахра-

мон қилиб танлади? Нега “Лолазор”, “Галатепага қайтиш...” муаллифи ровийни асосий таянч куч даражасига кўтарди? Эркин Алзамовнинг илк қиссасидаги ровий - қахрамон бунчалик серзарда, бетгачопар? Ровий - воқеа - ҳодисаларни холис кўрсатувчи ракурс; қахрамонларни ич-ичидан ёритиб берувчи шамчирок. Шўро адабиётшунослигида “хаётни ўрганайлик!”, “Хаётни ҳаққоний тасвирлайлик!” сингари давватлар кўп бўларди-ю, хаётни тўғри, ҳаққоний акс эттиришдаги асосий воситалардан бири - ровий масаласига эътибор берилмас эди. Бадий асарни англашнинг асосий калити - ровий моҳиятини билишдир. Ровий - китобхонни эргаштирувчи куч. Китобхон эса зинҳор суст, беўйлов эргашувчи бўлиши керак эмас. Китобхон ровий билан ёзувчи орасидаги нозик алоқаларни, услуб тебранишларини, асар поэтикаси сирларини англаб етиши жоиз. Ровий муаммасига анча батафсил тўхталишимиз боиси шундаки, Шойим Бўтаев қиссаларида, айниқса, “Шўродан қолган одамлар” асарида ҳикоячи шахси, тимсоли жиддий ўрин эгаллайди. Ёзувчининг “Шамол ўйини” қиссасида ровий масаласи жиддий кўйилади.

Шойим Бўтаев қиссаларидаги ровий кесатик, пичингга уста. У Шўро давридаги расмий, сийка муносабатларни ўрнига кўйиб тасвирлайди. Бир ўринда улар устидан кинояли қулиб “бўйинига бўйинбоғ боғланган хирадманд” атайди.

Ровий ҳикоясида пичинг, кесатик, сохта баландпарвозлик кучайдими, билинги, расмий, ғайритабий ҳолатлар, сохта муносабатлар тасвирланаётган бўлади. “Шамол ўйини”даги ровий раис Беркинбой, Ёши Узоқ ҳақида гапирар экан, булбули гўё бўлиб кетади...

“Шамол ўйини”даги ровий “Шўродан қолган одамлар” қиссасида ҳам ҳикоячи вазифасини ўтайди. Бу қиссадаги ровий энди тамоман эшилиб кетади, ўзлигини бутунлай намоён қилади. Бошқача айтганда, ровий шундай муҳит, ҳолат, муносабатлар ҳақида ҳикоя қиладики, уларни тўлиб-тошмасдан, тилга асал суртиб олмасдан ривоятлаш мумкинмас. Ровийнинг кўзи чиркин муносабатларни аниқ кўради, сохта ҳолатларни оғзидан бол томиб сўзлайди, манфий ҳодисаларни котириб тасвирлайди. Ровийга кўр-кўрона эргашган содда китобхон кўз ўнгида “йилг” этган яхшиликдан мосуво, фақат сохталиклару қаллобликлардан иборат қишлоқ хаёти намоён бўлади. Ровий тушмагур сал бўрттиришни, салбий воқеаларга “тўн кийдириб” юборишни ёқтиради. Лекин ровий ҳикояси, воқеа-ҳодисаларни кўриши зинҳор муаллиф ғояси, қисса концепцияси эмас. Шойим Бўтаев асарлари асосидаги ғоя мана бундай: қаердаки иймонли-инсофли одамлар бўлса, ўша ерда файз, барак бўлади. Харом, ёлғон аралашган жойда фалокат рўй беради, хаётдан нур, тароват йўқолади.

Ровий муаллиф ғоясини эмас, воқеа-ҳодисаларни бўрттириб, кесатиб тасвирлайди.

“Шўродан қолган одамлар” қиссасида ровий аждодининг тайини, ота-онасининг бурди йўқ. Ака ва Ука хаётини, оиласини, алоқаларини, ижтимоий мавқеини ҳикоя қилади. Қиссадаги ровий воқеа-ҳодисаларга, муносабатларга Ака ва Ука нуқтаи назаридан ёндошади. Ровий сўзлар экан, гўё Ака ва Ука руҳи томоғида туради; тасвирлар экан, Ака ва Ука қиёфаси айнак бўлаверади. Ака-индамас, зерикарли одам. Ука ичи қора, ҳасадгўй

кимса. Ровий эса булбулигўё, гапни дўндириб ташлайди. У одамлар, ҳолатлар ҳақида гапирар экан, Уканинг ичи қоралигини, ҳасадгўйлигини ялтироқ сўзлар, иборалар, қиёслар пардасига ўрайди. Қахрамонлар характери билан ровий ҳикояси орасидаги зиддият қиссанинг бошидан охиригача давом этади. Услубий бутунликни таъминлайди. Шойим Бўтаев ижодида “Шўродан қолган одамлар” қиссаси поэтика нуқтаи назаридан етуқлиги, композицион мутаносиблиги, матн яшовчанлигини таъминловчи ички зиддиятнинг изчил мароми билан алоҳида ўрин эгаллайди.

Қиссадаги ровий бот-бот муаллиф қарашларини ифода қилади. Шундай пайтда ровий ва муаллиф бирлашиб кетгандай бўлади:

“Ука кетди:

Ака қолди.

Улар на кечани эслашди!

Чунки, кечани билмасдилар, хотирлай олмасдилар, унинг қоронғи осмони қабатларида чакнаган милёнлаб шўълавор юлдузларидан, сутдай тошиб долғаланган ойларида ғофил эдилар; олис дунёлар насимларидан кўнгиллари бебахра, наинки бебахра, кўнгилнинг ўзи ҳали таваллуд топманганди, кулманг, биродар, кулманг; Кўнгил таваллудсиз одамнинг бу дунёга келиши, юриши, кетиши бир ҳашорат умричалик эмаслигини хожи поччангиздан сўрасангиз, яхшилаб тушунтириб кўяди,

На Бугунни ўйлашди.

На Эртага кайғуришди!

Хайф, бир қорин...

У маҳал бу икки безотнинг оналари хаёт эди”.

Қиссада Аканинг ҳам, Уканинг ҳам Кўнгли таваллуд топмаганлиги кўпдан кўп, шоён-ношоён воқеалар, ҳолатлар орқали тасвирланади. Хотинини лаҳадга кўйишаётганида Назоратчининг ичи узилиб кетгандай бўлди. “Кўзларидан икки томчи ёш думалаб тушди”.

Шундан кейин ровийнинг инсон руҳи, таваллуд топган Кўнгил ҳақидаги фикрлари баён қилинади. Бу ўринда ҳам ровий ва муаллиф аро ўта яқинлик, ҳамфикрлик пайдо бўлади; “Бу чоқ фалсафа юришига эҳтиёжманд бирон хирадманд бўлса айтардики, ҳеч ким ҳеч қачон ҳеч кимдан домангир бўлолмади; вужудни қоплаган чанг-тўзонлару занглар бир томизги билан ювилиб кетади: Яратган инсоннинг хатти-ҳаракатлари, еган-ичгани, жисми учун жавоб бермайди, қачон зарурати тугилса, яна ўзиники қилиб олади, яна ўзига қайтаради, бунинг учун бир томизги кифоядир...”

У хоҳ бир томчи шабнам шаклида бўлсин, хоҳ бир томчи кўз ёш... қачон лозим бўлса, қачон лозим кўрса... шунда томизади: майиб-мажруҳ, далва-далва, афтода дил малҳами бўлади ўша томизги, буни қачон лозим кўради, биз билмаймиз, била олмаймиз, даъво қилишга ҳам ҳаққимиз йўқ: бу ёлғиз ўзигагина аёндир”.

Ровий, бир қарасангиз, фалсафий мулоҳазалар билдиради: бир қарасангиз, қахрамонлар қилмишини шарҳлаб кетади. Шундай ҳам бўладикки, ровий ўзини содда, фақат кўрган-билганларини айтиб берувчи қилиб кўрса тади:

“...Астойдил моҳиятга назар ташласак, бу нимарсалар ҳам унга вақтинча бериб қўйилганлигини пайқаган бўлардинг-у, одатимизга кўра, бизни моҳият-поҳият кизиктирмайди, кўрганимизни айтиб кетаверамиз, кўрга-

нимиз шуки, амаки икки кўлини бир тепа қилганича қолаверди” (“Шарқ Юлдузи”, 1998, 5-сон, 10-бет).

Кўринадики, ровий анча мураккаб тимсол: у гоҳ бўяб-бежаб, баланпарвоз қилиб гапира бошлайди; гоҳ фалсафий мушоҳада юритади; гоҳ ўзини ўта камсукум тутади. Бир нарса аёнки, ровий гаплари, фикрлари тўлатўкис муаллифнинг қарашлари эмас. Аҳли дарк кисса воқеалари, қахрамонлар характери, ровий хикоялари орқали асар асосидаги ғояни англаб етади.

VI

Чучвара туғишдан мақсад гўшт ейиш бўлганидай, асар яратишдан мурод жонли, таъсирчан образларни кўрсатишдир. Шойим Бўтаев асарларида ўнлаб-каттаю кичик, аёлу эркак, ёш-у қари, мусбату манфий-персонаж, қахрамонлар бор. Бадий асарда персонаж, қахрамонларнинг мўллиги яхши, қачонки улар зим-зиё тундаги юлдузлар каби порлаб турса, ижтимоий юки билан асар салмоғини оширсан, Шойимнинг “Эски арава киссаси”, Муюлишдаги уй” киссаларида сони мўл, салмоғи кам, хирагина, ижтимоий юки енгил персонажлар кўп. “Шамол ўйини”да қахрамону персонажларнинг тиник, ёрқинлигига эътибор берилди-ю, уларни иш билан таъминлаш - бадий-ғоявий вазифа билан банд қилиш кўнгиладигандай бўлмади. “Шўродан қолган одамлар” киссасида, назаримда, персонажлар тиник, тирик, дардли; қахрамонлар характер даражасига кўтарилган, жиддий таҳлил-талқинга тоб бера олади.

Шойим Бўтаев Шўро одамларини, кечаги кунни чўқурроқ ўргана бориб, рухий-маънавий таназзул сирларини аниқлашга интилни.

VII

Дўппи олувчи йўрмасига, этик олувчи чокига қарайди деган гап бор. Бадий асарнинг, хусусан, насрнинг бадийлиги, пишиқ-пухталиги тиник, лўнда, увок тимсолларда, асар тўқимасига сингдириб юборилган, биллур зарраларидай “ялт-юлт” ёниб турадиган топилдиқ-деталларда намоён бўлади. Ўзбек реалистик насри мана шу фазилатга бойлиги билан ҳамшиша ажралиб турган. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Каҳҳор, Ғафур Ғулумлар насрида бири биридан тиник увок тимсоллар, китобхонни лол қолдирадиган топилдиқ-деталлар мўл-кўл. Шойим Бўтаевнинг “Шўродан қолган одамлар” киссасидаги увок тимсолларнинг мағзиси тўқ, халқоналиги кўзга дарҳол ташланади. Киссадаги увокдан да увок тимсоллардан, аммо хотирада тиник жонландириган бири-гўрков.

Оқсоқолу кўксоқоллар, Кайвони, чакаги бақувват кўшни кампир, эшак минган қария сингари увок, аммо эсда қоларли тимсоллар бор. Ёзувчининг бошқа киссаларида ҳам увок тимсоллар мўл, аммо “Шўродан қолган одамлар”да улар тиник, пухта, залворли. Ундаги Ака характер даражасига кўтарилган. Киссадаги Ука (Амаки) ҳам жиддий мулоҳазаларга имкон беради. Биз Шойим Бўтаев киссаларидаги персонажларнинг номлари лақаблари билан кўшиб аталишини айтган эдик. “Шўродан қолган одамлар” даги Аканинг исми ёдда қолмайди,


Амаки, унинг хотини. Каттабўй қариндош, Гўрков, эшак минган қария, қамоқхона Бошлиғи номи умуман айтилмайди. Тошмурод-Аканинг ўғли, Амакининг жияни, Назоратчидай сўхтаси совуқ билан умр кечиришга маҳкум этилган жабрдийда аёлниги ёлғизгина фарзанди, ноҳўя қилмиши билан эл оғзига тушган ўғри бола, ниҳоят, хибсхонадаги 96-рақамли маҳбус. Аммо Тошмурод асардаги етакчи қахрамон эмас: у етакчи персонажлар характерини ёритувчи восита. Барибир, Тошмуроднинг қалби, руҳи очилади, инсоний киёфаси англашилади.

Кисса Назоратчининг “Хозир-ир, ўғлим...” деган сўзлари билан тугайди. “Хозир-ир, ўғлим...” - туғилаётган Кўнгилнинг илк муждаси эди.

Киссадаги образларнинг ўзи фожеали тимсоллардир. Одам борки, қалбида муқаддас туйғу, олий бир интилиш бўлади. Назоратчи қамоқхонадаги кўтармани, у ердаги ярим бўйра келар-келмас майдонни энг улуг жой деб билади. Одамлар покланиб масжид-мадрасага, муқаддас қадамжоларга борсалар, Назоратчи кўтармага чиқадиган зина олдига келар экан, ўзини бошқача сезади, вазмин-вазмин босиб зиналардан кўтарилади. Кўтармадаги майдончада бирон кори-хол бўлиб қолмас дея, Назоратчи, зарурат бўлмаса-да, ҳоли жойга бориб қайтади. Назоратчи-бурч, вазифа кишиси. У ўзига хос манқурт: буюрилган ишни оғишмай бажаради. Қамоқхона бошлиғи 96-сон маҳбусни уйига жўнатишга мажбур бўлади. Бу юмушни у Назоратчи зиммасига юклайди. Бошқача айтганда, 96-сон Маҳбус - Тошмуроднинг онаси ўлган, Бошлиқ, қондага хилоф равишда, уни уйига жўнатади. Назоратчи ўз ўғлини уйига олиб бориши, хотинини дафн этиши керак. Назоратчи бир баҳя бўлса-да ўз ғилофидан чикмайди: Маҳбусни ўз ўғли, қолаверса, онасидан айрилган етим деб билмайди. Тумонат одам йиғилган: Марҳумани сўнгги йўлга узатишмоқчи. Назоратчи тўн киймайди, белбоғ боғламайди. У расмий кийимда. Икки кўзи 96-сон маҳбусда. Шундай касни инсон деб бўладими?! Назоратчи-Шўро мафқураси, сиёсати тарбиялаган манқурт, қалби кўр одам. Назоратчи - Шойим Бўтаев яратган ёрқин адабий қахрамон.

Киссада Амакининг моҳияти ижтимоий муносабатларда эмас, оилавий, тор-муҳитда ёритилади. Китобхонда шундай таассурот пайдо бўладики, Амаки табиатан ёмон эди, шундай бўлиб қолди. Назоратчи характери ўринли ёритилган. Амаки образи ҳақида бундай деб бўлмайди.

“Шўродан қолган одамлар” киссасида рухий таҳлилга интилиш бор. Ёзувчи Ака ва Уканинг хотинлари руҳиятини очишга киришади. Назоратчининг хотини хибсхонадаги ўғлига қотирма пишириб, йўлга чиқади. У эшак минган қария, қаровсиз, дайди итга йўлиқади. Шу ўринда она қалбидан кечган ҳолатлар тасвирланади. Афсуски, яхшигина бошланган бундай таҳлил оро йўлда қолиб кетади. Уканинг хотини қалбида ҳам тўс-тўполон бўлаётгани айтилади. У ҳеч қачон эри билан айтишмас, унга гап қайтармас эди. Тошмурод қамалғач, хотини худбин эрини кечири олмайди, унга юракдаги аламларини тўқиб солади. Ўйлаймизки, Шойим Бўтаев яратилажак янги асарларида руҳият тасвирини асос қилиб олади. Бунинг учун унда барча имкониятлар мавжуд.



* * *

Қоронғулик.
 Ташқарининг қоронғулиги.
 Қўрққанлар кўп ундан бағоят.
 Чирокларни ёкиб кўйишар,
 Кўзларини юмиб олишар,
 Қўрқмаслик-чун ухлаб қолишар.
 ...Ажиналар юрармиш,
 Алвастилар, ўғрилар...

Қўрқмайдилар ичларининг,
 Қалбларининг зулматларидан:
 Шаъмларини ёқмаслар меҳр ва оқибатнинг,
 Мурувватнинг машғалаларин,
 Муҳаббатнинг гулханларин ёқмаслар асло.
 Иймон оташдонига ташламаслар бирор чўғ...

Ажинадан баттарроқ ўйлар-хаёллар,
 Алвастидан баттарроқ фикрлар юрар,
 Хасад юрар, ғийбат, фикс-фасод...

Ташқарининг нурлари нима?
 Бешиқдан то қабргача
 Чекилган ташвиш.
 Ичкарини кўриш учун берилган бари.

Умр-ғубор қолиб кетар пойгакда шундок,
 Қолиб кетар ташқари ҳам, бас,
 Ташқарининг зулматлари ҳам.

Борилади охиратда ичкари билан юриб...
 Мен-чи? Мен? Қўрқаманми?
 Қайси қоронғуликдан?

Мен Худодан қўрқаман аввал,
 Сўнг, албатта, мўъминлар каби
 Ичкаримнинг зулмотидан,
 Ва, қўрқаман яна
 Ўзимнинг эмас,
 Ўзгаларнинг ичидаги зулматлардан ҳам.

Ёруғликлар олиб кирмоқ истаيمان
 Ўзгаларнинг қалбларига ҳам.

Лекин борми менда ўша куч-қудрат, дейман,
 Ўша журъат,
 Ўша нур, дейман,
 Бер менга ўшани, Худойим, дейман,
 Бенасиб этма мени дейман бу бахтдан...

Кўплар эса,
 Қўркишар ҳамон
 Ташқарининг зулматларидан.

ҚАРОВСИЗ БОҒ

Ёмон йўлга кириб кетган бир хотин.
 Кўзи, кеч бўлса-да, очилган эркак.
 Барбод бўлган оила ҳамда болалар.
 Боғ бор ўртада биров.
 Тўғри, соясида ором топса жон - савоб,
 Тўғри, мевасидан қушлар еса ҳам - савоб,
 Қурт-кумурса еса ҳам,
 Ўғри еса ҳам...

Тўғри, тош отадилар мевали дарахтларга,
 Ерга тушганини қидириб ерлар,
 Шохларини синдириб-синдириб ерлар...
 Бир боғки, ҳар йил
 Мева қилар бошини ўраб,
 Кўзларига ёшини ўраб:
 Нега келмас эгаси -
 Кеч бўлса-да, кўзи очилган эркак.
 Мисоли қўк қўланка
 Босиб ётар остини ёввойи ўт-ўланлар.
 Ўсимта янглиғ
 Чиқиб кетган танасидан ортиқча шохлар...

Боғда,
 Болаликка ўхшаган боғ хаёлларида
 Ёввойи ўт-ўланлар ичра
 Ўрмалар совук
 Илон бўлиб захарли
 Ёмон йўлга кириб кетган бир хотин.
 Қадалади унга тош бўлиб,
 Эркакининг, кеч бўлса-да, очилган кўзи.

* * *

Шавкат РАҶМОНҒА

Дўстим, деб кўз ёши қилишиб чандон,
 Сен ҳақда хотира сўйлаб тўйдилар.
 Сен гўрда, мен ерда, волаю ҳайрон,
 Мана, бизни энди холи кўйдилар.

Сўз йўк ўрғамизда, сукут бор чексиз.
 Қарайсан мунғайиб дунёлар оша.
 Узр сўрашсак ҳам бўларди, шаксиз,
 Фурурлар бунга йўл кўймади, ошна.

Ҳа, беклар сингари яшадинг, яъни
 Сокин викор билан ёнди буд-шудинг.
 Ва охир, қалбига озор берганинг -
 Четлаб юрган дўстинг - мени ҳам кутдинг.

Буни кеч айтдилар, ахир, жуда кеч,
 Вафотингдан бир йил кейин, ногаҳон.



У бир йил жумбогин энди ўзинг еч,
Ҳасратин менга қўй, тортай беомон.

Кандай севар эдим, қандай истардим
Сен бор давраларда бўлишни, ё Раб!
Симобдай тарқалиб кетарди дардим,
Қаторда нордай бўй-бастингга қараб.

Шеъринг-чи, шеърингнинг кескир сўзлари,
Оҳангги, оҳангга нақшланган ғам.
Ўзига у ажиб ҳамдари изларди
Замондан, замондан ташқарида ҳам.

Фақат амал-тақал сохта дўстларни
Қалаштирган эди қошингда у кун.
Яқин кўрсатиш-чун улар ўзларин,
Мендайлардан кўнглинг қолдирди бутун.

Билмам, дўстни дўстан айирганларни
Кандай азоб-озор, жазо кутади.
Мен каби қаноти қайрилганларни
Шўртумшук зотки бор, чўкиб ўтади.

Яхшиям, Худо бор, туради кўриб
Бу ёлгон дунёда кечмоқда нелар.
Ўлими олдидан тузатар кўрни,
Кўрсатар дунёни ёдуга белаб.

Шукр қил, сени ҳам сийлади қисмат,
Шукр қил, қалбингдан бир зиё сизган.
Сен-ку, ўша сохта дўстлардан беҳад
Сўнги кунларида чарчаган, безган.

Сен-ку, қувиб сол, деб яқинларингга
Айтган ҳам уларни, эзилиб, эй воҳ!
Ким таскин беролган ўшанда сенга,
Ким сени тушунган менсиз, ўша чок.

Номим тилга олиб, ўша кунларда,
Кийналган ҳам ўзинг, қуйган ҳам ўзинг.
Қоврилиб юрибман сўнгисиз мунгларда,
Мени пушаймонга қўйган ҳам ўзинг.

Лекин кеч айтдилар, ахир, жуда кеч,
Вафотингдан бир йил кейин, ногаҳон.
У бир йил жумбогин энди ўзинг еч,
Ҳасратин менга қўй, тортай беармон.

МҲРМАТЛАР

Нимани эшитдинг, нимани кўрдинг?
Ниманинг хаёлин ўзингча сурдинг?
Тохир-Зухра бўлиб улгурмадик биз,
Қачон Қоработир бўлиб улгурдинг?

* * *

Хамма ўзи билан ўзи овора,
Гўё бир дарди бор, ахтарар чора.
У чора топилмас гўё ҳеч қачон,
Мен дейман: бир кунни топилса зора.

СҲАҲСАЛАР

Кўз олдидан турфа қаслар ўтдилар,
Мисли гулзорда хор-қаслар ўтдилар.

Ичдан тан олишиб, ташдан рад этиб
Менинг баландлигим, пастлар ўтдилар.

Эй баландга чиқиб, бурнин кўтарган,
Бўлар-бўлмас гапга унин кўтарган.
Огоҳ бўл, оёғинг остида не бор,
Сендан яхши билар - тубанда турган.

Эй, баландга чиққан дўстим, омон бўл!
Энди сенга кафилек кўринар ўнг-сўл.
Йўл йўқдир ва лекин унда юрмоққа,
Бирор ёққа борсанг, туш, пастладир йўл.

Билмадим, мен қачон қилдим не гуноҳ,
Мени баландларда кўрдинг келар тоҳ.
Хаво сийрак бўлар унда, огоҳ бўл,
Бўғилиб ўлишим истайсанми, оҳ!

УЧАР ОТЛАР... УЧАР ҲОЛДУЗЛАР...

Йиғлаётган одамзод.
Йиғлаётган одамзоднинг кўз ёши -
Ҳалол.
Отилган ва бўғизланган от,
Парвознинг таъмини яширган гўшти -
Ҳалол.
Йўк, сиз отмадингиз бу учар отни,
Кўрлик отди, манкуртлик отди.
Эртақларга ишонмаслик,
Фирқўқларга ишонмаслик,
Бепарволик, лоқайдлик...

Айтинг, юлдуз эмас ҳар кеча
Учаётган учар отларнинг руҳи!..

Йиғлайсиз-да, оға, энди,
Йиғламайсиз қандайлар?!

Гўштини-ку, еб битиргансиз,
Қанотларни нима қилгансиз?..

Марҳамати эди Худойнинг бу от,
Асраб-авайлолмадик.
Учар отни отиб еган авлодмиз, ҳайҳот!
Орзудаги халқ бўлолмадик.

Йиғлаймиз-да, оға, энди,
Йиғлаймиз бирга.

Марҳамати кенгдир лекин Худойнинг.
Дерлар: умид ўлар охири.
Айтинг, ҳамон учар юлдузлар -
Учар отлар руҳи бизга ёр.

Бошқа авлод туғилар бир кун,
Меҳр қўйиб учар отларга.
Бошқа авлод туғилар...
Бошқа авлод...
Бутунлай бошқа.

Гўштини-ку еб битирганмиз,
Қанотларни нима қилганмиз?

Ўғилой УСМОНОВА

Нурали МИСИРОВ

ҚАЙТАРМИСАН ҚАЛБИМГА, ОДАМ?

Сен мендан чарчадинг, юрагим,
Чарчадинг чоғи бу шеърдан ҳам?
Шеърсиз ҳам яшасанг бўларди,
Рост, ахир, ахир сен кимдан кам?!

Ҳалиям кеч эмас, йўлингни
Айро қил шеърдан ҳам, мендан ҳам,
Менсиз ҳам яшасанг бўлади,
Рост, ахир, ахир сен кимдан кам?!

Ўйланиб ўтирма, юрагим,
Кеч майли шеърдан ҳам, мендан ҳам,
Ўзингча қувониб яшагин,
Рост, ахир, ахир сен кимдан кам?!

Кеч, майли, шеърдан ҳам, мендан ҳам,
Дейману бир қизиқ бўламан.
Шеърни-ку билмадим, аммо мен
Сен кечган заҳоти ўламан.

* * *

Уммонингда қайикдай чўкиб
Бораверсам. Энг охирги дам
Борлигимга борлигинг тўкиб
Қайтармисан қалбимга, Одам?
Нафратларга бўй бермай қочиб
Бораверсам. Энг охирги дам
Бошимдан бор меҳрингни сочиб
Қайтармисан қалбимга, Одам?

Тирикликнинг баридан тутиб
Бораверсам. Энг охирги дам
Гуноҳларим бир бор унутиб
Қайтармисан қалбимга, Одам?

* * *

Олам силамаган бошингни,
Одам силамаган бошингни,
Мен силаяпман, йиғлама.

Олам тўқтирган кўз ёшингни,
Одам тўқтирган кўз ёшингни,
Мен билаяпман, йиғлама.

Омадинг келмаган бўлса ҳам,
Яшагинг келмаган бўлса ҳам,
Мен келаяпман, йиғлама.

Тириклик тангрининг тухфаси,
Шод бўлсин деб дилинг хужраси,
Мен кираяпман, йиғлама.

Қачондир, кўзлари шаддодим.
Жилмайиб берсанг-чи, ғамбодим.
Мен тилаяпман, йиғлама.

Айт, кўз-ёшингни ким тўқтирди?
Қара, бу кул мени чўқтирди,
Мен ўлаяпман, йиғлама.

* * *

Баҳор охирини юракдан туйдим,
Ёр қўйнидай қирнинг қўйинини суйдим.
Майсалар бўйдан сузилган майдон,
Симирдим лекин на туйдим, на қўйдим.

Булоқлар лабидан бол ичиб ёндим,
Кумрол кокилларин бир қучиб ёндим.
Мовий кўзларига қарадим мафтун,
Оловдай ловиллаб минг ўчиб ёндим.

Турналар бошимдан сафланиб ўтди,
Дарахтлар бир мовий саслашиб ўтди.
Дарёлар-жиловдор йўлакларига
Юлдузлар югуриб бахслашиб ўтди.

Шундай баҳор бўйи яшайман бедор,
То келгунча менсиз ўтгувчи баҳор.



Саодат ОЛИМОВА

ХАЁЛ ХОТИРАНИНГ СИҒЛИСИ

Йўлимда учраган Азобни
Учириб кетди
Қайси бўрон -
Бойчечак ёзди дастурхон.

Хаёл хотиранинг эрка синглиси
Топиларми шодликдан бир ранг
Қаерда Ёшликнинг Ватани?

Бойчечаким сени соғиндим яна
Ширин истакларим бахтгадир она
Ишончим йўқолди ёмғирли кунда.



МЕНИ ЙЎҚЛАР ҚАЧОН НАВРЎЗ

ҲАСРАТ

Қанча-қанча сувлар
Оқиб ўтмади,
Қанчалар эсмади
Майин шабода,
Ким қадримга етди,
Кимдир етмади,
Сизмасми хўрлаган
Мени мабода?!

Сизнинг ҳам кўнглингиз
Тўла мунг,
Ҳасрат,
Кўтарган кўлингиз
Қолди ҳавода.
Юзига тарсаки торт дейди хасад,
Сизмасми хўрлаган
Мени мабода?!

Кўйиб юборингиз келмас борсам ёр,
Лаъли лабларингиз
Илинур бода.
Сиздан ҳам Сарварим
Менинг гинам бор,
Сизмасми хўрлаган
Мени мабода?!

Тунлар эшик ёпмай
Онам соғиниб,
Йўлига кўз тикар
Кўнгил безовта.
Боролмайман кира ҳақдан оғриниб,
Менмасми хўрлаган
Сизни мабода?!

Қанча-қанча сувлар
Оқиб ўтмади...

Бир кампир бор бизнинг қишлоқда,
Сал кам чиққан тентакка номи.
Ховлисини супирмас эмиш
Бу ерлардан ўтган деб чолим...

Ховли хароб,
Ховлиси мискин,
Ховлисидан кампир мискинрок,
Чоли қайтмас...
Билади...
Бирок,
Эрта-ю кеч кутади ғамгин.

Хар баҳорда эшик олдида
Супачада ўтирар кампир.

Хар гиёҳу майсани силаб
Тушларига сўрайди таъбир.

Ўтган-кетган кулиб ўтади,
Кампир кутар
Энтикиб,
Ҳориб.
“Она” дегим келар тиз чўкиб,
Ўпким келар кўлидан бориб.

Эй девкомат
Ташна лаб дўстим,
Эй хилватдан ишқ излаган қиз
Келинг,
Кўринг,
Ундан ўрганинг
Чин Муҳаббат,
Садоқатни сиз!!!

ОТАЖОН

Тошбағирга айландим мен
Тош шаҳарда тош тепиб,
Юлдузларга термулсайдим
Қаршингда мен тиз чўкиб.
Тавоф айлай кўлинг теккан
Пастак деворни ўпиб,
Қайда қолди сомонсувок
уйинг айтгил Отажон?

Тош деворли бетон уйлар
Биқинимни тешади,
Юракдаги ҳар дардимга
Мингта ҳасрат кўшади.
Дилга ўзинг жо айлаган
Орзу-ҳавас жўшади,
Қайда сенинг Алпомишдай
бўйинг айтгил Отажон?

Бу ердадир ёлғон сўзлаб
Ёлғонини рост қилган,
Бу ердадир ростдан тониб
Ўз жонига қасд қилган,
Қайда қолди соғиндим мен
Ялпизларни маст қилган
Ўйнаб оққан анҳорларинг
Куйинг айтгил Отажон?

Бўлди ғафлат уйқуси, тур,
Дўст-ошнони уйғотай,
Тўғонларни бузсин кўнгил
Ул дарёни уйғотай,
Бойчечакдай бедор бўлиб
Мен дунёни уйғотай,
Мени йўқлар қачон Наврўз -
Тўйинг айтгил Отажон?!



**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЁНИБ ЯШАШКЕРАК!****Муассислар:****Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон
Республикаси ёшларининг “Камолот”
жамғармаси****Жамоатчилик кенгаши раиси:**

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:Алланазар АБДИЕВ
Ўрол АБИЛОВ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАҲМУДОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Аҳмад УСМОНОВ
Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ
Кахрамон ҚУРОНБОЕВ**Бош муҳаррир:**

Абдуқаюм Йўлдошев

Масъул котиб:

Акбарали МАМАСОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:Ҳотам АБДУРАИМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Абдул Фани ЖУМА
Абдусаид КҮЧИМОВ
Тўхтамурод РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Муҳаммад ЮСУФ
Собир Ўнар
Ғаффор ҲОТАМОВ
Шодикул ҲАМРОЕВ
Луқмон БҮРИХОНЁшларнинг адабий-ижтимоий журнали. 1982 йилдан
чиқа бошлаган

© “Ёшлик” №4 (174) 2000 й.

Ушбу сон “Ёшлик” журнали таҳририятининг компью-
тер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:

Саодат ТҮЛАГАНОВА

Муқоламизда:1,2,-бетлар. *Истеъдодли ёш теннисчи Ирода ТҮЛА-
ГАНОВА. (38-бетдаги “Юрт меҳрига суянган Ирода” ма-
қоласига қаранг)*3-бет. *Устоз мунаққид Матёқуб ҚЎШЖОНОВ.*

(А. ЖУМАЕВ фотолари)

МОҲИЯТ

Эргаш ОЧИЛОВ. Ишқ - камолот калити..... 1

НАСРЖамила ЭРГАШЕВА. Таназзул. Қисса..... 4
Анвар ЖАВЛОНОВ. Шоҳбекатдаги гадоё.
Ҳикоя.....24
Тилаб МАҲМУД. Лолақизғалдоқ. Ҳикоя.....28**НАЗМ**Ғайрат МАЖИД. Тунларнинг ойдинлигин исбот
этаман.....3
Одил ҲОТАМОВ. Сендан олис кетар оҳудай
орзу..... 22
Маҳмуд РАЖАБ. Кутишни севаман сени
севгандай.....27
Сафар ОЛЛОЁР. Яшариб, ҳам яшнаб кетди тунд
фалак..... 31
Нозим РАСУЛ. Нурлар хазони..... 33
Шукур ҚУРБОН. Кўксимга қанотин ураётган
қуш..... 44
Саодат ОЛИМОВА. Хаёл хотиранинг синглиси.....46
Нурали МИСИРОВ.....46
Муҳаммад УМАР. Мени йўқлар қачон наврўз.....47**ТАДКИКОТ**Олим ОЛТИНБЕК. Камий оқ подшонинг маддохи
эдими?..... 32**МУМТОЗ БАДИИЯТ САНЪАТЛАРИ**

Ваҳоб РАҲМОН. Талмиҳ санъати..... 34

ОЛИС-ЯҚИН ОВОЗЛАРАъзам РАҲИМ..... 36
Абдул АЗИЗ.....37**СПОРТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ**Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА. Юрт меҳрига суянган
Ирода.....38**ЁШЛАР ИЖОДИ**Абдуғафур РАСУЛОВ. Таваллуд топаётган кўнги
л муждалари..... 40**БЕВАҚТ СҮНГАН ЮЛДУЗЛАР**

Ўғилой УСМОНОВА. Қайтармисан қалбимга, одам...46

Манзилмиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру,1-
уй, Телефон: 133-40-83Босишга 26.07.2000 йилда рухсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8. Шартли босма тобоғи 12,2.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 12,0. Буюртма № Индекс 822
ISSN 0207-9137Журналдан кўчириб босилганда “Ёшлик”дан олинди
деб изоҳланиши шарт.“Янги аср авлоди” нашриёт маркази. Тошкент, Қатор-
тол кўчаси, 60-уй.